

636.3

K-332

С. И. КЕДРОВА

Қоракұл
құйларни
яйловда
боқиш

17296a



С. И. КЕДРОВА

636.3

к-332

ҚОРАҚЎЛ
ҚЎЙЛАРНИ
ЯЙЛОВДА БОҚИШ

(ЎРТА ОСИЁ ВА ЖАНУБИЙ
ҚОЗОҒИСТОН ҚОРАҚЎЛЧИЛАРИ УЧУН
ҚИСҚАЧА СПРАВОЧНИК)

172962

БИБЛИОТЕКА
Сам. СХИ
гор. Самарқанд

„ЎЗБЕКИСТОН“
НАШРИЁТИ
Тошкент — 1967

к

ейдиган асосий яйлов ўтларининг тўқималик даражаси ўрганилди, ем-хашак экинларини ўстириш агротехникаси ишлаб чиқилди, қоракўл совлиқлар сувий йўл билан қочириладиган кўчма пунктлар ва сув чиқарадиган инженерлик установкалари конструкция қилинди. Қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан ихтисослаштирилган зоналарида қоракўл қўйларини яйловда ўтлатиб ва қўлда боқиб семиртириш усуллари, шунингдек, чўл яйловларида ўсадиган дағал пойли ўтларни қўйларга егизишдан олдин тайёрлаш усуллари, саноат мақсадида гўшт етиштириш ва фермаларни ихтисослаштириш усуллари, ем-хашакдан оқилона фойдаланиш усуллари, қўйларни ҳар хил типлардаги яйловларда ўтлатиш мавсумлари ва муддатлари, қоракўл қўйлар урчитиладиган районлар учун яйловлардан йил бўйи фойдаланиш (яйлов обороти) системаси ҳамда қоракўл қўйларни ўтлатиш техникаси тавсия қилинди.

Бу китобни ёзишда қоракўл қўйларни чўл яйловларида боқиш ва урчитиш ҳамда қоракўл тери, гўшт ва жун маҳсулотларини тобора кўпроқ етиштириш масалаларига доир илмий ва амалий тажриба материалларини умумлаштириш кўзда тутилди.

ҚОРАҚҮЛ ҚҰЙЛАРНИНГ ОЗИҚ БАЗАСИ

ТАБИИИ ЯИЛОВЛАР

Урта Осиё территориясининг анча қисми чўл ва адирлардан иборат бўлиб, уларда қадимдан бери асосан қоракўл қўйлар боқилиб келинади. Кейинги ўн беш йил мобайнида Жанубий Қозоғистон чўлларида ва Астрахань областининг сувсиз адирларида ҳам қоракўл қўйлар боқилмоқда. Бироқ, Ўзбекистон ва Туркменистондаги беподой яйловлар ҳозир ҳам асосий қўракўлчилик райони бўлиб қолмоқда.

Чўл ва адирларнинг иқлими жуда қуруқ (континентал) бўлиб, дағи ҳаво температураси кўланкада 40—48° гача кўтарилади, бунинг устига қўйларнинг тинкасини қуритадиган гармселлар эсиб туради. Бу ерларнинг қиши ҳам анча совуқ бўлади, ҳаво кўпинча 20 ва баъзан 25° гача совийди. Ёғингарчилик, асосан куз, қиш ва эрта кўкламда бўлади. Ёз фаслида ёғингарчилик деярли бўлмайди, баъзан момақалдироқли жала қуяди. Йиллик ёғинларнинг ўртача миқдори 90—180 мм бўлиб, тоғ этакларида 250—400 мм га етади. Ёғинлар асосан кўкламда ётади.

Чўллар жуда хилма-хилдир, уларни асосан қумлоқ, соз тупроқли, тошлоқ ва шўрхоқ тинларга ажратиш мумкин. Чўлнинг ҳар қайси тинида ўзига хос ўсимликлар ўсади. Чўлда шўрхоқлар — шўр босган ва тақир ерлар кўп учрайди. Шўр босган ерларда ўсимликлар бўлмайди ёки шўрга чидамли ўсимликларгина битади. Тақир ер деганда бети дарз кетган қаттиқ соз тупроқли майдонлар тушунилади. Тақир ерлар сувни шиммаганлиги сабабли, уларда кўп миқдор ёғин сувлари тўпланиб қолади; маҳаллий аҳоли бу сувлардан қўйларни ва экинларни суғоришда фойдаланади.

Бу яйловларда сизот сувлар жуда чуқур жойланган. Уларни хўжалик мақсадлари учун ўзлаштиришда катта қийинчиликларга дуч келинади. Бироқ, ҳозирги замон пармалаш техникаси ёрдамида бу қийинчиликларни бар-тараф қилиш мумкин. Кейинги йилларда артезиан қудуқлар қурилиб, уларнинг атрофида воҳалар яратилмоқда. Бу тадбир чўл яйловлардаги чорвачиликни янада ривож-лантириш имконини бермоқда.

Қоракўл қўйлар деярли йил бўйи яйловда асралади. Чорва мол туёғини ва чорвачилик маҳсулотларини тобора оширишга доир планли топшириқларнинг муваффақиятли бажарилиши бу яйловлардаги ўсимликларнинг озкўплигига боғлиқдир. Шу сабабли қўйларни ўтлатиб бўлмайдиган ёғин-чочинли кунларда қўшимча озиқлантириб туриш учун яйловларда эҳтиёт ем-хашак ғамлаб қўйиш зарур. Бунга эришилганида қўйлар йил бўйи, аиниқса, қиш фаслида этдан тушмай семизлигини сақлайди.

Қоракўл қўйлар урчитиладиган асосий районлардаги яйловлар одатда эфемер ўтли, ярим бута-эфемер ўтли, ўтсимон-бута ўсимликли, йирик-эфемер ўтли, шувоқ-эфемер ўтли ҳамда шўра ўтли типларга бўлинади.

Чўл ва адирлардаги яйловлар уларда қўйларни айрим мавсумлардагина ўтлатиш мумкинлиги билан бир-биридан кескин фарқ қилади. Яйлов ўсимликларининг тўйимлик даражаси йил мобайнида ҳамisha ўзгариб туради ва куз-қиш фаслига яқин жуда пасайиб қолади. Шу сабабли ҳар гал яйловларни танлашда улар мумкин қадар қўйларни этдан туширмай ўтлатишга имкон берадиган ҳамда қўйларни ўтлатиш натижасида яйловдаги ўтларнинг ҳолати ёмонлашиб қолмайдиган бўлиши зарурлигини назарда тутиш керак. Масалан, қўйларни куз-қиш фаслида ўтлатиш учун шувоқ-эфемер ўтли, йирик пояли-бута ва ўтсимон ўсимликлар аралаш шувоқ-шўра ўтли яйловлар энг яхши ҳисобланади. Бундан ташқари, қўйларни яхши ҳолатда сақлашда яйловлардаги сувнинг озкўплиги ва сифати, шунингдек, қўйларни тўғри асраш ва яйловлардан фойдаланиш системаси ҳам жуда катта роль ўйнайди.

Қўйларни яйловда боқиш ва асрашнинг энг масъулиятли даври қиш фасли ҳисобланади, аммо баъзи йиллари ёзда ҳам жуда оғир шароитларга дуч келинади. Озиқ жиҳатидан қўйлар учун энг қулай давр яйловлар тўйим-

ли ўтлар билан таъминланган кўклам ва куз фасли ҳисобланади.

Қорақўл қўйларни, айниқса, нимжонланиб қолган қўйларни, қиш фаслида яйловда ўтлатишдан ташқари қўшимча ем-хашак билан ҳам боқишга тўғри келади. Бироқ, кейинги йилларда кўпгина илғор хўжаликлар қўйларга қўшимча озиқ тариқасида дастлаб майдаланиб, ем қўшилган шувоқ, янтоқ аралашмаси бермоқдалар. Аммо қўл яйловларида асраладиган қорақўл қўйлар учун табиий яйловлар асосий озиқ манбаи ҳисобланади ва мустақкам озиқ базаси яратиш масаласи ўша яйловлардан тўғри фойдалана билишга боғлиқ бўлиб қолади.

Қўл яйловларининг ҳосилдорлиги жуда паст бўлиб, уларнинг ҳар гектаридан қуруқ хашак ҳисобида олинadиган йиллик ҳосил 2,5—3,5 ц дан, тоғ этакларида эса 5 ц дан ошмайди. Қурғоқчил йиллари бу ҳосилдорлик арзимайдиган даражада бўлиб, ҳар гектардан бир неча килограмм хашак олинади. Эндиликда яйловларни кўкламги, ёзги, кузги ва қишки яйловларга ажратмоқдалар.

Кўкламги яйловларда эфемер (барра) ўтлар йирик ўт ва эфемер ўт аралашмалари, ўтсимон-бута ўсимликлар ҳамда шувоқ-эфемер ўтлар; ёзги яйловларда йирик-эфемер ўтлар, шувоқ-эфемер ўтлар, ўтсимон-бута ўсимликлар; кузги яйловларда шувоқ-эфемер ўтлар, ўтсимон-бута ўсимликлар, шўра ўтлар; қишки яйловларда шувоқ-эфемер ўтлар, ўтсимон-бута ўсимликлар ва шўра ўтлар ўсади.

Қўл ва ярим қўллардаги ўсимликлар — эфемер ўт, бир йиллик шўра ўт, дағал пояли ўт, ярим бута ҳамда бута группаларига бўлинади.

ЭФЕМЕР ЎТЛИ ЯЙЛОВЛАР

Асосан, тоғ этакларидаги адирларда кенг майдонларни банд қилади. Бундай яйловлардаги ўтлар эрта кўкламда яхши ривожланиб, май ойида қуриydi. Аксари ҳолларда бу ўтлар ёзда қувраб бўлганидан сўнг, куз келиши билан янгидан кўкара бошлайди.

С. Н. Запрометов маълумотларига кўра, Ўзбекистоннинг асосан жанубий қисмида, баъзан шимолий районларида ҳам фақат эфемер ўтларгина эмас, балки шўра ўтлар ҳам қиш фаслида кўкариб ўсаверади. 1954—1955


йиллари Ўзбекистонда бундай ўтларнинг 24 хили қиш фаслида кўкариб ўсганлиги қайд қилинган. Туркменистонда эса, элекнинг кўп йиллик шоҳлари кузги ёғинлардан кейин кўкариб ўсаверади.

Чўлдаги ўтларнинг қишда ўсиши халқ хўжалиги нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга, бу ўтлар қўйларнинг яйловда ўтлашини яхшилабгина қолмай, балки уларнинг организмда витаминлар запаси тўпланишига ва бундай йиллари қўйларни авитаминоз касалликларидан тамоман сақлаб қолишга ҳам ёрдам беради.

Чўл яйловларида эфемер ўтларнинг, шунингдек, ғалласимон, дуккакли ўтларнинг кўп хиллари ва бошқа турли-туман ўтлар ўсади. Эфемер ўтлар ёз фаслида қувраб-қуриб қолганидан кейин уларнинг поя-новдалари синиб ерга тўкилади ва бу қуруқ «хас» шамол воситаси билан уюмчаларга тўпланади. Бундай «хасларни» қўйлар жуда ёқтириб ейди. Баъзи эфемерондлар, айниқса, қиёқ қуриганидан кейин ҳам синиб, ерга ётиб қолмай сақланади. Энди, бу ўтларнинг асосий турларини қисқача таърифлаб ўтамыз.

Сахро қиёғи (ранг ёки қорабош)— қиёқлар оиласига қарашли кўп йиллик кўкламги ўт бўлиб, шўр босмаган лёсс тупроқли ерларда ўсади, тоғ этакларидаги адирларда, айниқса, кўп учрайди. Сахро қиёғи адирлардаги кўкламги эфемер ўтли яйловларда қоракўл қўйлар учун асосий озиқ ҳисобланади. Эрта кўкламда ўса бошлайди, баъзи йиллари эса кузда ҳам кўкаради. Бу ўтнинг молларга озиқ бўладиган қисмлари март охири ва апрель бошида энг кўп миқдорда тўпланиб, об-ҳаво шароити қулай келган йиллари ҳар гектардаги қуруқ модда (хашак) ҳосили 3—4 ц га етади, аксари ҳолларда эса бу ҳосил 1 ц дан ошмайди. Кўкламда сахро қиёғи ўсаётган яйловда ўтлатилган қўйлар яхши семиради. Бу ўт қуриганидан кейин синиб ерга тўкилмай, яхши сақланади ва уни қўйлар бутун йил бўйи еяверади. У тупроқнинг 5—7 см чуқурликдаги қисмига зич тўрсимон патак илдишлар ёяди, тупроқнинг 25 см қалинликдаги устки қаватда чимзор ҳосил қилиб ўсади.


Бундай яйловларни яхшилашда бирон йўл билан бу чимзорни бузиш зарур, акс ҳолда уларга экилган ўт ва бута уруғлари тупроқда нам етишмаслиги сабабли уна олмай қуриб қолади, чунки тупроқдаги намни сахро қиёғининг илдишпойлари шимиб тураверади.



Ранг (қорабш)

Кум қиёги (илак)—эфемерлар туркумининг қиёқлар оиласига қарашли кўп йиллик ўт. Баландлиги 15—20 см га етади. Ўтиришиб-мустаҳкамланиб қолган ерларда ҳам да кам ўсимликли қумзорларда учрайди. Февраль охирида ўса бошлайди, май ойига бориб қуриб қолади. Қоракўл

қўйлар учун жуда яхши озиқлардан бири ҳисобланади. Ҳар гектардаги ҳосили баъзан 80—100 кг га етади. Илакзорда қўйлар қайта-қайта ўтлатилаверса, бу ўт бутунлай йўқолиб кетади, шу сабабли унда қўйларни фақат йилга бир марта ўтлатиш керак. Илак илдизпояларидан кўкаради, унинг бу хусусиятидан фойдаланиш, чимга айланган илдизпояларини кўчириб ўтқазиш йўли билан кўчма қумларни мустаҳкамлаш лозим.



Қўнғирбош

Қўнғирбош — эфемерлар туркумининг ғалласимонлар оиласига қарашли кўп йиллик ўт бўлиб, соз, қумоқ ва қумлоқ тупроқли ерларда ҳамда зичлашган қумзорларда ўсади; у бирмунча шўр босган ва шағал тош аралашган ерларда ҳам ўсаверади. Баландлиги 30—50 см га етади. Тоғ этакларидаги адирларда қўнғирбош, айниқса, яхши ривожланиб, ёгингарчилик сероб бўлган йиллари гектар бошига 6—10 ц гача, ёгингарчилик ўртача бўлган йилларда эса 2 ц хашак ҳосили беради. Унинг ҳосилдорлиги айрим йилларда жуда ўзгариб туради, асосан кўкламги ёгинларнинг оз-кўплигига ҳамда ҳаво температурасига боғлиқ бўлади.

Қўнғирбош баъзан куз кириши билан кўкара бошлайди, қиш фаслида ўсишдан тўхтайтиди, кўкламда янгидан ривожланиб, февраль ўртасидан апрель ўртасигача ўсаверади. Апрель охирида қувраб қурий бошлайди. Уни ўсиш даврининг бошидан охиригача қўйлар жуда ёқтириб ейди. Қўнғирбош қуриб қолган жой-

ларга унинг пиёзчаларини экиш йўли билан яйловларни анча яхшилаш мумкин.

Ялтирбош — ғалласимонлар оиласига қарашли эфемер ўт бўлиб, шўр босмаган қум ва бўз тупроқли

ерларнинг деярли ҳаммасида учрайди. Баъзи йиллари куз кириши билан кўкара бошлайди ва апрель охирида қувраб қурийди, синиб ерга тўкилмай яхши сақланади. Қуриганидан кейин тўйимлилиқ даражаси қарийб 2 барабар пасаяди. Бироқ, бу ва бошқа эфемер ўтларнинг ерга тўкилган «хаслари» қоракўл қўйлар учун жуда фойдали озиқ ҳисобланади. Серёгин йилларда ялтирбош бошқа эфемер ўтлар билан биргаликда пичан тайёрлаш учун ярайдиган қалин ўтзор ҳосил қилади, бундай ўтзорнинг ҳар гектаридан 3—5 ц гача пичан олинади. Бу ўсимликни қумлоқ яйловларнинг ўтлари сийраклашиб қолган жойларига экса ҳам бўлади.

Арпагон — илдизлари юза таралиб ўсадиган бир йиллик ўт бўлиб, баландлиги 20 см га етади. Зич тупроқли яйловларда бошқа эфемер ўтларга аралаш ҳолда кўп учрайди. Бундай яйловларда арпагон гектар бошига 1—5 кг, қум тупроқли яйловларда эса 20—40 кг хашак беради. Қуриб қолган ҳамда кўкариб ўсаётган арпагонни қўйлар ёқтириб ейди ва тез семиради. Жала сувлари билан намиқиб турадиган ерларда арпагон жуда авж олиб ўсади ва унинг ҳар гектаридан 10—12 ц гача пичан тайёрланади. Бу пичанни қўйлар зўр иштаҳа билан ейди.



Ялтирбош

Қилқон — бир йиллик ғалласимон эфемер ўт бўлиб, тоғ этакларидаги ҳамма адирларда мартдан июнгача ўсади. Бошоқ чиқарганидан сўнг дағаллашади, бошоқларида қўйларнинг оғиз ичидаги шиллиқ пардасини яра-лайдиган ва ҳалқумига ўтганида баъзан уларни нобуд қиладиган ўткир қилтиқлар бўлиши сабабли, дағаллашиб қолган қилқонни қўйлар емайди. Қилқон дағаллашиб қолишининг олдини олиш уни бошоқ чиқаргунча ўриш керак.



Арпағон

Қилтиқ — яйловлардаги ўсимликлар орасида қўп учрайдиган бир йиллик галласимон ўт. Узун қилтиқ ҳосил қилиб ўсади, уни қўйлар кўклигида ейди, аммо ўсиб етилганидан ва қуриганидан сўнг емайди. Бу ўтнинг қаттиқ қилтиқлари қўйларнинг оғиз ичидаги шиллиқ пардасини яралагани сабабли, у пишиб етилган даврда қўйларни ўтлатиш учун ярамайди.

Оқчитир — бутсимон гулчилар оиласига қарашли бир йиллик ўтсимон эфемер ўсимлик бўлиб, бўйи 5—15 см га етади. Ўрта Осиёда кўп учрайди, ҳозирча 12 та тури борлиги аниқланди. Чўллардаги ҳамда тоғ этакларининг адирларидаги соз тупроқли шўрхок ерларда, шунингдек, тақирсимон ва қум тупроқли ерларда ўсади. Март ойидан май ойигача ривожланади, лекин бу ўтнинг таркибида озиқ модда запаслари оз бўлади. Оқчитирнинг йирик баргли ва сертук турларини қўй-эчкилар жуда ёқтириб ейди.

Қорамашоқ — бутсимон гулчилар оиласига қарашли бир йиллик эрта кўкلامчи эфемер ўт, бўйи 5—15 см га етади. Саз ва қум тупроқли ерларда учрайди. Март ойида кўкариб ўса бошлайди, май ойига бориб қурибди, туни ва мевалари қишгача яхши сақланади. Қорамашоқ сероқсил ўт бўлганидан, уни қўйлар жуда ёқтириб ейди. Жуда сийрак ўсади ва яйлов ўтларининг энг яхши аралашмаларидан



Оқ читир

бири ҳисобланади. Гектар бошига 5—10 кг гача хашак беради.

Нўхатак — дуккаклилар оиласига қарашли бир йиллик эфемер ўт бўлиб, бўйи 10—40 см га етади. Қумоқтошлоқ майда заррали тупроқларда ҳамда зичлашган




Қорамашоқ

қумзорларда ўсади. Гектар бошига 3—5 кг гача қуруқ хашак беради. Нўхатакни қўйлар жуда ёқтириб ейди ва у яйлов ўтларининг энг яхши аралашмаларидан бири ҳисобланади.

Эфемер ҳамда эфемерсимон ўтларнинг юқорида баён этилган асосий турларидан ташқари яна кўп тур-хиллари учрайди. Бироқ, бу ўтлардаги озиқ моддалар запаси арзимайдиган миқдорда бўлгани сабабли, улар хўжалик нуқтаи назаридан муҳим роль ўйнамайди.

Яйлов ўтларидаги озиқ-моддалар запасини ҳисобга олишда яйловларда учрайдиган ўсимликларнинг ҳамма



Нўхатак

тур-хиллари рўйхатга олиниб, умумий ўтзорда уларнинг оз-кўплиги қайд қилинади. Яйлов ўтларининг тур-хиллари қанча кўп бўлса, яйловда ўтлатилаётган қоракўл қўйларнинг суткалик озиқ рационини шу даража тўйимли бўлади.

Эфемер ўтли яйловларнинг ҳосилдорлиги айрим йилларда жуда ўзгариб туради. Кўклам фасли илиқ бўлган серёғин йилларда бундай яйловларнинг ҳар гектаридан 5—7 ц гача, қурғоқчилик йилларда эса — атиги 0,5—1,5 ц қуруқ хашак олинади. Ҳар қандай йилларда ҳам бу ўтлар апрель ўртаси (баъзан май боши) да мўл ҳосил бериб, кейинчалик бу ҳосилдорлик кескин камаяди. Кўкламги эфемер ўт запаси кузга бориб 20—30% гача камаяди. Эфемер ўтли яйловларда қоракўл қўйлар жуда тез семиради. Бу яйловларда совлиқларни қўзилатиш, соғиш, жун қирқиш ва қичима касаллигига қарши чўмилтириш кампаниялари ўтказилади. Қўзилатиш кампанияси эрта муддатда ўтказиладиган бўлса, у ҳолда қор ёғиб қолган пайтларда егизиш учун ўторда бирмунча эҳтиёт ем-хашак ғамлаб қўйилиши керак. Қўйлар қуриб қолган эфемер ўтларни кўкламдагина эмас, балки йилнинг бошқа фаслларида ҳам жуда хуш кўриб ейди.

ЙИРИК ЭФЕМЕР УТЛИ ЯЙЛОВЛАР

Кўкламги эфемер ўтлар ўсадиган яйловлардаги ўсимликлар орасида янтоқ, каррак, қўзиқулоқ, оққўрай каби йирик пояли ўтлар ҳам учрайди. Бу яйловларнинг ҳосили анча юқори бўлиб, ҳатто ҳосилдорлик ўртача бўлган йиллари ҳам, гектар бошига 9—10 ц гача қуруқ хашак беради. Дағал-йирик пояли ўтларнинг тўйимлилиги эфемер ўтларни кига нисбатан анча паст бўлса ҳам, йирик-эфемер ўтли яйловлар қоракўлчилик учун катта аҳамиятга эгадир, чунки улардан қиш учун хашак тайёрлаш мумкин. Майда эфемер ҳамда йирик-эфемер ўтли яйловлар Ўзбекистон ва Жанубий Қозоғистоннинг адирларида айниқса кўп учрайди.

УТСИМОН-БУТА УСИМЛИКЛИ ЯЙЛОВЛАР

Бу яйловлар қумли ерларда кўп учрайди. Улардаги ўтларнинг ботаник состави (тур-хили) қумликларнинг рельефи (паст-баландлиги)га боғлиқ. Масалан, тақир ва


шўр ерларни ўз ичига олган қум тена тизмаларидаги йирик ўтли яйловларда шувоқ ва шўра ўтлар аралаш илак-саксовул, шунингдек, шувоқ, бир йиллик шўра ва бошқа хил ўтлар аралаш саксовул-илак — селини ўсади. Қумликларда буталардан жузғун (қандим), сўзан (қум-ақацияси) анча кўп учрайди. Шу билан бирга саксовул ва боржоқ (эфедра) ҳам ўсади. Бу яйловларда чала буталардан сингрен, шувоқ ва чирмовуқ ўсади, уларнинг баъзи жойларида черкез ҳам анча кўп учрайди.

Ҳамма жойлардаги бута ўсимликли қумларда илак (қум қиёғи) ўсади. Бу ерларда қиёқдан бошқа гунонк, сариқбош, кўкеутлама сингари қумда ўсадиган ўтлар, шунингдек, қум тепаларда ургочи селини, қудуқлар атрофида эса эркак селини кўп учрайди. Об-ҳаво шаронтилари қулай келган серёғни йилларда арпағон яхши ўсади. Қумликлардаги яйловлар ўсимликларнинг тур-хили ва тўйимлилиги жиҳатидан йил бўйи қўй ва туя боқиш учун энг яхши ҳисобланади. Бундай яйловлар Қорақум, Қизилқум ва Мўйинқум саҳроларида кенг майдонларни банд қилиб туради. Бироқ, бу яйловларга етарли миқдорда сув чиқарилмаганлиги ва қўйлар нотўғри ўтлатилиши сабабли, улардан ҳали ҳам тўла фойдаланилмайди. Бу яйловларда асосан бир йиллик камшира ва сершира шўра ўтлар, дағал пояли ўтлар, чала бута ва буталардан иборат озиқбоп ўсимликлар битади. Улардан энг муҳимларини қисқача тасвираб ўтамиз.


Қумаржиқ — шўра гуллилар оиласига қарашли бир йиллик камшира шўра ўт бўлиб, қумли чўлларнинг настбаланд қисмлари ва тепаликларида ўсади. Таркибида 11—26% гача турли-туман тузлар бўлади. Мартда кўкара бошлайди, июнда гулга киради, июлда қувраб қурийдди, уруғи октябрга бориб етилади. Энг кўп озиқбоп қисми ёзда ривожланиб, гектар бошига 40—50 кг гача хашак беради. Ёз-куз фаслларида туя ва қўйлар учун яхши озиқ ҳисобланади.

Обалак — шарсимон (думалоқ) тунча ҳосил қилиб ўсади, бир йиллик шўра ўтлар гуруҳисига қарайди. Чўл ва ярим чўлларда учрайди, март ойида кўкара бошлайди, июнь-июлда қувраб қурийдди, туши синиб ерга тўкилмай яхши сақланади. Таркибида 7% гача турли-туман тузлар бўлади. Гектар бошига 30—40 кг гача хашак беради.

Сета — оқши кулранг унсимон ғибор билан қопланган бир йиллик, камшира шўра ўт. Жуда кўп шох чиқа-



риб ўсади, бўйи 10—40 см га етади. Шўр босган зич туп-роқли ва қумлик ерларда туп-туп бўлиб ёки якка-якка ўсади. Март ойида уруғидан кўкаради, август-сентябрь ойларида уруғ тугади, сўнгра қувраб қурийди. Бу ўтти қўйлар ёзда, айниқса кузда жуда ёқтириб ёйди.



Сета

Баъзи жойларда сета кенг майдонларга ёйилиб ва қалин жойлашиб ўсади, бундай ерларнинг ҳар гектаридан 2—3 ц гача пичан тайёрланади.

Донашўр — тақир ҳамда салгина шўр босган ерларда ўсадиган бир йиллик, сершира шўра ўт. Мартда кўкара бошлайди, май ойида гулга киради, октябрда уруғ тугади ва қувраб қурийди, бўйи 20 см га етади; куз ва қиш фаслларида қўйларни семиртирадиган энг яхши ўтлардан бири ҳисобланади. Умумий ўтзордаги донашўр гектар бошига 10—20 кг гача хашак беради. Донашўрнинг уруғини тақир ерларга секиб ўстириш йўли билан серҳосил яйловлар яратиш мумкин.

Қушқўзи — бир йиллик сершира шўра ўт. Серэт барг ёзиб ўсади, қанотчасимон мева тугади. Бўйи 10—60 см га етади. Февралда кўкара бошлайди ва октябрда пишиб етилади. Қушқўзи уруғ тугаётган даврда унинг таркибида 52 % гача минерал тузлар бўлади, қиш фаслида бу тузларнинг миқдори 2 барабар камаяди. Об-ҳаво шароитлари қулай келган йиллари гектар бошига 10—15 ц қуруқ хашак беради. Қўй ва туялар қушқўзини куз-қиш фаслларида жуда ёқтириб ейди, аммо ёзда емайди.

Пахташўр — сершоҳ, лекин камшира тўп ҳосил қилиб ўсадиган бир йиллик зангори шўра ўт бўлиб, бўйи 5—50 см га етади. Тақирсимон ва шўр босган бўз тупроқли ерларда, шунингдек зич ва қум тупроқли ерларда ўсади. Март ойида кўкара бошлайди, октябрда уруғ тугади, ноябрь-декабрга келиб тамоман қурийди. Аксари ҳолларда фақат пахташўрдан иборат бугазорлар ҳам учрайди, бундай бугазорлар гектар бошига 3—5 ц қуруқ хашак беради. Пахташўрни қўйлар куз ва қиш фаслларидагина ейди.

Янтоқ — дуккаклилар oilасига қарашли кўп йиллик ўсимлик. Дағал пом ва тикнак ҳосил қилиб ўсади, бўйи 50—90 см га етади. Янтоқни қўй ва туялар жуда ёқтириб ейди. Уйдаи пичан ҳам тайёрланади.

Майда селин — бақувват илдиз чиқариб, бир оз ёйилдиб ўсадиган кўпйиллик ўсимлик бўлиб, мустаҳкамлашган ва ярим кўчма қумларда кўп учрайди. Бўйи 35—50 см га етади. Апрельда кўкара бошлайди, май ойида бошоқлайди, уруғи июнь-июлда пишиб етилади. Туркменистонда, Узбўй ёнидаги қумликларда селин ўсадиган яйловлар учрайди, бу яйловлар гектар бошига 200 кг, Марказий Қорақумда эса 30—50 кг гача қуруқ хашак беради. Қўйлар майда селинни фақат қуриганидан кейин — куз ва қишда, айниқса, намгарчилик вақтларида ейди. Майда селин кўчма қумларни тўсади ва қумлоқ



Янтоқ

чўллардаги яйловларда қимматли озиқбоп ўтлардан бири ҳисобланади.

Иирик селин — чимсимон ёйрилиб ўсадиган кўп йиллик ўт, бўйи 80—150 см га етади. Асосан кўчма қумтепаларда ўсади. Яйловда кўкариб ўсаётганида уни мол-

лар емайди. Силос бостирини, ўриб-қуритиб пичан қилниш
учун ишлатилади. Бу ўт кўчма қумларни яхши тўсади.

Чалов — шўр босмаган бўз тупроқларда ва зичлан-
ган қумликларда чимсимон ёйилиб ўсадиган бошоқли
ўт. Тоғ этакларидаги адирларнинг эфемер ўтли ййлов-



Майда (урғочи) селин

ларида гектар бошига 3—4,5 ц қуруқ хашак беради. Март ойида кўкара бошлайди, апрель-май ойларида бошоқлайди, июнь ойида қувраб қурийдди. Қўйлар уни қилтиқ чиқаргунча ейди, шу сабабли то бошоқлагунча қўйлар учун тўйимли озиклардан бири ҳисобланади.



Оқ саксалу

Оқ шувоқ — мураккаб гуллилар оиласига қарашли чала бута ўсимлик. Чўл ва ярим чўллардаги зич қумоқ ва бўз тупроқли ерларда кенг майдонларни банд қилиб ўсади. Новда ва уруглари февраль-март ойларида кўкаради. Бу ўтдан қоракўл қўйларни қишда боқиш учун ничан тайёрланади.

Оқ саксовул — дарахтсимон бутадан иборат бўлиб, бўйи баъзан 5 м га етади. Қумлоқ саҳрода саксовулзор ҳосил қилади. Бироқ барг ёзмадан, барг ўрнига тангачалар чиқариб ўсиши сабабли ерни сояламайди, ўсув даври февралдан октябргача чўзилади. Ҳар гектардан ўрта ҳисобда 1—1,5 ц озиқбон қуруқ хашак беради. Оқ саксовулни, айниқса, унинг уругини қўй-эчкилар куз ва қиш фаслларида жуда ёқтириб ейди. Оқ саксовул қумлоқ саҳролардаги бузилган қумтепаларни мустаҳкамлаш ҳамда ўша зонадаги яйловларни яхшилаш учун энг яхши ўсимликлардан бири ҳисобланади.

Қора саксовул — дарахтсимон бутадан иборат бўлиб, баъзан 5—7 м балиндликкача ўсади ва оқ саксовулга жуда ўхшайди. Қумлоқ саҳроларнинг пастлик жойлари (котловина) да ҳамда дарёларнинг қуриб қолган ва шўр сизот сувлар юза жойлашган ўзакларида, шунингдек, тақир ва тақирсимон ерларда ўсади. Хўжалик учун фойдаланиш жиҳатидан оқ саксовулга яқин туради, лекин тупроқ шўрига анча чидамлироқ бўлади. Шу сабабли қора саксовулдан ноқулай ва ташландиқ ерларда янги яйловлар яратишда тақир, шўрхок участкаларни ва қумтепаларни яхшилашда фойдаланиш мумкин.

Черкез — бутасимон шўра ўт, 4—5 см узунликда нисмон нигичка барг чиқариб ўсади, бўйи 1,5—3 м га етади, қумлоқ саҳроларда учрайди. Март ойидан октябргача ўсиб, нояда гулга киради, сентябрь-октябрь ойларида уруг тугади, гектар бошига 1,3—1,5 ц озиқбон қуруқ хашак беради. Қўй-эчкилар черкезни кўклам ва кузда жуда хуш кўриб, аммо қишда унчалик ёқтирмасдан ейди, ёзда эса мутлақо смайди. Лекин бу ўсимлик баъзан, айниқса, қўй-эчкилар нуқул черкез ўсаётган яйловда ўтлатилганида уларнинг ичак-қоринлари касалланишига сабаб бўлади.

Чогон — бутасимон шўра ўсимлик бўлиб, қумликларда, соз тупроқли ва чағир тошли шўртоб ерларда кўпинча якка-якка жойлашиб ўсади. Одатда, гектар бошига 10 кг гача қуруқ хашак беради. Чогон қалин жойлашган



Черкез

қумликлардагина унинг ҳосилдорлиги 50—80 кг га етади. Март ойида кўкара бошлайди, июнда гулга киради, октябрда уруғ тугади, декабрда қувраб қурийди. Чоғонни қўйлар бутун йил бўйи ейди.


Баргсиз қизилча — барг ёзмасдан ўсадиган эфедра ўтларининг бир тури бўлиб, бўйи 1 м га етади. Қумлик саҳроларда ўсади, сочилувчан кўчма қумларни жуда



Чогол

яхши мустаҳкамлайди. Баргсиз қизилчани қўй ва туялар бутун йил бўлиб ёди. Гектар бошига 20—30, баъзан 50—80 кг гача қуруқ хашак беради.

Хосиддорлик ўртача бўлган йиллари ортиқча поймол қилинмаган яйловларнинг ҳар гектарыдаги ялпи озиқ запаси 3—4 ц дан ошмайди ва қўйлар бу запаснинг кўп дегаида 1,5—2 ц ни ёди. Пирик бутали яйловларда қўйлар одатда буталарнинг 1,2 м гача, туялар эса 3 м гача баяндликдаги новдаларини ея олади. Шу сабабли бундай яйловларда қўй ва туяларни биргаликда ўтлатиш



Баргсиз қизилча

мумкин. Қумоқ яйловларда қўйларни қиш ва эрта кўк-ламда ўтлатиш маъқул кўрилади.

Бута-ўтсимон ўсимликли яйловлар Туркменистон ва Жанубий Қозоғистонда кўпроқ, Ўзбекистонда камроқ учрайди.

ШУВОҚ-ЭФЕМЕР ЎТЛИ ЯЙЛОВЛАР

Жанубий саҳроларнинг тоғ этакларидаги текисликларда кўп учрайди. Бу яйловларнинг ўтзорлари асосан шувоқ, ранг, қўнғирбош ва бир йиллик ўтсимон ўсимликлардан иборат. Эфемер ўтлар аралаш ярим бутазор яйловларнинг баъзи участкаларида оқпечак, шунингдек, бўз тупроқли саҳроларда ўсадиган турли-туман, нўхатаклар ҳам учрайди. Шувоқ-эфемер ўтли яйловлардан йилнинг ҳар қандай фаслларида ҳам фойдаланса бўлаверади, аммо куз ва қиш фаслларида фойдаланиш энг яхши ҳисобланади. Кўклам фаслида бу яйловларда қўйлар эфемер ўтлар серҳосил бўлган йилларгина ўтлатилади.

Шувоқ-эфемер ўтли яйловларда баъзан соябонсимон баланд пояли ўсимлик — каврак ҳам битади.

Каврак — соябон гуллар оиласига қарашли кўп йиллик ўсимлик, дарахтсимон поя ҳосил қилиб ўсади, бўйи 1 м дан баландроқ. Каврак 6—7 йил мобайнида ҳар йили фақат илдиз бўғзи ёнидан тўпбарг, тупроқ ичида эса илдизмева ҳосил қилиб ўсади. Бу илдизмевада крахмал ва бошқа озиқ моддалар тўпланади. Ҳаётининг охириги йилида бақувват поя чиқариб гуллайди ва мена тугади. Илдизмевада тўпланган ҳамма озиқ моддалар уруғ тугишга сарфланади. Каврак эрта кўкламда эфемер ўтлар билан бирга кўкра бошлайди, февраль охирида барг ёзади, май охири ва июнь бошида қувраб қурибди. Шундан сўнг барглари тезда силиб тўкилади, аммо уруғи бирик пойлари ерга ётиб қолмай узоқ вақтгача сақланади. Кавракнинг барг ва уруғларини қўйлар ёқтириб ейди, шу билан бирга қўй ва туяларни қишда боқини учун унинг барг ва уруғлари кўп миқдорда тайёрлаб қўйилади.

Каврак аралаш шувоқ-эфемер ўтли яйловлар Ўзбекистон ҳамда Жанубий Қозоғистоннинг соз тупроқли саҳроларидаги текисликларда учрайди. Кўкламда бу яйловларда қўйлар ёқтириб ейдиган эфемер ўтлар кўп ўсади. Қўйлар кавракнинг баргларини ҳам хуш кўриб

ейди. Ҳосилдорлик ўртача йиллари шувоқ-эфемер ўтли яйловлар гектар бошига 3—4 ц, каврак аралаш шувоқ-эфемер ўтли яйловлар эса 6—7 ц гача қуруқ хашак беради.

ШҶРА ҲТЛИ ЯЙЛОВЛАР

Бошқа типдаги яйловлар, асосан, соз тупроқли саҳролардаги шувоқ-эфемер ўтли яйловлар орасида алоҳида майдончалар шаклида учрайди. Бундай яйловларда шувоқ-эфемер ўт аралашмалари ўсади. Шўра ўтли майдонлар асосан бир йиллик шўра ўтлардан иборат. Шўра ўтли майдонлар билан бир қаторда эфемер ҳамда шувоқ-эфемер ўт аралашмалари ҳам учрайди, бу аралашмалар жумласига: ялтирбош, арпағон, қорамашоқ, читир ва бошқалар киради. Шимолий саҳродаги яйловларда бир йиллик шўра ўтлар билан бир қаторда бу ўтларнинг читир, буюргун сингари бутасимон турлари ҳам ўсади. Шўра ўтларининг ҳосили кузда энг кўп даражага етади. Бундай яйловлар гектар бошига 8—9 ц гача қуруқ хашак беради. Шўра ўтларни қўйлар фақат куз ва қиш фаслларида ейди. Йилнинг бошқа фаслларида бу ўтлар жуда шўр бўлганидан, моллар емайди.

Куз-қиш фаслларида қўйлар кундуз кунни шўра ўтли яйловларда, кечаси эса шўра-эфемер ўтлар аралаш яйловларда ўтлатилади. Шўра ўтли яйловларда қишда туя боқниш, айниқса, яхши натижа беради.

Турли-туман саҳро яйловларида бир талай заҳарли ўтлар ҳам учрайди. Қўйлар заҳарланиб қолишининг олдини олиш мақсадида бу ўтларни биллиш зарур. Бундай ўтлар қаторига учма, испарак, болдириқ, баргсиз қизилча ва бошқалар киради.

Учма — айиқтовонгуллилар оиласига қарашли бир йиллик эфемер ўт. Кўкламги эфемер ўтли яйловларда, кўпинча енгил, қумли тупроқларда ўсади, бўйи 5—7 см га етади. Учма бегона ўт бўлиб, февраль-апрелда кўкаради, март ойида гулга киради. Об-ҳаво шароитлари қулай, кўклам фасли илиқ ва серёғин бўлган йиллари кўплаб ўсади, совуқ ва қурғоқчил йилларда эса деярли ўсмайди. Таркибида протоанемонин деб аталган заҳарли модда бор. Учма гуллаётган даврда бу модда айниқса кўп бўлади. Йил иссиқ ва сернам келиб бу ўт жуда авж олиб ўсганида кўплаб қўйлар заҳарланади. Заҳарланган

қўйларда талоқ ва жигарнинг ҳажми катталашади, натижада қўйнинг қорни шишади ва ташқи кўриниши жиҳатидан тимпанит касаллигига ўхшайди. Бу касалликка учраган қўйлар дармонсизланади, ўтордан орқада қолади, тез-тез ётади, бошини ҳар томонга ташлайди, томirlари тортишади ва охири ҳалок бўлади.

Қўйлар бу ўт билан заҳарланганида уларни дарҳол учма ўсмайдиган яйловларга ҳайдаш зарур. Учма гуллаб бўлганидан сўнг қўйларга зарар етказмайди. Демак, учма қўйларни айрим мавсумлардагина заҳарлайдиган ўтлар қаторига киради. Бироқ, шуни эсда тутиш керакки, учмадане уруги пишиб етилганида кейин қўйларнинг туёқларига санчиноб уларни касаллантириши мумкин.

Испарак — оч сариқ рангли тўнгуя ҳосил қилиб ўсадиган кўп йиллик эфемер ўт. Айниқовонсувалидар оиласига киради, бўйи 30—80 см га етади. Тоғ ётақларидаги яйловларда, эфемерзорларда, айниқса, кўп учрайди. Февралда кўкара бошлайди, апрелдан ишонь обигача гуллайди. Таркибида 0,25—0,75% гача алкалоидлар (заҳарли модда) бор.

Туркменистондаги тажрибакор чорвадор-



Болдириқ


ларнинг маълумотларига кўра, испарак қуриганидан кейин ҳам, от ва сигирларни заҳарлайди. Бу ўтнинг хавфлилиги шундаки, яйловлардаги испаракни чорва молларнинг ҳамма турлари жуда ёқтириб еяверади.

Болдириқ. Паст бўйли бута ўсимлик. СССРнинг шўр-тобли, шўртоб-шўрхоксимон зич қумоқ тупроқли ерларидаги адирларда ҳамда шимолдаги саҳро зонасида ўсади, бўйи 20—60 см га етади. Август ойида гулга кириб, сентябрда уруғ тугади. Болдириқ гуллаётган даврда унинг таркибида 2,44—2,53 ва уруғ тугаётган даврда 1,49% гача алкалонидлар бўлади. Майда кўк новдаларида 2,53, йўгон кўк шохларида 0,37 ва ёғочланган бутоқларида 2,53, йўгон кўк шохларида 0,37 ва ёғочланган бутоқларида 0,17% заҳарли модда—анабазин бўлади. Анабазин — энг кучли заҳарлардан бири ҳисобланади. Қўйлар болдириқни яйловларда сув бўлмаган ва бошқа ўсимликлар қуриб қолган вақтларда ейди. Астрахон областида қорамол ва қўйларни «қора тупроқли ерга» ҳайдаш вақтида уларнинг баъзилари заҳарланиб қолган. Ҳайдаш вақтида баъзан моллар қондириб суғорилмаганлиги сабабли, улар йўлда учраган болдириқни ейишга мажбур бўлган. Заҳарланган моллар соғаймаган.

Бошоқли қизилча. Қизилчагуллилар оиласига қарашли буталик. Бўйи 10—20 см га етади. Пояси ҳамшиша кўм-кўк ва сершоҳ бўлади, ялғиз пояси ер бетига ёйилиб ўсади. Меваси қизил рангли, сершира бўлиб, малинага ўхшайди. Тошлоқ, қумлоқ тупроқли ерларда ва қумзор чеккаларида ўсади. Новдалари апрелда кўкара бошлайди, май ойида гулга кириди ва июнда мева тугади. Бу ўтни қўйлар куз, қиш ва кўклам фаслларида жуда яхши кўриб ейди.

Бошоқли қизилчанинг таркибида эфедрин деб аталган жуда заҳарли модда бор. Қўйларни бошоқли қизилча гуллаётган ва мева тугаётган яйловларда ўтлатишда жуда эҳтиёт бўлиш керак.

Оқпечак. Қорақумнинг марказидаги зичлашган қумларда, қум-шағал аралаш ва саз тупроқли ерларда, Қопет-Доғ этакларида, Заунгузда ва Туркманистоннинг шимол-жанубий қисмида кўплаб учрайди. Мартда кўкара бошлайди ва ўсув даври анча узоққа чўзилади, май ойида гулга кириб, июнда қурийди. Куз фаслида янгидан кўкариб, оз-моз барг ёзади ва октябрда тамоман қурийди. Қуриганидан сўнг ерга ётиб қолмай яхши сақланади.



Оқ печак

Барглари тукилгунча бу ўтти қўй ва эчкилар анча ёқтириб ёйди. Аммо таркибида алколоидлар бўлгани сабабли ваҳарли ўтлардан бири ҳисобланади.

Эфемер ўтди, бута-ўтсимон ўсимликли ҳамда шувоқ-эфемер ўтди яйловларда қорақўл қўйлар кўклам ва ёз фаслларида ўтлатилади. Бироқ, бу ўсимликларнинг ривожланишида юз берадиган табиий биологик жараёнлар

таъсири билан, уларнинг сифати кўкламдан ёзгача кескин ўзгаради. Кўкламги ўтзорларда энг фойдали аралашма ҳисобланган эфемер ўтларнинг кўпчилиги қувраб қуриydi, синади ва йўқолиб кетади. Эфемер ўтлар қуриши билан, яйловлардаги бошқа ўтларнинг таркибида протени ва бошқа озиқ модда ҳамда витаминлар камайиб, клетчатка кўлайиши ҳисобига, уларнинг тўйимлилик даражаси кескин пасаяди. Бу ўтлардан шuvoқ ёз фаслида ўсишдан тўхтаб, унинг баргчалари сарғаяди ва новда учлари қуврайди.

Қумлоқ яйловларда ёзги қурғоқчил даврда кам ўсадиган сервитамин ўтлардан қандим, сингрен, ялмонқулоқ, зич қумли яйловларда эса сутлама, сета, чоғон, ажриқ катта роль уйнайди. Соз тупроқли саҳродаги тақир ерларда бир йиллик шўра ўтлар ўсади, лекин бу вақтда уларни қўйлар емайди.

Қўйлар куз фаслида ҳам кўклам ва ёзги яйловларда ўтлатилади. Бу даврда шўра ўтли яйловлардан фойдаланиш энг яхши натижа беради.

Қиш фаслида турли-туман бута-эфемер ўтли ҳамда бута-ўтсимон ўсимликли ва шўра ўтли яйловлардан кенг кўламда фойдаланилади. Табиий яйловлардан энг самарали фойдаланиш учун биринчи галда бу яйловларда йилнинг айрим фаслларида ўсадиган асосий ўсимликларнинг тур-хилларини ва тўйимлилик даражасини библиб олиш зарур. Бу маълумотлар қуйидаги I-жадвалда келтирилади.

I-жадвал

Чўл ва адирлардаги асосий ўсимликларнинг умумий тўйимлиги
(1 кг қуруқ хашакда озиқ бирлиги ҳисобида)

Ўсимликларнинг номи	Кўклам		Ёз	Куз	Қиш	Бир йилда ўрғачаси
	I	II				
Эфемер ва эфемероидлар						
Ариғон	0,80	0,72	0,54	0,43	0,34	0,53
Ялтирбон	0,80	0,72	0,47	0,39	0,33	0,49
Қўнғирбон	0,82	0,70	0,50	0,39	0,30	0,50
Нўхатак (дуккакли)	0,77	0,71	0,48	0,39	0,30	0,49
Илак	0,83	0,76	0,48	0,42	0,35	0,52
Рағ	0,83	0,76	0,48	0,41	0,34	0,51
Читир	0,77	0,71	0,47	0,40	0,30	0,48
Бошқа хил ўтлар	0,83	0,78	0,48	0,39	0,30	0,50
Эфемерли ўтзор	0,83	0,75	0,44	0,41	0,33	0,49

Ўсимликларнинг номи	Кўклам		Ёз	Куз	Қиш	Бир йилда ўртачаси
	I	II				

Кўклам-ёзги ва узоқ вақт ўсадиган ўсимликлар

Ажриқ	0,26	0,42	0,49	0,37	0,32	0,39
Каррак	0,19	0,48	0,33	0,25	0,20	0,31
Чалов	0,28	0,52	0,48	0,44	0,35	0,44
Селин	0,28	0,52	0,47	0,43	0,35	0,43
Ўбалак	0,0	0,71	0,55	0,40	0,33	0,46
Энтоқ	0,19	0,45	0,31	0,52	0,22	0,34

Бир йиллик шўра ўтлар

Балиққўз	0,23	0,0	0,0	0,37	0,30	0,14
Донаншўр	0,23	0,0	0,47	0,36	0,30	0,32
Қуёшқуш	0,22	0,0	0,47	0,36	0,30	0,32
Сета	0,22	0,0	0,47	0,35	0,28	0,31
Хариландан	0,22	0,0	0,47	0,35	0,28	0,31

Ярим бута ва буталар

Оқпечак	0,18	0,60	0,35	0,26	0,22	0,34
Қандим	0,19	0,62	0,55	0,28	0,32	0,44
Шуноқ	0,18	0,66	0,25	0,28	0,22	0,31
Қорасаксонул	0,28	0,59	0,52	0,46	0,37	0,47
Оқ саксонул	0,28	0,59	0,52	0,46	0,37	0,47
Сингрен	0,32	0,61	0,43	0,32	0,32	0,41
Зағош	0,25	0,44	0,45	0,38	0,33	0,40
Черкез	0,25	0,44	0,45	0,38	0,33	0,40
Чоғош	0,25	0,37	0,50	0,39	0,33	0,40

Бу маълумотлар мавжуд бўлганида саҳро яйловларининг I гектаридаги ўтларнинг тўйимлилиқ даражасини ва унда қанча қоракўл қўй ўтлатиш зарурлигини аниқлаш мумкин. Бироқ, шунинг назарда тутиш керакки, куз-қиш фаслида яйлов ўтларининг тўйимлилиқ даражаси кескин пасайиши сабабли, бу вақтда қўйларни фақат қўшимча ем-хашак бериб туриш йўли билангина қондириб боқиш мумкин. Қиш-куз фаслида қўйлар ўтлатиладиган яйлов майдони кенгайтирилганида ҳам, агар қўшимча ем-хашак бериб турилмаса, қўйларни сақлаб қолиш ва маҳсулот етиштириш планларини бажариш қийин бўлади.

ТАБИЙ УТЛОҚ ПИЧАНИ

ХАШАҚ ТАЙЁРЛАШ

Ўрта Осиёда қоракўл қўйлар йил бўйи яйловда асралади. Қоракўл қўйларни чўл ва ярим чўлларда боқишнинг энг оғир даври — қиш фаслидир. Бу даврда қўйлар ёлғиз яйлов ўтлари билангина тўйина олмайди, уларга қўшимча ем-хашақ бериб туришга тўғри келади.

Амалий тажрибаларга кўра, қўйларни қишда тўйдириб боқиш масаласига парвосиз қаралган жойларда жамоат чорвачилигига катта зиён етказилмоқда. Демак, колхоз-совхоз ва қишлоқ хўжалик органларининг энг муҳим вазифаларидан бири — қўйларни қишда боқиш учун етарли миқдорда хашақ жамғариб қўйишдан иборат. Қўйларни нобуд қилмай сақлаб қолиш уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ана шу вазифани муваффақиятли бажаришга боғлиқ.

Ўз вақтида ўрилиб, яхшилаб ва тезда қуритилган ҳамда ғарамга тўғри босилган хашақ-пичан қўйларни қишда боқиш учун энг тўйимли озиқлардан бири ҳисобланади. Яхши пичаннинг таркибида ҳайвон организми учун зарур ҳамма озиқ моддалар: оқсил, углевод, витамин ва минерал элементлар бўлади. Бу озиқ моддалар ўсимликларнинг барг ва гулларида айниқса кўп. Шу сабабли ўтларни ўриш, қуритиш, ташиш ва сақлаш вақтида уларнинг ўша энг фойдали қисмларини сақлаб қолиш чорасини кўриш керак.

Чўл ва ярим чўлларда муттасил мўл хашақ ҳосили берадиган донмий пичанзорлар бўлмайди. Бу ерларда қиш учун асосан шувоқ, янтоқ, каррак, қўзиқулоқ, сета, балиқкўз ва бошқалардан иборат дағал пояли ўсимликлар ғамлаб қўйилади. Қаврак кўплаб ўсадиган ерларда бу ўсимликнинг уруғ ва барглари тайёрланади. Қумлоқ саҳроларда селин, қиёқ ва бошқалардан пичан ғамланади. Серёгин йиллари асосан қўнғирбош, арпағон, ялтирбош ва бошқа майин пояли эфемер ўтлардан пичан тайёрланади.

Юқорида баён этилган ўсимликлар ўз вақтида ўриб-йиғиб олинганида жуда тўйимли бўлади. Бу ўсимликлар кеч муддатларда ўриб-йиғиб олинганида уларнинг тўйимлилик даражаси кескин пасаяди. Серҳосил йиллари майин пояли эфемер ўтларнинг ҳар гектаридан 6—7 ц гача хашақ тайёрлаш мумкин. Бундай хашақ-пичанни апрель

охирин ва май бошида ўриб-йиғиб олиш энг яхши натижа беради. Ўзбекистонда пичан асосан шувоқ, янтоқ ва карракдан тайёрланади.

Шувоқ — мураккаб гуллилар оиласига қарашли ярим бутасимон ўсимлик. Новдалари март ойида, баъзи йиллари эса, ҳатто февраль ойида ҳам кўкара бошлайди. Ёзнинг иссиқ ойларида ўсишдан тўхтайтиди. Август ойида янгидан кўкариб, гуллайдиган поялар чиқаради, август-сентябрь ойларида гулга кириб, ноябрь ойида уруғ бойлайди. Совуқ кунлар бошланиши билан шувоқ ўсишдан тўхтайтиди.

Ййловларда қўйлар шувоқнинг баргларини ва 3 мм гача йўғонликдаги новдаларини ейди. Қўйлар ййловлардаги шувоқни ундаги бошқа ўтлар оз-кўплигига қараб ейди. Шувоқ куз ва қиш фасллари учун яхши озик ҳисобланади. Шувоқни қўйлар эрта кўкламда яхши ейди, ёзда унчалик ёқтирмайди. М. М. Советкина маълумотларига кўра, шувоқзорнинг ҳар гектаридан 2,2—3 ц гача хашак олинади.

Шувоқ пичани. Шувоқ машина билан ўрилганида, қўлда кетмон билан чопиб тайёрлашдагига нисбатан, унинг пичанида ёғочланиб, қотиб қолган поя ва новдалар анча камроқ бўлади. Шувоқ август-сентябрь ойларида машина билан ўрилганида унинг пичанида йўғонлиги 3 мм дан ошиқ келадиган, яъни қўйлар емайдиган дағал поя ва новдалар деярли бўлмайди. Бироқ бу ўт май ойида ўрилганида унинг пичанида қўйлар ейдиган қисмлар камроқ бўлади, чунки бу даврда шувоқнинг қўйлар ёқтирадиган қисмлари уруғ тугиб ва ривожланиб улгурмайди. Машина билан ўрилган участкалардаги шувоқ янашроқ кўкаради. Бошқача айтганимизда, шувоқни машинада ўриш шувоқзорлар «кексайиб» қолишининг олдинки олдинки имконини беради. Шувоқни машинада ўриш туфайли пичан анча арзонга тушини, меҳнат унумдорлиги ошини ва меҳнат осонланишидан ташқари, пичаннинг тўйимчанлик даражаси ҳам хийла яхшиланади. Шувоқни ўриш баландлиги 8 см дан паст бўлмаслиги лозим. Шувоқ буидан пастроқдан ўрилганида пичанга дағал поялар аралашади ва кўпинча косилканинг пичоқлари синиб қолади. Шувоқ пичанининг сифати уни ўриш, тайёрлаш муддатига қараб анча ўзгаради. Буни исботлаш учун қуйидаги 2-жадвал маълумотларини келтирамиз.

Косилка билан ўрилган шувоқ пичанини анализ қилиш натижалари

Ўрилган вақти	Ўсув даврлари	Пичандаги айрим қисмларнинг нисбати, % ҳисобида	
		ейиладиган қисмлар	ейилмайдиган қисмлар
20 май	Шувоқ тўла ўсиб етилган давр		
24 август	Шувоқ гулга кирган давр	48	52
5 октябрь	Шувоқ уруғ тугаётган давр	61	39
		63	37

Яхшилаб ғарамга босилган шувоқ пичанининг тўйимлилик даражаси анча узоқ сақланади, вақт ўтган сари уни қўйлар ёқтириб ейди. Шувоқ пичанини тойларга боғлаб сақлаш айниқса яхши натижа беради.

Янтоқ пичани. Янтоқ косилка билан ўрилганида қалин жойлашган ерларда 2—5 ц гача пичан олинади. Янтоқ эрта ўрилганида янгидан кўкариб, 25—35 см баландликкача ўсади. Қўйлар яйловдаги янтоқни унча ёқтирмай ейди, кузда эса асосан уругидан фойдаланади. Қоракўл қўйлар янтоқ пичанини, айниқса, унинг 3 мм дан йўғон қисмлари майдалаб берилганида, жуда ёқтириб ва деярли нушхўрт қолдирмай ейди.

Янтоқнинг умумий тўйимлилик даражаси август ойида 100% бўлгани ҳолда, май ойида 14,1% гача пасаяди, ноябрда 4,64% га тушади. Бизнинг тажрибаларимизда, янтоқнинг тўйимлилик даражаси ўсув даврининг бошидан охиригача бетўхтов ортаверди. Бу тўйимлилик дастлаб барг ва новдалар ҳисобига, кейинчалик янтоқ тупларида тугилаётган уруғлар ҳисобига ортди. Демак, ҳатто ноябрь ойида ҳам янтоқда озик модда миқдори анча кўп бўлади. Декабрда янтоқ қораяди ва тамоман қурийд.

Янтоқ пичанини август-сентябрь ойларида тайёрлаш энг яхши натижа беради. Янтоқни ўриб-йиғиб олиш вақтида мумкин қадар кўпроқ шохчаларини сақлаб қолишга уриниш зарур, чунки озик модда ва витаминларнинг кўпчилик қисми ўша шохчаларда бўлади. Шу билан бирга, ўрим-йиғим вақтида янтоқнинг майин қисмлари тўкилиб

побуд бўлишини энг кам даражага келтириш масаласига ҳам жиддий эътибор бериш лозим.

Каррак пичани. Каррак мураккаб гулликлар оиласига қарашли ўтсимон тиканли ўсимлик бўлиб, баъзи адирлардаги яйловларда гектар бошига 15 ц гача пичан беради. Каррак апрелда кўкариб ўса бошлайди, майда гуллайди, июнда уруғ тугади, сўнгра қуриydi. Каррак ҳар йили ҳам хашак ҳосили беравермайди. У биринчи йилда фақат тўпбарглар, иккинчи йилда эса гуллайдиган поялар ҳосил қилади. Карракнинг барг, поя ва тўпгулларида



Каррак

тиканлар бўлганидан, уни кўклигида қўйлар емайди. Бундан ташқари каррак ўсадиган яйловларда кўкламда қўйлар ёқтириб ейдиган бошқа эфемер ўтлар ҳам кўп бўлади.

Қишда қўйлар карракни еса ҳам, бу вақтга келиб яйловлардаги карракнинг тўйимлилик даражаси жуда пасайиб қолади. Шу сабабли каррак пичанини майнинг иккинчи ярмида тайёрлаш маъқул кўрилади.

Карракни ҳам, худди шувоқ сингари, машина билан ўриш мумкин.

Каррак ўз вақтида ўрилганида саҳролардаги қоракўл қўйлар учун яхши сифатли пичан олинади. Бироқ, карракни ўриш муддатлари йилнинг об-ҳаво шароитларига ва карракнинг ривожланиш даражасига қараб ўзгариши мумкин. Карракни юқорида келтирилган муддатдан кечиктириб ўриш маъқул кўрилмайди, чунки у 15 июндан кейин ўрилганида тўйимлилик даражаси жуда пасаяди ҳамда хашак ҳосили камаяди.

Қўйларни қишда боқиш учун юқорида тасвирланган ўсимликлардан ташқари, камроқ тарқалган ўсимликлар — каврак, қўзиқулоқ, қиёқ, пашмак, сета ва шўра каби ўтлардан ҳам пичан тайёрлаб қўйиш мумкин.

Чўл ва ярим чўллар зонасидаги табиий ўтлоқларнинг пичани етарли даражада тўйимли бўлади. Юқорида айтганимиздек, ҳар қандай пичаннинг тўйимлилик даражаси уни тайёрлаш муддати ва сифатига боғлиқ. Одатда, 1 кг пичаннинг тўйимлилик даражаси 0,17—0,5 озиқ бирлигига ва 12—40 г ҳазм қилинадиган протеинга тенг келади. Пичаннинг таркибида 32—49% азотсиз экстрактив моддалар ҳамда 1,5—1,7% минерал элементлар бўлади.

Қоракўл қўйларни қишда боқиш учун пичан-хашак тайёрлаш муддатларини белгилашда қуйидаги 3-жадвалда келтирилган ўртача маълумотлардан фойдаланиш тавсия қилинади.

ХАШАКНИ ҚЎЙЛАРГА БЕРИШ ОЛДИДАН ТАЙЁРЛАШ

Саҳро яйловларидаги хашак ҳосили ҳамиша бир даражада бўлмай, балки айрим йиллардаги ва йилнинг айрим фаслларидаги об-ҳаво шароитларига қараб ўзгариб туради. Яйловлардаги хашак запаси йилнинг бошқа фаслларидагига нисбатан кўклам ва куз фаслларида қониқарли миқдорда бўлади, қўйлар яхши семиради. Қо-

Таблица ўлақ шугаларнинг тўқималик даражаси

Шугал номи	Хамжвағ таркиби, % ҳисобда						Кул	Хар 100 килограммда бўлида	
	сув	протеин	оқсил	жир	клетчатка	азотли ва экстра ктв		озик бир-лиги, кг	хазм қилин-адиган, кг
Дашт шугоғи, ўрта ҳисобда	13,0	9,0	7,3	4,4	28,1	38,30	7,2	42,0	4,2
Февралда ўрилган шугоқ	15,21	4,62	4,58	3,58	41,46	32,34	2,84	21,2	2,2
Гуллаётганда ўрилган янтоқ	12,3	9,3	6,6	1,2	35,7	34,50	6,6	22,2	2,5
Гулга киргунча ўрилган янтоқ	11,08	11,95	9,87	1,43	31,04	38,24	6,26	33,8	2,4
Ғарқ гуллаганида ўрилган янтоқ	12,91	10,93	8,55	1,64	32,38	25,30	6,84	25,7	2,6
Уруғ тугаётганида ўрилган янтоқ	14,09	11,09	8,76	2,05	28,26	37,79	6,72	31,8	2,4
Жоҳида майдаланган янтоқ	12,29	9,29	6,60	1,25	35,67	34,87	6,63	23,0	2,9
Янтоқнинг февралда ўрилган учки қисмлари	24,6	8,7	5,2	1,1	26,2	38,00	1,4	17,6	1,2
Ғунчалаётганида ўрилган қаррак	—	9,15	7,35	3,8	43,81	36,81	6,43	40,0	2,4
Гуллаётганида ўрилган изен	13,0	9,7	8,0	2,0	28,1	36,90	10,3	23,2	2,4
Қиёқ	15,4	9,2	7,3	2,8	31,9	47,50	8,6	28,8	2,9
Қаврак	8,11	6,63	—	3,36	28,41	38,44	17,05	—	—
Чала етилганида ўрилган майда (урғочи) селин	8,92	5,66	4,57	1,48	36,89	36,99	10,06	37,0	2,2

Пичан номлари	Химиявий таркиби, % ҳисобида							Ҳар 100 килограммда бўлади		
	сув	протеин	оқсил	жир	клетчатка	азотли экстракт	Мола	Кун	Озқ. бир-лиги, кг	Ҳазм қилинган протени, кг
Гулга киргунча ўрилган йirik (эркак) селин	12,44	9,49	7,69	1,57	35,34	34,43		6,73	40,0	4,0
Гуллаш даврида ўрилган селин	7,31	4,06	3,29	1,52	43,30	40,46		10,66	31,5	1,3
Гуллаш даврида ўрилган йirik селин	11,26	6,89	4,7	2,03	37,78	43,30		8,81	36,6	2,2
Гуллаётганида ўрилган майиш пояли эфемер ўт	—	14,9	12,0	1,5	26,5	48,60		8,5	94,0	9,2
Уруғ тугаётганида ўрилган қўнғирбош	8,82	8,42	6,04	1,44	34,48	40,23		6,61	49,3	2,8
Шўра-ғамласимон ўтлар	11,37	6,99	6,28	2,02	39,13	39,05		5,51	17,2	2,9
Уруғ тугаётганида ўрилган қизилмия	13,30	9,32	8,35	4,70	29,76	37,73		5,19	39,4	2,9
Гуллаётганида ўрилган махсар	23,03	6,92	5,79	1,98	26,34	37,38		4,35	50,8	3,9

ракўлчилик хўжаликларининг амалий тажрибаларидан маълумки, қиш фаслида қўйлар этдан тушади.

Бунинг олдини олиш мақсадида қоракўлчи хўжаликлар заифланиб қолган совлиқларни яйловда ўтлатишдан ташқари қўшимча ем бериб боқадилар, қўйларни яйловда ўтлатиш мумкин бўлмаган ёгин-чочинли кунларда ёки яйловлардаги ўт запаслари жуда камайиб қолган кезларда эса ҳамма қўйларга асосан янтоқ, шувоқ ва карракдан иборат қўшимча хашак бериб турадилар.

Қоракўл қўйларга қўшимча озиқ тариқасида бериладиган хашакни уларга егизишдан олдин тайёрлаш зарур. Сахро яйловларидаги дағал пояли ўсимлик пичани қўйларга ҳар хил усуллар билан тайёрлаб берилганида, қўйлар уни жуда яхши ейди. Майдаланган янтоқ пичани ем билан аралаштирилганида уни қўйлар нушхўрг қолдирмай ейди, каррак ва шувоқни ҳам емга аралаштириб бериш зарур. Бунинг равшанроқ қилиб кўрсатиш учун қуйидаги 4-жадвал маълумотларини келтирамиз.

4-жадвал

Дағал пояли пичанларнинг қўйлар томонидан ейилиш даражаси,
% ҳисобида

Пичанлар	Майдалан- маган пичан	Майдаланган пичан		Тўғралиб ва талқон қилиниб ем билан ара- лаштирилган пичан
		тўғралган пичан	пичан талқони	
Янтоқ	30	100	100	1000
Каррак	10—15	30	56	100
Шувоқ	25	30	40	80—100

Қўйлар пичан талқони ва емдан иборат аралашма билан боқилганида, шунча миқдордаги тўғралган пичан ва ем билан боқилганидигига нисбатан, улар вазнининг ўртача суткалик ўсиши анча ортади. Бироқ, майдалаб тўғралган пичан, талқонга қараганда афзалроқ ҳисобланади, чунки бундай пичани тайёрлаш осонроқ бўлади, у яхшироқ сақланади ва қўйларни боқиш ҳам ярашроққа тушади.

Озиқ аралашмасининг таркиби турлича бўлиши мумкин. Бироқ, бу аралашмада 70% асосий озиқ, 15% ем ва 15% шулха бўлиши маълум кўрилади. Шулха озиқ аралашмасининг тўйимлилигини арзимайдиган даражада оширсан ҳам, бундай аралашмани қўйлар яхши ейди. Хўжаликдаги мавжуд ем-хашакнинг кўпчилигида етар-

ли миқдор оқсил моддалар бўлмагани сабабли, озиқ аралашмасига шрот қўшиш маъқул кўрилади.

Озиқ аралашмаларини хашак ва емларнинг қандай бўлса ҳам бир туридан тайёрлаш ҳам мумкин, лекин хўжаликдаги мавжуд ем-хашакларнинг бир неча турларини қўшиб тайёрлаш яхшироқ натижа беради. Озиқ аралашмаларининг асосий қисми шувоқ, янтоқ ёки карракдан иборат бўлиши керак. Баъзи хўжаликларда озиқ аралашмалари шўра ўт, ғалла похоти, беда ҳамда артезиан қудуқ сувлари билан суғорилган ерларда етиштирилган бошқа хашаки экинлардан ҳам тайёрланади.

Шуни ҳам уқдириб ўтишимиз керакки, майдаланмаган, шунингдек, майдаланган хашакнинг ёки ундан тайёрланган талқоннинг ейилиш даражасига уни тайёрлаш ва қўйларга бериш муддатлари ҳам таъсир қилади. Тажрибаларга кўра, шу йили тайёрланган янтоқ пичанини қўйлар яхши ейди. Ўтган йиллари тайёрланиб ғарамларда сақланган янтоқни ҳам қўйлар хўш кўриб ейди. Қўйлар ўтган йилларда тайёрланган каррак пичанини, шу йилги каррак пичанга нисбатан, унчалик ёқтирмайди. Аммо, ўтган йиллари тайёрланган шувоқни қўйлар анча ёқтириб ейди.

ХАШАКНИ САҚЛАШ

Қўйларни қишда боқиш учун дағал пояли ўсимликлардан тайёрланган пичан тойга боғланмаган ёки боғланган ҳолда сақланади. Майдаланган хашак эса ғарамга босилади ёки ўраларга тахланади.

Дағал пояли пичан узоқ вақт бузилмай сақланиши учун уни тўғри ғарамлаш керак. Ғарам жойланадиган майдон текис ва баландлик ерда, унга қатнаш қулай, кўкламги ва кузги ёгин сувларидан ҳимояланган бўлиши лозим. Ғарамнинг камбар (бош) томони қаттиқ шамолларнинг эсиш томонига қаратилган бўлиши зарур.

Дағал пояли ўтлардан тайёрланган пичан нотўғри ғарамланганида тез бузилиб, унинг 75% ти нобуд бўлади. Пичанни нобуд қилмай тўла сақлаб қолиш учун ғарамнинг кенглиги 6—8 м ва перекидкаси¹ (баландлиги) 24—26 м бўлиши керак. Ғарамнинг узунлиги шу участ-

¹ Ғарамнинг тепаси орқали бир томондан иккинчи томонига ташланган ва ҳар иккала томонидаги учлари ерга тегиб тўрган аркон ёки лентанинг узунлигини перекидка дейилади.



Қашқадарь областидаги «Нишон» совхозида прессланган пичан ғарами

када тайёрланган пичан миқдорига қараб ҳар хил бўлиши мумкин. Тепаси пухта ва зич қилиб босилган бундай ғарамлардаги пичан 5—6 йилгача яхши сақланади.

Шувоқ, янтоқ ва карракдан тайёрланган пичан пресслангани (тойлангани) да айниқса яхши сақланади. Прессланган пичан прессланмаган пичанга нисбатан анча тўйимлироқ бўлади, чунки унинг энг қимматли қисмлари — барглари камроқ тўкилади.

Чўл ва ярим чўллар шароитида пичанни пресслаш сарфоси биллари айниқса яхши натижа беради. Бундай ғарамада дағал ҳамда майин пояли ўсимликлардан 2—3 йилга етадиган миқдорда пичан ғамлаб қўйиш мумкин.

Пичанни, айниқса дағал пояли ўсимликлардан тайёрланган пичанни пресслашнинг яна бир афзаллиги шундаки, уни зарур жойларга ташиш анча осонлашади. Прессланмаган пичан туяга арзимайдиган миқдорда ортилгани ҳолда, прессланган пичан анча кўпроқ ортилади.

Ғарамга босилган пичанни кўчма пресс-подборшчик ёрдамида йил бўйи пресслаш мумкин, шу билан бирга уриб ташланган пичанни яйловнинг ўзида прессласа ҳам

бўлади. Бу мақсад билан ҳар хил маркали пресслар ишлатилади. Одатда механик двигатель ёки электромотор билан ишлайдиган пичан пресси кенг қўлланилади. Бу пресс билан бир кунда 15—20 тонна пичан прессланади. Прессланган пичан тойининг вазнини 30 дан 80 кг гача қилиш мумкин. Мамлакатнинг қурғоқчил районларида пичанни пресслаш учун трактор билан ҳаракатга келтириладиган пресс-подборшчикдан фойдаланиш таъсия қилинади.

Ҳозир Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий тадқиқот институтида янги пичан ўриш машинаси яратилди. Бу машина ўтти ўриш, йиғиштириш ва пресслаш ишларини бирийўла бажаради. Шундай қилиб, бу машина ҳар хил маркали пичан ўриш механизмларининг (хаскаш ва пичан прессининг) ишини бажаради.

Бироқ, кўпгина хўжаликлар пичанни планга мувофиқ қўйлар қишлатиладиган жойларнинг ўзида тайёрлай олмайди. Шу сабабли бундай хўжаликлар тайёрланган хашакни қишловларга ташиш учун кўп маблағ ва меҳнат сарфлашга мажбур бўлишади. Одатда, хашак аравада ташилиб, бунинг учун кўп ишчи кучлар ва от улов керак бўлади, шу билан бирга бу иш анча узоққа чўзилади.

Бу камчиликларга барҳам бериш мақсадида, Сирдарё областидаги К. А. Тимирязев номи совхоз хашакни тракторга тиркаладиган ченада ташиш ишини ташкил қилди. Бироқ бу усул пичанни ортиш ҳамда бўшатиш учун кўп меҳнат сарфлашни талаб этади ва ташиш харажатларини анча оширади. Совхоз коллективи меҳнат ва маблағни тежаш учун курашиб, эндиликда яхлит ғарамларни тракторга тиркаладиган тросли (сирарқонли) волокуша билан ташиш усулини қўлланмоқда. Ер бети нисбатан текис бўлганида бу усул 7—26 км гача узоқликдаги пичан ғарамларини қишловларга жуда тез ташиб келтириш имконини беради.

Бундай волокуша йўғонлиги 20—25 мм ва узунлиги 28—30 м га тенг учта пўлат симдан эшилиб совхоз устанонасида тайёрланади. Бу волокушанинг ўрта қисмига бурчакли темирдан ясалган стойкалар ўрнатилади. Стойкалар 1,5 м баландликда ясашиб, бир-бирларида 0,75—1 м узоқликда жойланади. Ғарамнинг кенглиги 4—5 м бўлганида унинг орқа томондаги бошига 6 та ва

ҳар қайси биқинига 2 та стойка ўрнатилади. Ён стойка-ларини 1,5 м гача оралиқ билан ўрнатса ҳам бўлади. Ма-йини пояли ўтлардан тайёрланган майда пичан учун стойкалар зичроқ, дағал пояли пичан учун эса сийрак-роқ қилиб ўрнатилади. Троссларнинг учлари ҳалқа қилиб боғланиб, волокуша ўша ҳалқалар воситаси билан тракторнинг тортиш илмоғига биркитилади. Битта волокушани яшаш учун 80—90 м пулат сим сарф-ланади.

Пичан ташиладиган йўлда баланд пояли ўтлар бўл-мася, ёрини-сочинсиз қуруқ кунлари пичанни бундай во-локуша билан ташиш вақтида нобудгарчилик юз бермай-ди. Дала бетигаги қор қопламанинг қалинлиги 15—20 см бўлган қуруқ кунларда, йўлда учрайдиган ўтларнинг наёт-баландлигидан қатъи назар, ғарамларни волокуша билан бемалол судратиб бориш мумкин.

Пичани ташиш вақтида нобудгарчиликка йўл қўй-маслик учун, совхозда троссли волокуша билан бирга-ликда занжирлар ўрнатилган ёғоч брусдан иборат мос-лама ҳам ишлатилмоқда. Бу мослама чена вазифасини бажарди. Бундай мослама шувоқ, янтоқ, оққурай ва бошқа баланд пояли ўсимликлар ўсадиган яйловларда ҳамда ёрини-сочинли кунларда ишлатилади. Диаметри 20 см келадиган бу думалоқ ёғоч брусга болтли ҳалқа-лар воситаси билан бир-биридан 50 см оралатиб 5 ёки 6 м узунликдаги занжирлар биркитилади. Бундай брусс унинг учларига ҳамда ўрта қисмига биркитилган ме-талл тортиқлар воситаси билан троссли волокушадан влоқда ҳаракатланадиган қилиб тракторга маҳкамла-нади. Урталикдаги тортиқ бруссини синиб кетишдан сақлайди.

Трактор билан ташиб келтиришни қулайлаштириш учун ғарамлар уни 4—5, узунлиги 8—9 м ва перекидка-ни турли узунликда қилинади. Ғарамларга янги босилган пичанини бу усулда ташиш учун ғарамлар калтароқ, ба-ландроқ ва бирмунча кенроқ қилинади. Бу ҳолда троссли волокушанинг тури ҳам узоқ сақланган ғарам-ларини ташишдагига қараганда, баландроқ қилинади ва занжирли брусс ишлатилади.

Ғарам қишлоғга ташиб келтирилганидан сўнг рост-ланади. Агар бир қишлоғга иккита ёки кўпроқ ғар-рам келтирилса, бу ҳолда улардан битта ғарам қили-нади.


Ўрта Осиё шаронтида майдаланган хашак-пичанни сақлаш усуллари ҳам амалий жиҳатдан катта роль ўйнайди. Маълумки, майдаланган хашак тезда нам тортиб моғорлайди ва «ёна» бошлайди. Моғорлаган ва «ёнаган» хашак билан қўйларни боқиш ярамайди, чунки бундай хашакнинг таъсирида қўйларда турли-туман қорин-ичак касалликлари юз беради, баъзан бўғоз совиқлар бола ташлайди ва нобуд бўлади. Майдаланган хашак ёмғир сувлари билан гарчи бир марта намланса ҳам, агар тезда қуритилмаса, дарҳол бузила бошлайди. Ана шуни назарда тутиб, қўйларга қишда егизиладиган дағал пояли хашакларни тайёрлашга кузги ёмғирлар бошлангунча киришиб, бу ишни октябрда тугаллаш зарур.

Майдаланган ёки тортилиб талқон қилинган хашак ҳар қайси ўторни қишлатиш учун мўлжалланган жойларга ташиб қўйилган бўлиши лозим. Бундай хашак одатдаги кичик ғарамларга босилиб сақланади. Бу ғарамнинг тепаси ҳамда биқинлари майдаланмаган дағал пояли хашак билан ёпилади. Майдаланиб ҳамда талқон қилиниб ғарамларга босилган хашак октябрдан февраль ойигача бузилмай сақланади. Майдаланган хашакнинг тепасини 15 см қалинликда лой билан суваб қўйилган ғарамда сақласа ҳам бўлади. Бу ҳолда лой қатлами устига 0,5 м қалинликда майдаланмаган хашак пичан босилади. Ғарамнинг биқинлари ҳам майдаланмаган пичан билан ёпилади. Майдаланган ёки талқон қилинган дағал пояли хашак мавсум охиригача бузилмай сақланади.

П. С. Кочетков томонидан пичан талқонини узунлиги 12, оғзининг эни 4, тубининг эни 3 ва баландлиги 2 м га тенг траншеяда сақлаш усули синаб кўрилди. Бундай траншеянинг умумий ҳажми 84 кубометрга тенг бўлди. Бундан ташқари траншеянинг четларига 1 м баландликда янтоқ боғлари босилди, лекин янтоқдан бошқа ўсимликларни босса ҳам бўлаверади. Траншея деворларини баландлаштириш туфайли унинг умумий ҳажми яна $48(12 \times 4 = 48)$ м³ ортади. Траншеяни тўлдиришда унинг марказий қисмига пичан талқони деворлардан 1—1,2 м баландроқ қилиб босилди. Бундай қилинган траншеянинг умумий ҳажми яна $24(12 \times 4 : 2 = 24)$ м³ ортади. Шу тариқа, талқон қилинган хашак солинадиган траншеянинг умумий ҳажми $156(24 + 48 + 84)$ м³ бўлади. Б

тажриба натижаларига кўра, талқон қилинган 1 м³ дағал пояли хашакнинг вазни 200 кг келган. Бундай траншеяга жами 312 (156×2) м³ хашак талқон босилди.


Майдаланган хашакни узоқ вақт траншеяларда сақлашда бир талай эҳтиёт чораларига амал қилиш зарур.



Пичанни сақлаш схемаси (вентиляцион устун орқали кўндалангига кесилган ҳолдаги кўриниши)

Ҳаммадан аввал траншеяни қазиб вақтида ундан чиқарилган тупроқни 1,5 м нарига ташлаш керак. Қазилиб тайёрланган траншеяни яхшилаб қуритиш лозим. Бунинг учун траншеяни барвақт қазиб қўйиш ёки молга бериш учун яроқсиз пичанни траншея ичида ёндириш бўли билан унинг деворларини қуритиш керак. Траншея шу бўлида қуритилганидан сўнг унинг четларига бузилган пичан билан тупроқдан девор қилинади. Бироқ, девор қилиш учун чириган пичандан фойдаланиш ярамайди. Майдаланган хашакни солишдан олдин траншеянинг туби ва деворларига майдаланмаган дағал пояли хашак боғлари тахланади. Траншеянинг ўртаси бўйлаб бир бошидан иккинчи бошига ва оғзигача (юқориги четигача) майдаланмаган янтоқ пичан боғларидан вентиляция қилинади. Майдаланган хашакни траншеяга солиб бўлгандан сўнг унинг устига 1 м қалинликда майдаланмаган хашак-пичан босилади. Сўнгра бу хашак шиббала-нади ва тепаси одатдаги ғарамники сингари силлиқланади.


Траншеянинг узунасига кесилган ҳолдаги кўриниши



Лойсомон

Лойсувоқ

Пичан тўлдирилган Траншеянинг узунасига кесилган ҳолдаги кўриниши




Сув оқиб кетадиган ариқча

Лойсомон

Лойсувоқ

Сув оқиб кетадиган ариқча



Пичанхонанинг кўндалангига кесилган ҳолдаги кўриниши


Траншея типдаги пичанхона

ҒАРАМДАГИ ХАШАКНИНГ ВАЗНИНИ АНИҚЛАШ

Ҳар қайси хўжаликдаги ем-хашакни ўз вақтида ҳи-собга олиб туриш керак. Хашакни тарозида тортиш учун кўп вақт ва кўп меҳнат сарфлашга тўғри келади. Меҳнат ва маблағни тежаш мақсадида, ғарамларга босилган пичаннинг вазни одатда ўлчаш йўли билан аниқланади. Пичан йилига икки марта: ўриш вақтида ҳамда ғарамларда ётиб чўккандан сўнг ўлчанади. Биринчи ўлчашда ўрим-йиғимда ишлаган колхозчиларга меҳнат ҳақи тўлаш учун пичаннинг тахминий вазни аниқланади.

Пичан ғарамга босилгандан кейин зичлашиб чўкади. Ғарамдаги пичаннинг ҳажми унга босилган ўсимликларнинг намлик даражасига, тур-хили ва йирик-майдалигига, ғарамнинг баландлиги ва катта-кичиклигига пичаннинг шиббаланиш даражасига ва қанча вақтдан бери сақланаётганлигига боғлиқ. Пичан бир хилдаги ўтлардан тайёрланган бўлса ғарамга босилгач, икки кундан сўнг унинг намлик ва зичлик даражаси нормага келиб қолади. Шу сабабли ғарамлардаги пичан кузди охириги марта ҳисобга олинади.

Пичаннинг вазнини ўлчаш йўли билан аниқлаш учун дастлаб ғарамнинг кубометр ҳисобидаги ҳажми, сўнгра ғарамга босилган 1 м³ пичаннинг вазни белгиланади. Ғарамлар турли шаклда бўлади. Қоракўлчилик хўжаликлариде пичан кўпинча томсимон тикка тепали тўғри



Ғарамнинг кенлиги, узунлиги ва перекидкаси (айлана ўлчами) ни ўлчаш усули

тўртбурчак шаклидаги ғарамга босилади. Бундай ғарам пухта босилганида ундаги пичаннинг сифати 5—6 бил ва янада узоқроқ вақтгача бузилмайди. Қуйида тўғри тўртбурчак шаклидаги ғарамнинг вазнини ҳисоблаш усули келтирилади.

Ғарамнинг ҳажмини белгилаш учун унинг эни, бўйи ва перекидкаси ўлчанади. Ғарамнинг эни ва бўйи икки жойидан — ер бетига тегиб турган ҳамда 1 м баландликдаги жойларидан ўлчанади. Перекидкаси учта жойидан ўлчаниб, бу ўлчовлар ҳажмининг учдан бир қисми ўртача перекидка ҳисобланади.

Томсимон тепали тўғри тўртбурчак шаклидаги ғарамнинг ҳажмини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$(0,52n - 0,44n) \times \text{Ш} \times D = B$. Бу формулада: n — ғарамнинг перекидкасини; Ш — энини; D — бўйини ва B — кубометр ҳисобидаги ҳажмини ифодалайди.

1 м³ пичаннинг вазни унинг таркибига ва қанча вақт сақланишига боғлиқдир. Агар ғарамдаги пичанни ўлчаш

учун махсус жадвал бўлмаса, у ҳолда 1 м³ пичаннинг вазни қуйидагича аниқланади. Ғарамдан 1 м³ намуна пичан кесиб олиниб, тарозида тортилади. Бу пичаннинг вазни ғарамнинг кубометр сонига кўпайтирилади. Бундан ҳосил бўлган яқун ғарамнинг умумий вазини кўрсатади. Ғарамдаги 1 м³ пичаннинг вазини аниқлаш учун бизнинг махсус кузатишларимизда ҳосил қилинган қуйидаги 5-жадвал маълумотларидан фойдаланса ҳам бўлади.

5-жадвал

Ғарамдаги 1 м³ пичаннинг тахминий вазни, кг ҳисобида

Пичан турлари	Ғарамга босилган вақтида	Ғарамга босилгандан кейин				
		3—4 кун ўтгач	1 ой ўтгач	2 ой ўтгач	4 ой ўтгач	12 ой ўтгач
Августда, гуллаётган даврида тайёрланган шувоқ пичани	44	46	49	50	53	58
Сентябрь охирида, уруғ тугаётган даврида тайёрланган янтоқ пичани	55	56	58	59	60	70
Май охирида тайёрланган каррак пичани	50	52	55	57	60	65

Ғарамдаги пичан узоқ вақт сақланганида ғарамнинг бўйи ва эни ўзгармайди, аммо перекидкаси (баландлиги) камаяди.

Инвентаризация вақтида ҳар бир ғарам номерланиб, унга ғарамнинг ҳамма ўлчамлари ва ҳажми, ўлчанган вақти ва вазни ҳамда ундаги пичаннинг тайёрланган вақти ёзилган берка (тахтача) қўйилади. Демак, тайёрланган пичанни ҳисобга олиб бориш учун ҳар бир хўжалиқда махсус инвентаризация ведомости бўлиши керак.

Ғарамдаги пичаннинг сарфланиши инвентаризация ведомостига ёзиб борилади.

ЕМ-ХАШАК ЭКИНЛАР

Сахро шароитида молларни ўтлатиш, шунингдек, пичан ва силос тайёрлаш учун ем-хашак экинларни фақат обикор ерлардагина эмас, балки лалмикор ерларда ҳам ўстириш мумкин. Амалий тажрибаларга кўра, бу ерларда ўстириш учун маккажўхори, оқжўхори, махсар, судан

ўти, кунгабоқар, беда ва изен экиш яхши натижа беради. Бироқ, шунинг назарда тутиш керакки, мол ўтлатиш ҳамда пичан ва силос тайёрлаш учун ўстириладиган экинлар уларни ўстиришда илғор агротехника қондаларига амал қилинган ҳолдагина мўл ҳосил беради.

Маккажўхори—бир йиллик хашаки экин бўлиб, уни кўклигида ҳам, силос қилинганда ҳам қўйлар ёқтириб олади. Маккажўхорини адирлардаги обикор ҳамда лалмикор ерларда ўстириш мумкин. Ўрта Осиёдаги илмий тадқиқот муассасалари ва илғор хўжаликларнинг маълумотларига кўра, маккажўхорининг ҳар гектаридан обикор ерларда 200—500, лалмикор ерларда эса 50—150 ц гива думбул сўтали кўкпоя ҳосили олинади.

Маккажўхори кўплаб сўта чиқараётган вақтда унинг таркибида протейн, азотсиз экстрактив модда ва жир энг кўп, клетчатка эса энг оз миқдорда бўлади. Бу даврдаги маккажўхорининг бир килограммидаги каротин миқдори 20—50 мг га етади. Бинобарин, қўйларнинг рашонига маккажўхори қўшилганида, улар авитаминоз касаллигига учрамайди.

Оқжўхори — қурғоқчиликка чидамли ва ҳар қандай тунроқли ерда ўса оладиган экинлардан бири. Оқжўхорини йилларда ўстиришда унинг серқанд навини экиш яхши натижа беради. Сирдарё областининг Тимирязев номидаги ҳамда Самарқанд областининг «Улус» совхозларидаги ярим чўлларда оқжўхори асосан силос учун экинлади. Қатор ораларида 45 см оралиқ қолдириб экилганида ҳар гектардан ўрта ҳисобда 20 ц кўкпоя олинади. Бироқ, қўйлар оқжўхори даласида ўтлатилганида, баъзан унинг майсалари таркибидаги синиль кислота билан заҳарланиб қолади. Текшириш натижаларига кўра, оқжўхори ўрилганидан сўнг икки соат ўтгач, унинг таркибидаги синиль кислота тамоман парчланиб кетади. Оч қорин кўпларини оқжўхори даласида ўтлатиш ярамайди.

Махсар — мураккабгулликлар оиласига қарашли бир йиллик экин. Кунгабоқарга нисбатан қурғоқчиликка анча чидамлироқ бўлиб, жуда қурғоқчил зонада ҳам ўсаяди. Сахро шароитида қимматли хашаки экинлардан бири ҳисобланади.

Кўкатида протейн кўп, клетчатка кам бўлади. Қўйларнинг минерал модда ва витаминлар билан таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Махсар тўпбарглар ҳосил қилаётган даврида унинг таркибида каротин энг кўп миқдорда

бўлади, кейинчалик бу модда кескин камаяди. Уша даврда қўйлар махсарни жуда ёқтириб ейди. Махсарнинг ҳар 100 кг да 22,75 озиқ бирлиги ва 2,91 кг ҳазм қилинадиган протеин бўлади. Махсар далаларида қўйларни ўсимликларнинг баландлиги 20—25 см га етганида ўтлата бошлаш керак.

Махсар силос қилинганида унинг тўйимлилиги яхшироқ сақланади. Уни тўпбарглар ҳосил қилаётган даврда силослаш яхшироқ натижа беради.

Махсар куннинг иссиқ пайтида ўриб қуритилганида, унинг барглари ортиқча қувраб кетади ва уваланади. Шу сабабли махсар пичанини тойларга боғлаб (пресслаб) ташиш маъқул кўрилади. Қоракўл қўйлар махсарнинг йўгон пояларини емайди, шунинг учун махсар пичанини майдалаб бериш керак, аммо уни тортиб талқон қилиш маъқул кўрилмайди, чунки қўйлар махсар талқонининг фақат 50—60% ини ейди.

Махсарни бошқа хашаки экинлар яхши ўсмайдиган энг қурғоқчил зонада экиш тавсия қилинади.

Судан ўти — бақувват илдиз ҳосил қиладиган бир йиллик ўт. Илдизлари 1,5 м чуқурликкача кириб ўсиши туфайли бу ўт ўзига зарур бўлган нам ва озиқ моддаларни тупроқнинг анча чуқур қаватларидан олиб ривожланади.

Судан ўти қурғоқчиликка жуда чидамли бўлади, шу билан бирга ўрилгандан ёки мол қўйиб ўтлатилганидан сўнг тез кўкаради ва қалин анғиз ҳосил қилади. Унинг қимматли хусусиятларидан бири — қурғоқчил ярим чўллларда ҳам гектар бошига 3—4 центнер уруғ беради.

Судан ўтини экиш муддатлари географик зонага ва об-ҳаво шароитларига қараб белгиланади. Уни, одатда март-апрелда, иссиқлик 10° га етган вақтда экиш яхшироқ натижа беради. Экилган уруғ униб кўкараётган даврда ҳаво 2—4° гача совуганида, майсалар қаттиқ зарабланади. Судан ўти лалми ерларда мол ўтлатиш учун экиладиган бўлса ҳар гектарга 12—15, уруғлик учун экилганида эса 9—12 кг уруғ сарфланади. Уруғлари 3—5 см чуқурликкача кўмилади. Бу экин мол ўтлатиладиган участкаларга тор қаторлаб, уруғ етиштириладиган участкаларга эса, қатор ораларида 45 см оралиқ қолдириб экилади.

Уруғни экиб бўлгандан кейин далани ғалтаклаш маъқул кўрилади. Тупроқ бети қатқалоқ бойлаб қолганида

майсалар кўкаргунча далани зиг-заг борона билан бир йўла бороналаш керак. Уруғлик участкаларнинг қатор ераларини культивация қилиш зарур.

Судан ўти мол ўтлатиш учун ўстирилганида уни ёп-насиға қаторлаб экиш яхшироқ натижа беради. Бу ўт экилган участкаларда қоракўл қўйларни ўсимликлар кўп-лаб повдалаган ва уларнинг бўйи 30—50 см га етган пайдан бошлаб то бошоқлай бошлаган давргача ўтлатиш керак. Одатда қўйлар дастлабки марта 15—20 кунгача ўтлатилади. Қўйлар участкадаги ўтни 80—90 процентгача, ўтнинг анғизини эса илдиз бўғизигача ейди.

РСФСРнинг жануби-шарқий зонасида судан ўти дук-какли ўсимликлар билан аралаштириб экилади. Бунинг натижасида яйлов протеинга анча бойийди. Бинобарин, бу тadbирни ярим чўл зонасидаги қоракўлчилик хўжаликларида ҳам жорий қилиш керак.

Кунгабоқар — ярим чўл зонасида фақат силос тайёрлаш учун экилади.

Беда — пичан тайёрлаш ва қоракўл қўйларни ўтлатиш учун энг яхши экинлардан биридир. У серҳосил, қур-гоқчиликка чидамли ва лалмикорликка энг мосланган экин бўлиб, лалми ерларда гектар бошига 50—60 ц кўкертки 12—30 ц пичан ҳосили беради.

Сув билан чала таъминланган лалмикорликда беда экиш учун сернам тупроқли участкаларни танлаш зарур.

Беданинг таркибида протеин, минерал тузлар, кальций, фосфор ва витаминлар кўп. Қўйлар бедани жуда ёқтириб ейди ва тез семиради. Қўйларни бедапояда ўтлатишга аста-секин, беш-етти кун мобайнида кўниктириш керак. Қўйлар тимпанит (қорин шишиш) касаллигига учраб қолмаслиги учун, ёмғир ва кучли шудрингдан кейин уларни бедапояда ўтлатиш ярамайди. Қўйларни бедапояда ўсимликларнинг баландлиги 20—25 см га етганида ўтлатиш бошлаш керак, агар бундан эртaroқ ўтлатилса, ўсимликларнинг илдиз бўғзини еб, экинларни қуритиб қўяди. Бедапояда қўйларни ўтлатиш муддатлари зонанинг об-ҳаво шароитига қараб белгиланади. Ярим адир-ларда беданинг асосий ҳосили пичан учун ўрилиб, қўйлар илдирида ўтлатилади.

Изен — кўп йиллик ўт бўлиб, кўклигида қўйларга оғинилади ҳамда пичан қилинади. Изен ҳар қандай ерда ҳам бемалол ўсаверади ва тупроқ шўрига анча чидамли. Ўсув даври узoққа чўзилганлиги туфайли, изензорда

қўйларни ёз, куз ва қиш фаслларида ўтлатиш мумкин. Изен экилган яйловларда қўйлар беш-олти йилгача ўтлатилади. Бундай яйловларда қўйларни июнда ўтлата бошлаш керак. Агар қўйлар яйловга бундан эрта қўйилса, изен ҳосили анча камаяди.

Соз ва қумоқ тупроқли ерларда изеннинг ўша ерларга мослашган турларини ўстириш тавсия қилинади. Бундай изен туплари, соз тупроқли ерлардаги изенга нисбатан, йирикроқ бўлади.

Изеннинг янги йиғиб олинган уруғи ҳайдаб қўйилган ерга кеч кузда тупроққа кўмилмасдан экилади. Ҳар гектарга 2—4 кг уруғ сепилганида анча мўл ҳосил беради. Уруғлари октябрда уларни экишга бир неча кун қолганида йиғиб олинади.

Изеннинг шўртобсимон ва соз тупроқли ерларда би-тадиган турларида, қумлоқ ерда битадиган туридагига нисбатан, оқсил модда деярли икки баравар кўп бўлади.

ХАШАКНИ СИЛОСЛАШ

Ҳозирги замон қишлоқ хўжалигида ўт-хашакларни силослаш усули кенг қўлланилмоқда. Ўт-хашаклар силосланганида уларнинг таркибидаги озиқ моддалар анча кўпроқ сақланиб қолади. Масалан, ўтлардан тайёрланган пичанда озиқ моддаларнинг 30% ти нобуд бўлган ҳолда, ўша ўтлар силосланганида бу нобудгарчилик 10—15% дан ошмайди.

Силос — қиш фаслида, чўл ва ярим чўл зоналарида эса ёз фаслида ҳам молларни боқиш учун энг арзон серсув озиқдир. Яйловлар етишмаган ва қоракўл қўйлар ёзда бўрдоқи қилинадиган хўжаликларда силос ғамлаб қўйиш айниқса муҳим роль ўйнайди.

Қоракўлчилик хўжаликларида силос шувоқ, янтоқ, каррак сингари дағал пояли ўсимликлардан тайёрланади. Қоракўл қўйлар янтоқ, каррак, шувоқ ва маккажўхорининг ёлғиз ўзидангина тайёрланган силосни ҳам жуда ёқтириб ёйди.

Ўрта Осиё шаронтида ёввойи ўсимликлардан энг қисқа муддатда яхши сифатли силос тайёрлаш учун етарли миқдор ишчи кучи ва техникага эга бўлиш керак. Ўсимликларидан силос тайёрланадиган участкаларни барвақт ажратиб қўйиб, уларга қўйларни киритмаслик керак.

ЭКИН ЧИҚИНДИЛАРИ

Ўзбекистонда чорва молларга озиқ бўладиган чиқиндилар асосанғўзадан олинади. Ҳозирча саноат корхоналарида пахтанинг толаси билан чигитигина ишлатилиб,ғўзанинг бошқа қисмлари чиқинди ҳисобланади.

Пўчоғи арчилган ҳамда арчилмаган чигитдан олинган кунжара ва шрот, шуингдек, шулха чорва молларни боққиш учун сарфланади. Чигит таркибида оқсил анча кўп, шу билан бирга бирмунча миқдорда госсипол деб аталган заҳарли модда ҳам бўлади.

Қўйлар юқорида келтирилган озиқларнинг ўзи билан узок вақт боқилганида, касалланади ҳамда заҳарланиб нобуд бўлади. Бу ҳодисанинг олдини олиш учун қўйларга таркибида госсипол бўлган озиқларни бериш вақтинча тўхтатилади. Молларга пахтачилик чиқиндилари бошқа озиқлар билан аралаштириб егизилганида заҳарланиш ҳодисалари юз бермайди. Чигит кунжарасини госсиполдан тозалаш усуллари ишлаб чиқилган бўлса ҳам, бунинг учун мой заводларидаги технологик жараёнларнинг амалитини қайта ташкил этиш талаб қилинганидан, ҳозирча бу усуллар аксари заводларда қўлланилмайди, ва таваренлаантирилган чигит кунжараси кам миқдорда чиқарилади.

6-жадвал

Пахта чиқиндиларидан олинган озиқларнинг тўйимлилик даражаси

Озиқлар	1 кг озиқда г ҳисобида				
	озиқ бирлиги	ҳазм қилинадиган протеин, г	кальций, г	фосфор, г	каротин, мг
Чигит кунжараси, ўрта ҳисобда . .	1,15	331	2,8	9,8	1
Пўчоғи арчилмаган чигит кунжараси	0,65	186	3,1	9,7	1
Майяланган чигит кунжараси . .	1,05	298	3,1	1,20	1
Чигит	1,37	148	3,4	5,1	0
Чигит шроти	0,96	325	4,4	17,4	0
Пўчоғи арчилмаган чигит шроти . . .	0,79	284	0,3	2,5	0
Сезилмаган чигит шроти	0,84	215	3,8	11,3	0
Пўчоғи арчилмаган чигит шроти . .	0,66	170	0,2	1,4	0
Таваренлаантирилмаган чигит шроти .	0,21	10	1,9	0,9	0
Таваренлаантирилган чигит шроти . .	1,14	5	3,1	1,1	0

Қўйларга чигит ва шротни салгина намлаб, бошқа озиқлар билан аралаштириб егизиш тавсия қилинади. Кунжара фақат қўйларга беришдан олдин майдаланади. Майдалаб қўйилган кунжара ва шрот узоқ сақлангани да бузилиб қолади.

Чигитни қайта ишлашда унинг пўчоғи (шулхаси) баъзан ажратиб олинади. Пўчоғи ажратилган чигит кунжараси яхшироқ ва тўйимлилиқ жиҳатидан зиғир кунжарасига тенг бўлади. Ғўзанинг поялари ҳам қисман молга егизилади.

ЭҲТИЁТ ЕМ-ХАШАК ФОНДИ

Сахро яйловларида қоракўл қўйларни қишда асраш анча қийин бўлади. Қўйларни қишдан бешикаст чиқариш учун қишловларга зарур миқдорда эҳтиёт ем-хашак ғамлаб қўйиш лозим.

Хўжаликдаги эҳтиёт ем-хашак фонди зарур вақтгача сарфланмай сақланади. Яйлов майдонлари ва бошқа хашаклар эса биринчи галда қўйларнинг энг муҳим группаларини таъминлаш учун имкон берадиган қилиб тақсимланади. Ҳаммадан аввал насл қўчқорларига қўшимча озиқ тарзида бериб туриш учун зарур бўлган емлар ҳисоблаб чиқилади. Сўнгра заифланиб қолган қўйларга бериб туриш учун зарур бўлган қўшимча ем-хашакнинг миқдори белгиланади. Бундай қўйлар етук совлиқлардан ҳамда шу йили ва ўтган йилда туғилган қўзилардан иборат бўлиб, одатда ўторнинг 5—10% ни ташкил қиладди. Беш-тўққиз ойликкача нимжон қўзилар алоҳида группага ажратилиб, уларга қўшимча озиқ бериб туриш планлаштирилади. Совлиқларни бўғозлик ва қўзилатиш даврларида боқиш учун зарур бўлган қўшимча ем-хашак ҳисоблаб чиқилади. Агар хўжаликда ем-хашак ва бинолар етарли бўлса, у ҳолда совлиқларни эрта муддатда қўзилатиш мумкин. Агарда хўжаликдаги қўшимча ем-хашак етишмайдиган бўлса, совлиқларни кечроқ муддатда қўзилатиш керак. Кейинги ҳолда совлиқлар қўшимча ем-хашак билан боқилмай табиий яйловларда ўтлатилади ва қўзилатилади.

Ҳамма ҳолларда ҳам этдан тушиб қолган қўйларга бериладиган қўшимча ем-хашак яйлов ўтларининг ҳолати эътиборга олиниб ҳисоблаб чиқилади. Бунда гушт учун

топшириладиган қўйларни қўшимча ем-хашак билан боқиш масаласига алоҳида эътибор берилади. Ниҳоят, хўжаликдаги иш ҳайвонлари ва бошқа молларни боқиш учун зарур бўлган қўшимча ем-хашак миқдори ҳисоблаб чиқилади.

Хўжаликдаги қўйларнинг жинс-ёшлари ҳамда турларига қараб ем-хашак ва яйловларни тақсимлашнинг ялпи планни ишлаб чиқилгандан сўнг, зоотехник ем-хашакни сарфлаш ва яйловлардан фойдаланишнинг ойлик планларини тузади. Бу планлар мол туёғини ва чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришга доир мажбурий топшириқларнинг бажарилишини ҳисобга олган ҳолда тузилади.

Ййлов ва ем-хашакдан фойдаланишга доир йиллик план совхозда директор томонидан, колхозда эса колхоз правлениеси ва юлхозчилар умумий ййғилиши томонидан тасдиқланади. Зоотехник мана шу планга асосан, хўжаликнинг конкрет аҳволини, қўй ўторлари ва бошқа чорвачилик подаларининг ҳолатини ҳисобга олиб, келгуси йй планини ишлаб чиқади.

ЙЙЛОВ ҲСИМЛИКЛАРИНИНГ ТҲЙИМЛИЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ

Чўл ва ярим чўл яйловларининг ўсимликларини, уларнинг таркибидаги аминокислота миқдорига қараб, баҳолаш иши деярли олиб борилмайди. Қоракўл қўйларининг яйловларда протеин билан таъминланиши эса, одатда, уларнинг семириш-ўсиш даражасига қараб баҳоланади. Агар қўйлар ҳар куни яхши ўтлаб 150—200 г дан семирса, яйлов ўсимликларининг тўйимлилик даражаси яхши, деб ҳисобланади. Масалан, кексайиб, тишлари ебиллиши сабабли брак қилинган қоракўл қўйлар кўклагини серўт яйловларда ўтлатилганида яхши семириб, уларнинг вазни кондия билан белгиланган даражага етади. Бишобарин, протеинга бой яйлов ўсимликларининг таркибида минерал модда ва витаминлар ҳам старан миқдорда бўлади. Бундай серўт яйловларда қоракўл қўйларининг рационини яйлов ўтлари билан бемалол таъминланади. Камўт яйловларда эса, айниқса қиш фаслида, қўйларга зарур миқдорда қўшимча озиқ бериб туришга тўғри келади.

Кейинги ўн йилликларда ўтказилган илмий тадқиқот ишлари чорва молларни озиқлантиришда витаминларнинг аҳамияти гоёат катта эканлигини кўрсатди. Емхашакда витаминлар етишмаганида оғир авитаминоз касалликлари бошланди. Қоркўлчилик колхоз ва соғхозларида совлиқларни қўзилатишдан олдинги даврда февралдан мартнинг биринчи ўн кунлигигача, яъни яйлов ўтлари кўплаб қўкара бошлагунча бўғоз совлиқларда авитаминоз касаллиги юз беради. Бу касалликка одатда семизлик даражаси ўртача ва юқори бўлган, аксар ҳолларда эса серпушг совлиқлар учрайди.

Қор кўп ёғиб, қоракўл қўйлар пичан билан боқилган ва яйлов ўтлари билан жуда кам ёки бутунлай озиқланмаган йилларда бу касаллик авж олиб кетади. Авитаминоз (баскак) касаллигига учраган қўйларнинг иштиқоқи таҳаси бўғилади, улар озиққа қарамай қўяди, тобор дармонсизланади, гандираклайди, титрайди, оқибат натижада бошни орқа томонга ташлаб ётади. Бундай қўйларга ўз вақтида ёрдам кўрсатилса улар соғайиб кетади.

Иштиқоқи тамоман бўғилиб қолмаган касал қўйларга кун сайин 100—150 г дан сабзи, яхши беда пичани ёки иши оттирилган доп берилиб, 50 г дан глюкоза ичирилади.

Авитаминоз касалликларининг олдини олиш учун витаминли пичан ва силос тайёрлаб, қўйларни ўша пичан ва силос билан боқиш керак. Бундай пичан ва силос бошқа озиқларга аралаштириб берилади. Вазни 50 кг келадиган совлиққа бир суткада 10 мг каротин бериш керак. Витаминли пичан ва силос ана шу нормага қараб тайёрланади.

Эрта кўклам, чўл ва ярим чўл яйловларда серсув қўйлар етарли бўлган даврда қўйларнинг организмиде витамин запаслари тўпланади. Кейинчалик бериладиган озиқларда витаминлар етишмаганида, қўйлар ўз организмиде тўпланиб қолган витамин запаслари ҳисобиде яшайди.

Яйловлардаги кўк ўсимликларда каротин кўп бўлади. Масалан, кўк ўт таркибиде, пичандагига нисбатан, каротин (провитамин А) деярли 10 баравар кўпроқ бўлади. Бу ўтларнинг таркибиде витамин Д ва витамин С ҳам анча кўп. Бу витаминларнинг биринчиси рахитиккинчиси цинг касалликларининг авж олишини тўсди.

Қўйлар яйловда ўтлатилган даврда таркибидаги витамин ва бошқа озиқ моддалар етарли бўлган кўк ўтдан таъминланиши ҳамда қуёш нурлари тушиб турган озиқ ҳавода бўлиши туфайли деярли касалланмайди ва ўта маҳсулот беради.

Соз тупроқли чўл яйловларидаги ўтлар, асосан шуқ қиш фаслида ҳам қуримасдан ўсаверади. Бироқ, шуқнинг таркибида витаминлар арзимайдиган миқдорда бўлади. Қумлоқ чўлларда қўйлар йил бўйи, шуқдан қиш фаслида ҳам кўм-кўк бўлиб ўсадиган қизилча билан озиқланади. Бундай ўтлар битмайдиган йилларда қўйлар қиш фаслида витамин етишмаслиги билан анча қийналиб қолади.

Қорақўлачиларнинг амалий тажрибасига кўра, қоққўла қўйлар қишда шувоқли яйловларда ўтлатилгани ва, қушимча ем-хашак бериб турилмаса ҳам, яхши сепиради. Яйловда ўтлатилмаганида эса авитаминоз билан касалланади.

Қорақўмдаги қумлоқ яйловларда май ўртасига келиб ўсимликларда витаминлар жуда камаяди. Ёз фаслида қўйлар витаминни ўсув даври узоққа чўзиладиган йил ва кўп йиллик ўтлардан олади. Куз ва қиш фаслида қумлоқ яйловларда қўйлар витаминни йирик бута, қизилча, камбарг ҳамда бошқа шўра ўтлардан олади. Бу даврда яйловларда доимо кўм-кўк бўлиб ўсиб турадиган қизилча, айниқса, муҳим роль ойнайди. Бундай ўсимликлар битадиган яйловларда ўтлатилган қўйлар авитаминоз касалликлари билан мутлақо сепирмайди. Қумлоқ тупроқли яйловлардаги ўсимликларда йилнинг айрим фаслларида қанча каротин бўлиши қўйидаги 7-жадвалда келтирилади.

Ўм-хашак таркибида турли-туман минерал моддалар бўлган ҳайвон организмида бу моддалар етишмаганида айвонлар ҳар хил касалликларга учрайди ва уларнинг маҳсулдорлиги пасаяди. Шу муносабат билан, ҳайвон организми учун зарур бўлган минерал моддаларнинг энг ўқимларига қисқача тўхтаб ўтамиз.

Фосфор — ҳайвонларнинг ҳаёт жараёнида ғоят муҳим роль ўйнайди. Фосфор ҳайвон танасидаги ферментлар ва бир талай мураккаб органик моддалар ҳамда айвоннинг маҳсулоти таркибига киради. Рационда фосфор етишмаганида ҳайвон организмида модда алмашиши жараёни бузилади.

Жануби-шарқий Қорақум яйловларининг ўсимликларидаги каротин миқдори

Яйловларнинг тур-хиллари	Яйлов ўсимликлари	Қўйлар ейдиган хашак запасы, тектарыга кг ҳисобида			Қўйлар ейдиган хашакдаги каротин миқдори, тектарыга г ҳисобида				
		кўк-ламда	ёзда	кўзда	қишда	кўк-ламда	ёзда	кўзда	қишда
Қизилча аралаш оқ саксовул ва қиёқлар ўсадиган яйловлар	Оқ саксовул Қизилча Илак	15,3	4,5	121	101,9	7459	1053	1628	1820
		8,9 73	2 69	19 39,5	36,8 30				
Саксовул ва қиёқ ўсадиган яйловлар	Оқ саксовул Илак	26,2	6,9	163,4	153,9	10723	1359	1236	969
		38	27,6	15,9	10,7				
Ярим бута шаклидаги нўхатак аралаш жузгун ва қиёқлар ўсадиган яйловлар	Жузгун Нўхатак Езги бир йиллик ўтлар Илак	1,6	2,3	0,5	—	20342	3800	1844	31
		9	7,6	4,3	2,5				
		8,5	17,5	16,5	14				
		95,6	75,9	43,5	34,7				

Кальций — бу модда етишмаганида ёш ҳайвонларнинг ўсиши секинлашади, ичак-қорин йўллариининг фаолияти тартибсизланади. Чўл яйловларидаги ўсимликларда кальций кўп, фосфор оз бўлади.

Натрий хлорид ва калий — бу моддалар ҳайвон таъминотидаги суяқлиқларда ва юмшоқ тўқималарда бўлади. Улар организмдаги сув алмашилиш жараёнига таъсир этади. Натрий хлорид меъда шираси (желудочний сок)нинг ҳосил бўлиш ва ҳазм қилинган моддаларнинг организмга сингиш жараёнларини кучайтиради. Калий им-хашак ўсимликларида етарли бўлганидан, ҳайвон организмми бу модда билан қониқарли миқдорда таъминланиб туради.

Им-хашак экинларида хлор оз бўлганидан, ҳайвонларга бу модда қўшимча озиқ — ош тузи шаклида берилб турилади. Яйлов ўсимликлари (масалан, эфемер ва тоғ ўтларида) ҳамда сувда зарур тузлар оз миқдорда бўлса, қоракўл қўйларнинг рационига ош тузи қўшилади. Қоракўл қўйлар шўра ўтли яйловларда ўтлатилганида ёки шўр сувли қудуқлардан суғорилганида уларга қўшимча туз берилмайди.

Чўл яйловларидаги ўсимликларда минерал моддалар жуда кўп миқдорда бўлади. Яйловлардаги айрим ўсимлик ва ўтларнинг химиявий таркиби бир талай факторлар, шу жумладан ёгингарчилик таъсири билан ўзгаради. Ўсимлик ва ўтларнинг тўйимлилиқ даражаси об-ҳаво шароитлари қулай келган серёгин йилларда хийла юқори, қурғоқчил йилларда эса анча паст бўлади.

Ҳайвонларнинг минерал моддалар билан таъминланиш даражаси уларга егизилаётган озиқлардаги микроэлементларнинг миқдорига қараб баҳоланади.

Тезир, мис ва кобальт ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳайвонлар бу моддаларнинг биронтаси ёки айни вақтда бир небаъи узоқ вақтгача берилмаганида уларда кам-қонлик (анемия) касаллиги авж олиб кетади.

Темир — гемоглобиннинг синтез қилиниши учун зарур. Мис эса ҳайвонларнинг қонида гемоглобин ҳосил бўлиш жараёнини тартибга солиб туради. Ҳайвонларнинг қондаги мис ва темир бўлмаганида ёки етишмаганида гемоглобин тўпланиш жараёни тўхтаб қолади, қондаги гемоглобин миқдори озаяди ва ҳайвонларда анемия касаллиги бошланади, энзоотик атакция касаллиги юз берishi ҳам мумкин.

Ўрта Осиёнинг чўл ва ярим чўл яйлов ўсимликларидаги асосий минерал моддалар миқдори

(З. П. Чаплиннинг 1962 йилги маълумотлари)

Ўсимликлар	1 кг пичандаги минерал моддалар, г					
	кальций	калий	натрий	фосфор	олтин-гугурт	хлор
Илак, ранг	10	11,2	22,8	1,6	2	4,1
Қўнғирбош	8,7	11,9	10,7	3,1	1,7	3,8
Арпагон	6,2	13,3	18,6	2,4	1,6	11,3
Ялтирбош, тароқбош	3,3	8,8	19,8	2,9	1,9	3,5
Читир ва бошқа бутсимон гулли эфемер ўтлар	23,2	23,0	16,2	4,3	0,7	7,4
Дуқакли эфемер ўтлар (тригонелла, нўхатак ва бошқалар)	21,4	29,6	10,3	3,5	1,9	4,8
Донашўр	10,4	7,3	131,5	0,5	17,7	60
Харихандон	14,9	9,2	136,0	0,4	12,2	92,4
Қуёнжун, пашмакшўр	8,8	11,3	11,5	0,7	31,3	50,5
Сета	14,5	13,6	71,7	0,7	11,3	77,4
Балиққўз	10,3	12,7	141,1	0,7	24,1	108,1
Чағон	11,5	15,9	80,7	0,8	7,8	18,9
Сарисазон, чўртгон	21,4	12,8	13,7	0,8	7,2	115,1
Янтоқ	13,6	14,9	18,8	1,5	8,3	7,2
Каррак	15,1	—	—	0,5	3,7	5,9
Чалов	19,5	—	—	1,3	1,8	10,2
Майда селен	19,3	—	7,1	1,7	—	9,5
Шувоқ	9,2	—	—	1,6	2,6	7,5
Қандим	3,4	—	—	0,8	26	25
Ажриқ	3,7	—	—	0,4	2,5	19,2
Сингрён	22,7	—	—	0,2	—	—
Каврак	22,1	—	—	2,7	—	—
Фломис	9,7	—	—	4,2	—	—

Бундай касалликка учраган қўйлар этдан тушади, дармонсизланади, иштаҳаси бўлмайди. Бу касаллик яйлов ўсимликларида темир миқдори 0,04 ва мис миқдори 0,0004% дан кам бўлган районларда юз беради. Рационга мис ва темир қўшилиши билан касаллик йўқ бўлиб кетади.

Кобальт — витамин В₁₂ таркибига киради. Рационда бу модда етишмаганида «энзоотик марази» ёки «сўхта» касаллиги бошланади. Бу касалликка учраган қўйлар этдан тушади, уларнинг маҳсулдорлиги пасаяди, жинсий фаолияти тартибсизланади, қони камади. Сўх-

та касаллиги тупроқдаги ўсимликлар ўзлаштира оладиган кобальт миқдори қуруқ тупроқнинг ҳар килограммида 1,5—2 мг дан ортиқ бўлмаган районларда юз беради. Бундай районлар қаторига қумлоқ, подзол, ботқоқ ва торф тупроқли ерлар киради. Бундай ерлардаги яйлов ўсимликларининг ҳар килограммидаги кобальт миқдори 0,02—0,09 мг дан ошмайди, нормал тупроқли ерлардаги ўсимликларда эса 0,08—1 мг ва ундан ҳам зиёдроқ бўлади.

Иод — қалқонсимон безда тўпланади. Қўйлар ҳар суткада 0,01—0,02 г иод сарфлайди. Уларнинг бу миқдордаги иодга бўлган эҳтиёжи одатда яйлов ўсимликлари ва сув билан таъминланади. Тупроқда иод етишмаган районларда янги туғилган қўзиларда «бўқоқ» касаллиги борлиги кўзга ташланиб туради, уларнинг теяси сийрак жунли ёки мутлақо жунсиз бўлади. Бу касалликнинг олдини олиши учун қўйларга 0,02% гача калий иодид қўшилган ош тузи бериб турилади.

Марганец — ҳайвоннинг қонида ва организмидан ҳамма тўқималарида бўлади. Амалий тажрибаларга кўра, марганецнинг таъсири билан тўқималарнинг нафас олиши кучаяди, ферментларнинг синтез қилиниши ва организмнинг витамин В₁₂ дан фойдаланиши анча нормалашади. Марганец кўкат ўсимликларда энг кўп миқдорда бўлади.

Рух — яйлов ўсимликларида чорва молларнинг эҳтиёжини қондириш учун етарли миқдорда бўлади.

Фтор, селин ва молибден — рационда бу моддалар ортиқча миқдорда бўлганида ҳайвонларни заҳарлайди. Фтор — тупроқ, сув ва ўсимликлар таркибига киради, одатда ҳайвонларнинг суяк тўқималарида 0,02—0,05% гача бўлади. Организм учун бу модда жуда кам талаб этилади. Чорва молларни урчитиш, озиқлантириш ва асраш тажрибаларида фтор унинг заҳарлилик даражасини ўрганиш учунгина текширилади. Чорва молларнинг 1 кг вазни эвазига ҳар суткада 2—3 мг ҳисобидан фосфорит талқони давомли суратда бериб турилганида ҳайвонлар фтор билан заҳарланиб қолиши мумкин. Фтор оқ вақт кам нормаларда берилганида ҳам ҳайвонларни заҳарлайди. Яйлов ўсимликларидаги фтор миқдори одатда 0,0002% дан ошмайди.

Селин — тупроқда кўп миқдорда бўлади. Шу сабаблардан ҳайвонлар яйлов ўсимликларидаги селин таъсири

билан заҳарланиб қолиши мукин. Селни билан заҳарланган ҳайвонлар одатда нобуд бўлади. Қорамол 10 мг селни билан заҳарланганида ўлади.

Молибден — яйлов ўсимликларида бу модда кўп миқдорда бўлганида қўйлар касалланади. Мис молибденнинг зарарли таъсирини бартараф қилади. Рационда 3 мг дан ортиқ молибден бўлиши хавfli ҳисобланади.

Ўрта Осиёнинг яйлов ўсимликларидаги микроэлементларнинг миқдори ҳозирча етарли даражада ўрғанилган эмас. Бироқ, қумлоқ чўл ўсимликларида бу элементлар етарли миқдорда эканлиги аниқланди. У ёки бу микроэлемент етишмаганлиги аниқланган жойларда уни зарур миқдорда рационга қўшиб бериш лозим.

Бўқоқ касаллиги юз бераётган районларда ҳар совиқликқа бўғозлик даврининг иккинчи ярмида кунинг 30 мг ҳисобидан иод аралаш туз бериб туриш зарур. Калифорнияда ўтказилган тажрибаларга кўра, бўрдоқ қилинаётган қўйларга иод аралаш туз бериб турилганида, одатдагича ош тузи беришдагича нисбатан, улар янашироқ семиради ва бу анча арзонга тушади. Морисофикрича, қўйларнинг рационига мис, темир, олтингугурт ёки калий қўшиш учун ҳеч қандай асос йўқ. Баъзи ҳоллардагина мис ёки кобальт қўшиш зарур бўлиб қолиш мумкин.

Ниҳоят, қўйларнинг рационига олтингугурт ва цистон қўшиш жуннинг миқдори ва сифатига қанчалик таъсири қилишини текшириб кўрилди. Бу текширишлар рационда олтингугурт кўп миқдорда бўлиши қўйларнинг вазнига ҳам, жун миқдорига ҳам, жундаги олтингугурт миқдорига ҳам, жун толасининг пишиқлигига ҳам таъсир қилмаганлигини кўрсатди. Бироқ, рационда олтингугурт кўп миқдорда бўлганида, теридаги жингалакларнинг сони ортиб, жун толаларининг пишиқлик даражаси пасайганлиги аниқланди.

Қорақўл қўйларнинг жун қопламига ва вазнига мис элементи қанчалик таъсир қилганлиги «Қизил чорвадор совхозида М. Маҳмудов томонидан текшириб кўрилган» эди. Бу текширишлардан маълум бўлишича, рационига мис қўшилган қорақўл қўзиларнинг вазни 4 кг гача ошди, улар буранги касаллигига учрамади ва жунларининг қорамтир туси ҳам айнинмади.

ОЗИҚЛАНТИРИШ НОРМАЛАРИ

Юқорида айтганимиздек, Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги қоракўл қўйлар йил бўйи яйловда асралади. Қўзи ҳамда етук қўйларнинг семизлик, ўсиш ва ривожланиш даражаси яйлов ўтларининг оз-кўплигига ва ҳолатига боғлиқ. Агар яйлов ўтлари етишмаса, қўшимча озиқ тарзида қўйларга майдаланиб ем билан аралаштирилган хашак ёки майин пояли пичан бериб туриш керак.

Қоракўл қўйлар яйловда асралганида йил бўйи бир метёрда тўйиниб ўтлайвермайди. Масалан, қиш фасли яйлов ўтлари етишмаган даврда қўйларнинг вазни камайиб, кўкламда тикланади. Кўклам, ёз ва куз фаслларида яйлов ўтлари етарли бўлганида, қўйларнинг вазни энг юқори даражага етади.

Қўйларнинг қиш фаслидаги камайган вазини келинчалик тиклаш учун уларни айрим мавсумларда боқиш нормаларини ишлаб чиқиш зарурати тугилди. Бу нормалар 1944 йилда Бутуниттифоқ қоракўлчилик институти томонидан ишлаб чиқилиб, кенг кўламда қўлланиш учун тақлиф қилинди (9 ва 10-жадваллар).

9- ж а д в а л

Қоракўл қўйларни айрим мавсумларда боқиш нормалари

Мавсумлар	Ойлар	Қўй группалари	Қўйларнинг ҳар суткада ўсиши, г	Ҳар суткада бсрилади		
				озиқ бирлиги, кг	ҳазм қилинадиган протеин, г	яйловларнинг аксари типларидаги қўйлар еядиган қуруқ хашак, кг
Кўклам	март—апрель	Бўғоз совлиқлар	100	1,7	138	1,6
Кўклам	арпель	Эмизикли ва соғим совлиқлар	50	2	174	2,6
Ёз	май—август	Қиср совлиқлар, эмувчи қўзилар	30	2	85	1,8
Қуруқлатиш ва қўзиланиш даврлари	сентябрь— октябрь	Қиср совлиқлар, эмувчи қўзилар	50	1,15	94	2,1

Мавсумлар	Ойлар	Қўй группалари	Қўйларнинг ҳар суткада ўсиши, г	Ҳар суткада берилган		
				озиқ бирлиги, кг	ҳазм қилинадиган протеин г	яйловларнинг аксар тиллардаги қўйлар сиздиган
Қўзилатишдан олдинги ва қўзилатиш давлари	сентябрь — октябрь	Қиср совлиқлар ва оналаридан ажратилган қўзилар	100	1,4	110	2,5
Куз	ноябрь ойи ва декабрнинг биринчи ярми	Қиср совлиқлар	30	1,1	88	2,6

Совлиқларнинг бўғозлик, эмизикли, соғим ва қисилик давлари узун-қисқалиги эътиборга олингани ҳоҳда, бир йилга қанча озиқ моддалар зарурлигини юқорида келтирилган мавсумий нормаларга асосан ҳисоблаб чиқиш мумкин. Бу нормалар айрим мавсумларда қанча ем-хашак зарурлигини ҳисоблаб чиқариш шунингдек, айрим мавсумларда турли типдаги яйлов ўсимликларининг тўйимлилик даражасини баҳолаш учун ҳам асос қилиб олинади.

10-жадвал

Қоракўл қўчқор ва қўзиларни озиқлантириш нормалари

Жинс—ёш группалари	Ҳар қўчқор ва қўзига бир суткада берилган	
	озиқ бирлиги, кг	ҳазм қилинадиган протеин г
Чоптирилмаётган 60 кг оғирликдаги қўчқорлар	1,2	99
Суткасига 2—3 марта чоптириладиган қўчқорлар	1,5	181
Суткасига 5—7 марта чоптириладиган қўчқорлар	1,8	253
Уч—тўрт ойлик қўзилар	0,8	99
Тўрт—олти ойлик қўзилар	0,9	104
Олти ойлик—бир ёшлик қўзилар	1,1	99
Бир—икки ярим ёшлик тўққилар	1,2	88

Насл қўчқорларини озиқлантириш нормалари уларнинг жинсий нагрукасига (неча совлиқни қочиринишга) қараб белгиланади. Қорақўл қўзилар ҳам, бошқа зот қўйларининг қўзилари сингари, тутилганидан кейинги биринчи ойда ҳамма зарур озиқ моддаларни онасининг сүтидан олади. Қўзилар ўсган ва ривожланган сари яйлов ўтларидан тобора кўпроқ фойдаланаверади. Озиқлантириш нормаларини ҳисоблашда қўйларнинг жинс-еи группаларини эътиборга олиб иш қилиш керак.

Қорақўл қўйлар учун юқорида келтирилган умумий озиқ ва протеин нормаларини уларнинг озиқ моддаларга бўлган физиологик эҳтиёжларини кўрсатадиган аниқ нормалар деб ҳисобламасдан, балки янада ишлаб чиқиш ва аниқлаштириш керак. Аммо қорақўлчиликдаги амалий мақсадлар учун бу нормалар, қўйчиликда қабул этилган нормаларга нисбатан анча аниқ бўлиши билан фарқ қилади.

Қорақўл қўйларни минерал моддалар билан таъминлаш нормаларини ҳам аниқлаштириш ва атайлаб текшириб чиқиш талаб этилади; бу ишни бажаришда қорақўлчилик районларидаги яйлов ўсимликлари ва сувнинг минералланиш даражаси анча юқори бўлишини эътиборга олиб иш қилиш керак, чунки қорақўл қўйлар анча кўп миқдордаги тузларни яйлов ўсимликлари ва сувдан олиб туради.

11-жадвал

Қорақўл совлиқларни минерал моддалар билан таъминлаш нормалари

Ҳар совлиққа бир суткада грамм ҳисобида берилиши керак										
кисир	кальций	фосфор	натрий хлор	кальций	фосфор	натрий хлор	ҳар суткада соғилган сўт миқдори, г	кальций	фосфор	натрий хлор
кисир совлиқларга			бўғозлиқнинг иккинчи ярмидаги совлиқларга			соғилган совлиқларга				
100	1,9	0,9	3	4	2	6	100	3,2	1,8	4,8
200	2,4	1,2	4	5,3	2,7	8	200	3,9	2,2	5,1
300	3	1,5	5	6,7	3,4	10	300	4,3	2,5	5,4
400	3,6	1,8	6	8	4,1	12	500	5,4	3,6	6
500	4,2	2,1	7	9,3	4,8	14	700	6,5	4,4	6,5
							1000	8,1	5,6	7,5

М. Ф. Томмэ ва Г. И. Балабан томонидан Ўзбекистон шароитида қўйлар учун минерал моддаларнинг нормалари таклиф қилинди (11-жадвал).

Қоракўлчиликнинг чўл ва ярим чўл районларидаги яйлов ўсимликларида минерал моддалар миқдори турлича бўлади. Шўра ўтли яйловларда қўйларга қўшимча минерал моддалар бериш талаб этилмайди, аммо тоғ яйловларида бу моддаларни бериб туриш зарур.

Қоракўл қўйларни қўшимча минерал моддалар билан озиқлантириш нормаларини ишлаб чиқишда ҳар бир конкрет шароит учун яйлов ўсимликлари ва тупроқнинг тур-хилларини, албатта, эътиборга олиш лозим.

Амалий тажриба натижаларига кўра, қоракўл қўйларга ёз фаслида фосфор, тоғ яйловларида эса туз ҳам етишмайди. Йилнинг бошқа мавсумларида чўл ва ярим чўл районларида қоракўл қўйларнинг туз, кальций ва фосфорга бўлган эҳтиёжи яйлов ўсимликлари билан таъминланади.

Ўрта Осиёнинг мис етишмаганлиги аниқланган районларида қоракўл қўйларига қўшимча мис бериб туриш керак. Мис ҳар қўйга кунига 20—40 мг ҳисобида ёзда сув билан, қишда эса тузга қўшиб берилади. Қўйларга фенотиазин берилганида мисни озиқ аралашмаси билан қўшиб егизса ҳам бўлади.

ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАР ТОМОНИДАН БИР СУТКАДА ЕЙИЛАДИГАН ЯЙЛОВ ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ МИҚДОРИ

Қоракўл қўйлар учун бир суткада талаб қилинадиган яйлов ўтларининг миқдори уларнинг озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжига ва улар томонидан ейиладиган ўтларнинг тўйимлилиқ даражасига боғлиқ.

Чўл ва ярим чўл шароитида урчитиладиган қоракўл ва бошқа зот қўйлар томонидан ейиладиган ўтларнинг миқдори кг ҳисобидаги қуруқ хашак билан белгиланади.

Н. Т. Нечаев ва И. А. Мосолов чўлдаги ўтсимон ўсимликли яйловларда асраладиган қоракўл қўйларнинг озиқ эҳтиёжини белгилашда битта совлиққа ҳар суткада 2—2,5 кг қуруқ ўт сарфланади, деб ҳисоблашни тавсия қилмоқдалар. Улар йирик бута ва саксовул аралаш қумлок

ййловлардаги қоракўл қўйлар томонидан айрим мавсумларда ейладиган озиқларнинг миқдорини ҳам текшириб кўришди. Бу авторларнинг маълумотлари қуйида келтирилади.

12-жадвал

Қоракўл совлиқ бир суткада ейдиган қуруқ ўтнинг ўртача миқдори

Ўсимликлар	Кўкламда		Ёзда		Кузда		Қишда	
	кг ҳисобда	% ҳисобда	кг ҳисобда	% ҳисобда	кг ҳисобда	% ҳисобда	кг ҳисобда	% ҳисобда
Ўтлар	1,8	75	2	87	1,6	67	1,3	52
Шу жумладан:								
Илак	1,2	50	1,5	65	1,3	55	1,1	44
Ғалласимон ўтлар	0,4	17	0,4	18	0,2	8	0,2	8
Ҳар хил ўтлар	0,2	8	0,1	4	0,1	4	—	—
Буталар	0,6	25	0,3	13	0,8	33	1,2	48
Шу жумладан:								
Сазоқ	0,1	4	0,2	9	0,7	29	1	40
Қандим	0,2	8	0,1	4	—	—	—	—
Черкез	—	—	—	—	0,1	4	0,2	8
Сингрен	0,3	13	—	—	—	—	—	—
Жами	2,4	100	2,3	100	2,4	100	2,5	100

Лисов ва бошқаларнинг 1958 йилги маълумотларига кўра, Самарқанд областидаги «Карноб» совхозида қоракўл қўйлар ёз фаслида яйловдаги қуруқ ўтнинг ўрта ҳисобда 1,8 кг дан егани ҳолда, кўкламда «мори» совлиқлар 2,1 кг қуруқ ўт ёки 12 кг гача кўк ўт сарфлаган.

Қоракўл қўйлар томонидан чўл яйловларида ейилган кўкламги ўтларнинг миқдори серсув ўтли сунъий яйловларда майин жунли совлиқлар еган ўт миқдорига тенг келади.

Бухоро областининг «Муборак» совхозида ўтказилган махсус тажрибаларда июнь-июль ойларидаги суткалик ўртача ҳаво температураси 36° бўлганида етук ахта қўйлар бута-ўт ҳамда ярим бута-эфемер аралаш яйловларда 1,2—1,6 кг қуруқ ўт еган. Куз фасли, ноябрда суткалик ўртача температура (иссиқлик) 14,8° бўлганида бу қўйлар ўша яйловларда 1,8—2,4 кг қуруқ ўт сарфлаган. Кўкламда, апрель ойида суткалик ўртача ҳаво температураси 19° бўлганида етук ахта қўйлар ярим бута-эфемер

Яйловларда наслдор қоракўл қўйлар томонидан бир суткада ейиладиган қуруқ ўт нормалари, ҳар қўй учун кг ҳисобида

Ойлар	Совлиқлар		Ўтган йилги ургочи қўзилар		Етук қўчқорлар		Ўтган йилги эркак қўзилар		Шу йилги ургочи қўзилар		Шу йилги эркак қўзилар		Кексалик сабабли брақ қўйлигин қўйлар	
	бир суткада	бир ойда	бир суткада	бир ойда	бир суткада	бир ойда	бир суткада	бир ойда	бир суткада	бир ойда	бир суткада	бир ойда	бир суткада	бир ойда
Март	2,7	83,7	2,2	68,2	2,2	68,2	2,2	68,2	—	—	—	—	—	—
Апрель	2,2	66,0	1,4	42,0	1,4	42,0	1,4	42,0	0,4	12,4	0,4	12,4	1,8	55,8
Май	2,7	83,7	1,9	58,9	1,9	58,9	1,9	58,9	0,6	18,0	0,6	18,0	2,0	60,0
Июнь	2,9	87,0	2,2	68,2	2,2	68,2	2,2	68,2	0,9	27,9	0,9	27,9	—	—
Июль	2,9	89,9	2,2	68,2	2,2	68,2	2,2	68,2	1,8	55,8	1,8	55,8	—	—
Август	1,6	49,6	2,2	68,2	2,2	68,2	2,2	68,2	2,0	60,0	2,0	60,0	2,1	63,0
Сентябрь	2,0	60,0	—	—	2,4	72,0	—	—	2,4	74,4	2,4	74,4	2,2	68,2
Октябрь	2,2	68,0	—	—	4,0	124,0	—	—	2,0	60,0	2,0	60,0	2,2	68,2
Ноябрь	2,2	66,0	—	—	3,4	102,0	—	—	2,4	74,4	2,4	74,4	2,3	69,0
Декабрь	2,8	80,6	—	—	2,6	80,6	—	—	2,4	72,0	2,4	72,0	2,5	77,5
Январь	2,8	86,8	2,4	74,4	2,5	77,5	—	—	2,4	74,4	2,4	74,4	—	—
Февраль	2,8	78,4	2,4	67,2	2,6	72,8	—	—	—	—	—	—	—	—
Бир йилда жами	899,4	489,1	876,4	572,9	394,9	394,9	393,5	394,9	394,9	394,9	394,9	394,9	394,9	394,9

аралаш яйловларда бир суткада ўрта ҳисобда 6,4 кг дан кўк ўт еган, ўтни қуруқ хашакка айлантирганимизда 1,6 кг бўлади. Шунга яраша, сарфланган яйлов ўсимликларининг максимал миқдори 9,1 ва 2,8 кг ни ташкил қилган.

Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий тадқиқот институти томонидан бир талай тадқиқотлар асосида наслдор қоракўл қўйлар учун йилнинг айрим ойларида ҳар қўйга сарфланадиган яйлов ўсимликларининг суткалик нормалари ишлаб чиқилди. Бу нормалар қўйидаги жадвалда келтирилади.

И. В. Ларин қоракўл қўйлар томонидан йилнинг турли мавсумларидаги ҳар суткада ейиладиган яйлов ўсимликлари тўғрисида 1960 йили тўплаган материалларига асосан қўйидаги маълумотларни билдиради (14-жадвал).

14-жадвал

Қоракўл қўйлар томонидан йилнинг айрим мавсумларида ейиладиган яйлов ўсимликлари, ҳар қўйга кг ҳисобида

Қўйларнинг ёш гуруҳалари	Қўклам—71 кун		Ёз—138 кун		Қуз—86 кун		Қиш—70 кун	
	бир суткада	жами	бир суткада	жами	бир суткада	жами	бир суткада	жами
Етук қўчқорлар	2,1	149,1	2,2	303,6	2,3	197,8	2,5	176
Етук совлиқлар	2,1	149,1	2,3	317,4	2,4	206,4	2,5	175
Ўтган йил туғилган эркак қўзилар	2	142	2,2	303,6	—	—	2,5	175
Ўтган йил туғилган ургочи қўзилар	1,8	127,8	2,2	303,6	—	—	2,3	161
Шу йили туғилган эркак ва ургочи қўзилар	0,1	7,1	1	138	2,1	180,6	2,2	154

Қўйлар ейдиган яйлов ўсимликлари тўғрисида бу жадвалда келтирилган маълумотлар ёки нормалар Бутуниттифоқ қоракўлчилик институти таклиф қилган нормаларга анча яқиндир. Бинобарин, бу нормаларни амалда кенг қўлланса бўлади.

Хўжаликнинг яйловда асраладиган ҳамма қўйларига қанча озиқ (хашак-ўт) зарурлиги юқорида келтирилган жадваллардаги нормалар асосида ҳисоблаб чиқилади.

Қиш фасли ва кўклам бошида, яъни қоракўл қўйлар кўкатга ўтиб олгунча яйлов ўсимликларининг тўйимлилик даражаси пасаяди. Шу сабабли юқорида келтирилган жадвалларда бу мавсумлар учун қўйлар томонидан яйловда ейиладиган ўсимликларнинг энг кўп миқдори кўрсатилган.

Қоракўлчиликда қўйлар группа (тўда)лаб боқилади. Муайян нормалар юзасидан якка-якка боқиш усули эса фақат наслдор қўйларни, асосан наслдор қўчқор ва виставкага қўйиладиган қўйларни боқишдангина қўлланилади. Шу сабабли қўйлар томонидан яйловда ейиладиган ўт-хашакларнинг юқорида келтирилган нормаларидан ҳар қайси хўжаликда айрим ўторлар ва бутун хўжаликдаги қўйлар учун ўртача рацион тузишда фойдаланиш зарур.

Илғор хўжаликларнинг амалий тажрибаларига кўра, ўша маълумотларга асосан ҳамма қўйлар йилнинг барча мавсумларида озиқ билан қанчалик таъминланганлигини текшириб туриш ва бу қўйлар учун улардан энг кўп маҳсулот олишга ёрдам берадиган миқдорда ем-хашак ғамлаб қўйиш мумкин.

ЯЙЛОВЛАРНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА ОЗИҚ ЗАПАСИ

Чўл ва ярим чўллардаги табиий яйловларда молга озиқ бўладиган ўсимликларнинг ҳосил миқдори жуда ўзгариб туради. Яйловларнинг ҳосилдорлиги биринчи галда об-ҳаво шароитларига, асосан кеч кузги, қишки ва эрта кўкламги ёғинларнинг миқдорига боғлиқ. Кўклам фаслида эфемер ўтларнинг ўсиш ва ривожланиш суръатига ҳавонинг иссиқлик режими ҳам қаттиқ таъсир этади. Кўкламги ёғинлар етарли миқдорда ёғса ҳам, агар ҳаво совуқ бўлса, эфемер ўтлар мўл ҳосил бермайди. Ниҳоят, табиий яйловларнинг ҳосилдорлигига райондаги тупроқ шароитлари, яйловларни парвариш қилиш ва яхшилаш чоралари ҳам таъсир этади.

Мол ўтлатиш ҳамда пичан тайёрлаш учун экиб ўстирилган хашаки экинларнинг ҳосилдорлиги эса юқорида келтирилган шарт-шароитларгагина эмас, балки уларни ўстириш ва парвариш қилишда қўлланилган агротехника тадбирларига ҳам боғлиқ бўлади. Ярим чўл шароитида-

гина эмас, балки чўл шаронтида ҳам ҳайдашга ярайдиган лалми ерларда хашак экинларни илғор агротехника усулларида ўстириш йўли билан улардан муттасил мўл ҳосил етиштириш мумкин.

Яйловларнинг айрим мавсумлардаги ҳосилдорлигини белгилаш учун конкрет хўжалик ёки район, область, республика тадқиқот муассасаларининг маълумотларидан фойдаланиш керак. Ҳосилдорлик тўғрисида бевосита хўжаликнинг ўзида ва айрим мавсумларда тўпланган материалларни энг аниқ ва тўла деб ҳисоблаш лозим. Яйловларнинг ҳосилдорлигини улардаги ўсимликларни ўриб кўриш йўли билан ҳам аниқланса бўлади.

Қоракўлчилик хўжаликларининг ярим чўл текисликларидаги яйловларида қанча хашак запаси борлигини ҳисобга олиш усули Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий тадқиқот институти томонидан, чўл яйловларидаги хашак запасларини ҳисобга олиш усули эса Фанлар академиясининг Туркменистон филиали томонидан ишлаб чиқилди.

Агар текшириладиган территориядаги яйловлар типларга бўлинган бўлса, у ҳолда яйлов типларининг номини ёки процент нисбати аниқлангандан сўнг трансект (пайкал)лар белгилаб чиқилади. Территориянинг рельефи текис ва ўсимликлари майда бўлганида трансектларнинг кенлиги ва узунлиги 200 м гача, рельеф жуда нотекис ва ўсимликлар йирик ўт-буталардан иборат бўлганда эса, трансектнинг кенлиги камида 4 ва узунлиги 300—400 м қилинади. Трансектларни белгилашда уларнинг типи (улардаги ўсимликларнинг тур хиллари) яйлов территориясининг кўпчилик қисмига монанд келадиган бўлиши керак. Бошқача айтганимизда, ҳар бир трансект яйлов территориясининг аксари қисмини тасвирлайдиган бўлиши лозим. Яйловдаги ўсимлик запасларини белгилаш учун зарур бўлган трансектларнинг сони текшириладиган яйловларнинг типларига қараб белгиланади. Территориянинг масштаби 200 000 : 1 бўлганида, 10 км оралатиб параллел маршрутлар (ўтиш йўллари) солинади, сўнг-ра ўша йўллар бўйлаб бир-бирларидан 5—10 км узоқликда трансектлар ажратилади.

Трансектдаги бута ва йирик ўтлар санаш йўли билан ҳисобга олинади. Бунинг учун улар: йирик, ўрта, ўртачадан паст, ярим қуриган ва қуриган классларга бўлинади. Ҳар бир класс учун уч туп ўсимлик қирқиб ёки чилпиб

олиниб, унинг молга озиқ бўладиган қисми битта пакетга тўпланади ва ҳар пакетнинг устига этикетка ёпиштирилади. Баланд пояли ўсимлик ва буталарнинг молга озиқ бўладиган қисмлари ердан 1,2 м гача ҳамда 1,2—3 м гача баландликлардаги жойларидан кесиб олинади. Биринчи баландликдан олинган қисмларни ҳисоблаш натижаси қўйларга, кейинги иккала баландликдан олинган қисмларни ҳисоблаш якуни эса туяларга озиқ бўладиган запасни кўрсатади.

Трансектдаги озиқ запаси бир метрли майдончалардаги ўсимликларни ҳисоблаб чиқиш йўли билан аниқланади. Бу ҳисоблар 2—3—4 марта такрорланиши, яъни бир вақтнинг ўзида 2—3—4 майдончадаги озиқ запасларни ҳисоблаб чиқилиши мумкин.

Ҳўл ўсимликларни шу жойнинг ўзида тортиб кўриш маъқул, лекин ҳамма вақт ҳам, айниқса, яйловларни экспедиция йўли билан текширишда, тўпланган ҳўл ўсимликларни тарозида тортиб бўлмайди. Шу сабабли молга озиқ бўладиган ўсимликлар қуритилганидан кейин тарозида тортилиб, трансектдаги ўсимликларнинг ҳар бир группасидан тўпланган озиқ запаси ҳисоблаб чиқилади. Кейинчалик бу ҳисоб натижалари якунланиб, гектар ҳисобига айлантирилади.

Рельефи нисбатан текис бўлган шувоқ-эфемер ўтли яйловларда (масалан, Самарқанд областидаги Ўртачўлда) молга озиқ бўладиган ўсимликлар запасини айрим майдончалар бўйича аниқлаш мумкин. Бу майдончалар ҳам трансектлар учун белгиланган тартибда ажратилади. Ҳар бир майдончанинг катталиги $1 \times 2,5$ м қилиниб, улардаги озиқ запасини ҳисоблаш тўрт марта такрорланади. Бу ҳолда озиқ запаси ҳисоблаб чиқиладиган умумий майдон 10 м^2 бўлади ва шу майдондаги ҳамма ўсимликлар ўриб олинади. Шувоқ, янтоқ ва бошқа дағал пояли ўсимлик туплари 8—10, эфемер ўтлар эса 1—2 см баландликдан қирқилади. Озиқ запаси янада аниқроқ ҳисобга олинганида шувоқ туплари мол еядиган ҳамда емайдиган қисмларга ажратилади. Мол емайдиган қисмга ўтган йиллардан қолган ҳамма новда ва поялар киритилади, бунда уларнинг диаметри эътиборга олинмайди.

Озиқ запаси зоотехника усулида ҳисобга олинганида ўтган йиллардаги конкрет маълумотлардан фойдаланилади. Бунда яйловларнинг у ёки бу типда қанча қўй

Ўтори ўтлатилганлиги, қайси ўтор ва қандай зотлар қанча вақт боқилганлиги аниқланади. Сўнгра бу ўторлардаги қўйларнинг ўртача семизлик даражаси ва яйловлардаги қанчалик фойдаланилганлиги аниқлаб олинади. Бу усул қўлланилганида айрим ўторлар яйловда қандай асраётганлигини мавсумнинг бошидан охиригача синчиклаб кузатиб, бунинг натижаларини ёзиб бориш лозим.

Шу тариқа, яйловдаги озиқ запасларини икки усулда ҳисобга олиш мумкин. Хўжалик учун энг осон ва қулайи зоотехника усулидир, чунки бу усулни ишлаб чиқаришда бемалол қўллansa бўлади. Бунинг учун зоотехниклар ўторларнинг участкалардан фойдаланишини доимо ёзиб бориши керак.

Конкрет типдаги яйловнинг ҳосилдорлиги зоотехника усули билан қўйдагича аниқланади. Ялпи майдони 145 гектар келадиган ғалласимон ўсимликли участкада 45 кун, яъни 1 апрелдан 15 майгача 800 бош ахта қўчқорлар ўтори ўтлатилган (одатда, бундай яйловда битта қўй ҳар суткада 5 кг ўт ейди) қўйларни ўтлатиш натижасида яйловдаги ўтларнинг тахминан 50% ти сарфланган, бу яйловларнинг ҳосилдорлиги ана шу маълумотлар асосида аниқланади. Амалда бу ҳосилдорлик 24,8 ц бўлиши керак, чунончи:

$$\begin{aligned}800 \times 5 &= 4000 \text{ кг} \\4000 \times 45 &= 180\,000 \text{ кг} \\1800 \text{ ц} : 145 &= 12,4 \text{ ц}\end{aligned}$$

$12,4 \text{ ц} \times 2 = 24,8$ центнер (сўнги рақамга яйловдаги ўтларнинг қўйлар томонидан ейилмай қолдирилган 50 проценти киради).

Молга озиқ бўладиган ўсимликлар запасини аниқлашда табиий яйловларнинг ялпи ҳосилдорлигини улардан фойдаланиш мавсумларига тақсимлаб, яйловлардаги ўсимликларнинг қўйлар томонидан неча проценти ейилишини белгилаш муҳим роль ўйнайди. Сернам зоналарда яйловларнинг ялпи ҳосилдорлиги улардан фойдаланиш даврининг бошидан охиригача деярли бир меъёрда бўлади, қурғоқчил зоналарда эса бу ҳосилдорлик айрим мавсумларда кескин ўзгариб туради. Қурғоқчил чўллардаги эфемер ўсимликли яйловларда қўйлар эрта кўклам биринчи марта ўтлатилганидан кейин, бу ўсимликларнинг анғизи кўпинча жуда тез кўкаради. Кузга бориб бу эфе-

мерлар янгидан кўкариб ўсади, лекин баъзи йиллари кўкармай қолиши ҳам мумкин, шу сабабли қўйлар биринчи ўтлатилганидан кейин кўкарган анғиз ялпи ҳосилдорликка деярли таъсир этмайди.

Чўл ва ярим чўл яйловлардаги ўсимликларнинг қоракўл қўйлар томонидан ейилиш даражаси ва навбати яйлов ўсимликларини тўғри баҳолаш имконини берадиган ўлчовлардан бири ҳисобланади. Масалан, қоракўл қўйлар илакни ҳамма мавсумларда ёқтириб ейди. Аммо қўйлар томонидан ейилган илакни аниқ ҳисобга олиш натижалари қўйлар бу ўтнинг апрелда 76, январда эса 38% ни еганлигини кўрсатди. Қўйлар саксовулнинг 45% ни январда егани ҳолда, ёзда (майдан сентябргача) атиги 2% ни ейди. Айрим ўсимликларнинг ейилиш даражасини ва миқдорини билиб олиш қўйларни ўтлатиш учун бу ўсимликлардан тўғри фойдаланиш имконини беради.

Қоракўл қўйлар яйловдаги ўсимликларнинг ҳамма турларини улар ўса бошлаган ва гулга кирган даврда жуда ёқтириб ейди. Кўп ҳолларда қўйлар баъзи ўсимликларнинг ерга тўкилган уруғлари, новда парчалари ва барглари («хас») ни ҳам териб ейди.

Умуман олганимизда, қоракўл қўйлар яйлов ўсимликларининг атиги 50% дан фойдаланади. Шу тариқа, у ёки бу типдаги яйлов ўсимликларининг айрим мавсумлардаги ҳолати ва қўйлар томонидан ейилиш даражаси чўл яйловларидан фойдаланиш даражасига таъсир этувчи асосий омиллардан ҳисобланади.

Амалий тажрибаларга кўра, яйловларда қўйларнинг анча кучлироқ группалари (масалан, ҳали қочирилмаган ёш урғочи қўйлар) эмизикли совлиқларга нисбатан яйлов ўсимликларини 15—20% кўпроқ сарфлайди; бундан ташқари, табиий яйлов ўтларининг камида 20% ти топталиб ва қўй ахлатлари билан ифлосланиб ейилмайдиган ҳолатга келтирилади.

Яйлов ўтларидан фойдаланиш процентини аниқлаб олиш қоракўлчиликда жуда муҳим роль ўйнайди (15-жадвал).

Шуни ўқтириб ўтишимиз керакки, чўл зонасидаги яйлов ўсимликларидан фойдаланиш процентини катталиги $2 \times 10 = 20 \text{ м}^2$ келадиган майдонлар ажратиш йўли билан аниқлаш лозим. Бу майдонларнинг сони ўторни қудуқ ва қўтондан яйловга ҳайдаш доирасига қараб, ҳар 3—5 гектарга биттадан 300 м оралатиб белгиланади. Йилнинг

Ўрта Осиё чўл яйловларидаги ўсимликларнинг қўйлар томонидан ейилиш даражаси, ялли озиқ запасига нисбатан процент ҳисобида

Яйлов типлари	Қўйлар бошида	Қўйлар ўртасида	Ёзда	Кузда	Қишда
Майда хряшчли қумоқ ва қумлоқ чўллардаги шувоқ—эфемер ўтли яйловлар	58	68	31	57	47
Алча шўра ўтлар аралаш эфемер ўтли сийраклашган шувоқзорлар	42	25	12	63	61
Тақирлардаги шўра—эфемер ўтли яйловлар	44	50	25	59	54
Қатқалоқли мийин шўрхоқлардаги шўри ўтли яйловлар	44	6	5	67	65
Қатор тепали қумлардаги бутадағал—эфемер ўсимликли яйловлар (майдоннинг 50 проценти) билан тақирлардаги шувоқ—эфемер ўтлар аралаш яйловлар	45	47	36	43	50
Қумланган тақир каврак аралаш шўра—эфемер ўтли яйловлар	45	33	29	47	46
Қатор тепали қумлардаги бута дағал—эфемер ўсимликли яйловлар (майдоннинг 50 проценти) билан тақирлардаги чўл—эфемер ўсимликлар аралаш яйловлар	45	47	36	43	50
Қум келтирилмаларидаги йирик—эфемер ўтли яйловлар	40	56	45	53	51
Ўр—қирли—қатор тепали қумлардаги ва қумланган тақирлардаги шувоқ—эфемер ўтли яйловлар	54	47	28	47	49
Қум—тақир комплексдаги ярим бута—шўра—эфемер ўсимликли яйловлар	44	41	27	51	48

ҳамма мавсумларида яйлов ўсимликларидан фойдаланиш даражасини 50% деб ҳисоблаш мумкин.

Яйловлардан тўғри фойдаланиш учун у ёки бу участкада ўтлатиладиган ўторларнинг сонини белгилаб қўйиш жуда муҳимдир. Яйловнинг бир гектар майдонига қўйиладиган қўйларнинг сони қўйлар ўша майдондаги ўсимликлар билан тўйина олишини таъминлайдиган миқдорда бўлиши керак. Агар қўйлар ортиқча сонда қўйилса, яйлов ўсимликлари нормадан ортиқ сарфланади, шунга қарамай қўйлар чала тўйинади. Агарда яйловга қўйлар нормал сондан камроқ қўйилса, у ҳолда ўсимликларнинг

анчаси фойдаланилмай қолади, ортиқча ўсиб кетади, дагаллашади ва яйлов ишдан чиқади.

Яйловнинг бир гектарида қанча қўй ўтлатиш зарурлигини белгилаш учун ундаги қўйлар ейдиган ўсимликларнинг миқдорини, битта қўй томонидан бир суткада ейиладиган ўсимликларнинг нормасини ҳамда шу участкада қўйларни неча кун ўтлатиш мумкинлигини билиб олиш керак.

Яйловнинг ҳар бир гектаридан фойдаланиш нормасини қуйидаги формула билан ҳисоблаб чиқариш мумкин:

$$\Gamma = \frac{У}{Н \times П},$$

бунда: Γ — яйловнинг бир гектарида ўтлатиладиган қўйлар сонини;

$У$ — яйловнинг бир гектаридаги қўйлар ейдиган ўсимликлар ҳосилини, кг ҳисобида;

$Н$ — бир қўйнинг бир суткада ейдиган ўт нормасини кг ҳисобида;

$П$ — яйловдан фойдаланиш муддатини, кун ҳисобида ифодалайди

Гектар бошига 600 кг қуруқ хашак берадиган шuvoқ-эфемер ўтли яйловнинг ҳар гектаридан куз фаслида нормал фойдаланиш ҳисобини равшан қилиб кўрсатиш учун

16-жадвал

Яйловларнинг бир гектарида қўйларни ўтлатиш муддати¹, кун ҳисобида

Яйлов типлари	Яйловнинг ҳолати	Яйловнинг ҳар бир гектарида қўйлар ўтлатиладиган кунлар сони
Шўра ўтли яйловлар	асосий ўтлар	100
Шuvoқ-ғалласимон ўтли яйловлар	«	100
Саксовул—илак аралаш чўл яйловлари (кўкламда)	асосий ўт ва анғиз	50—80
Ярим бута—эфемер ўсимликли яйловлар (кўкламда)	асосий ўт	100
Ўт—ярим бута ўсимликли яйловлар (ёзда)	асосий ўт	93
Ярим бута—ўт аралаш яйловлар (кузда)	асосий ўт	68

¹ Бу маълумотлар қўйларнинг бошқа турлари (киер совлиқ ва бошқалар) учун ишлатилганида жадвалда кўрсатилган нормалар 1,5 баравар оширилади.

қуйидаги мисолни келтирамиз. Юқорида айтганимиздек, қўйлар яйлов ўтларидан 50 процент фойдаланади. Битта қўй бир суткада 2 кг қуруқ хашак ейди. Яйловда қўйлар 90 кун ўтлатилади. Формуладаги ҳарфларни тегишли рақамлар билан алмаштириб ҳисоблаганимизда қуйидаги натижа ҳосил бўлади:

$G = \frac{300}{2 \times 9} = 20$; демак, 1 гектар яйловда 20 бош қўй 90 кун ёки 150 бош қўй 1 кун ўтлатилади.

Юқоридаги 16- жадвалда яйловнинг бир гектарыда қўйларни ўтлатишга доир маълумотлар келтирилади. Ҳар бир конкрет ҳолда юқорида кўрсатилган усул билан бу жадвал рақамларини аниқлаштириш керак.

ЯЙЛОВ КОНВЕЙЕРИ

Яйлов конвейери деганда яйловларнинг ҳар хил типларидан навбатлаб фойдаланиш тушунилади. Бу тадбир туфайли қўйлар яйлов даврининг бошидан охиригача ўт билан яхши таъминланади.

Яйлов конвейерининг схемалари қўйларнинг айрим группалари томонидан ейиладиган яйлов ўтларининг миқдори, яйловларнинг ҳосилдорлиги, хўжаликдаги ҳамма қўйларнинг айрим мавсумлар (календарь муддаглар) да яйлов ўтига бўлган эҳтиёжи аниқланганидан кейин ишлаб чиқилади.

Чўл ва ярим чўл шаронти учун яйлов конвейерини ишлаб чиқишда бу конвейер қўйлардан энг кўп маҳсулот олишга ва яйловларнинг ҳосилдорлигини мумкин қадар узоқ вақт нормал ҳолатда сақлашга имкон берадиган бўлиши кўзда тутилади.

Қорақўлчилик хўжаликларида яйловларни навбатлашнинг қуйидаги асосий схемалари қўлланилади: қўйлар кўкламда — эфемер ўтлар сероб бўлган яйловларда; ёзда — ярим бута ва ўт ўсимликли яйловларда; кузда — шувоқ, шўра ўт ва бута ўсимликли яйловларда; қишда — бута, шувоқ ва шўра ўт аралаш яйловларда ўтлатилади.

Н. Т. Нечаева ва И. А. Мосолов маълумотларига мувофиқ, Туркменистоннинг қумли чўлида яйлов конвейерининг қуйидаги схемаларини қўлланиш тавсия қилинади (17- жадвал).

Туркменистон ССР чўллари учун яйлов конвейерининг тахминий схемалари

Яйловлардан фойдаланиш вақти	Қўйлар сўйдиган ўсимликлар ва уларнинг айрим қисмлари
Қумлардаги ўт-бута аралаш яйловлар	
Эрта кўклам (мартдан апрель охиригача)	Кўкламги ўтлар, асосан бир йиллик ўт ва арзимайдиган миқдорда саксовул аралаш илак
Кеч кўклам (май ойи, июнь боши)	Кўкламги ўтлар, қандим ва сингренинг кўк поялари
Ёз (июнь ўртасидан август охиригача)	Қуриб қолган кўкламги ўтлар ва арзимайдиган миқдорда саксовул
Куз (сентябрь, октябрь)	Қуриб қолган кўкламги ўтлар (сомон), шўра ўт аралаш буталар, асосан саксовул, черкез.
Қиш (ноябрь—февраль)	Қуриб қолган кўкламги ўтлар (сомон), шўра ўт аралаш буталар, боржок ва шўра ўт.

Майда бута, шувоқ-шўра ўтлар аралаш яйловлар

Эрта кўклам (март)	Ёш шувоқ барглари ва дастлабки кўкламги ўтлар.
Кўклам (апрель, май)	Ўтлар ва кўк шувоқ, қандим.
Ёз (июнь—сентябрь)	Қуриб қолган кўкламги ўтлар, майда буталар (қандим), патлоқ, черкез.
Куз ва қиш (октябрь—февраль)	Шувоқ, шўра ва қуриб қолган кўкламги ўтлар.

Яйлов конвейерининг у ёки бу схемасини белгилашда айрим ўсимликлар ўсадиган тупроқ-грунтларни эътиборга олиш керак. Енгил қум тупроқли ерлардаги яйловлардан қиш ва эрта кўклам фаслларида, хряш-шағал аралаш зич тупроқли ва оғир қумоқ тупроқли ерлардаги яйловлардан эса йилнинг илиқ фаслларида фойдаланиш яхши натижа беради. Шўрхоқ ва шўр ерлардаги яйловлардан кузда — ёғингарчилик бошлангунча ва қишда фойдаланиш маъқул кўрилади.

Қўйларни ўтлатишда яйловларнинг рельефи ҳам катта роль ўйнайди. Йилнинг ёғингарчилик кўп бўладиган совуқ мавсумларида қўйларни паст-баланд рельефли яйловларда ўтлатиш тавсия қилинади. Қум кўтармалари орасидаги теран чуқурликларда қўйлар қаттиқ ва совуқ шамоллардан яхши паналанади. Текисликлардаги яйловлардан йилнинг иссиқ ва илиқ мавсумларида фойдала-

иш керак. Бундай яйловларда шамол яхши эсиб турганида, қўйлар жазирама иссиқликдан қийналмайди.

Бироқ, баъзи хўжаликларда (масалан, Марказий Қорақумда) зарур типлардаги яйловлар бўлмаганидан, қорақўл қўйлар ёз ва қиш фаслларида йирик буталар билан қопланган қумтепаларда ўтлатилади.

Ўзбекистон учун яйлов конвейерининг қуйидаги схемаси тавсия қилинади (18-жадвал).

18-жадвал

Ўзбекистонда қорақўл қўйларни боқиб учун яйлов конвейерининг тахминий схемаси

Яйловларнинг типлари ва улардан фойдаланиш вақти	Қўйлар ейдиган ўсимликлар ва уларнинг айрим қисмлари
<p>Эрта ва кеч кўкламда: одатдаги эфемер ўтли, йирик ва эфемер ўтли—бута ва ўт ҳамда шувоқ—эфемер аралаш яйловлар.</p>	<p>Эфемер ўтлар, буталарнинг гуллари ва баргли шохчалари, шувоқ барглари.</p>
<p>Ёзда: одатдаги эфемер ўтли, йирик ва эфемер, шувоқ ҳамда эфемер, бута ва эфемер ўтлар аралаш яйловлар.</p>	<p>Қуриб қолган эфемер ўтлар («хас»), барча ўсимликларнинг барг ва уруғлари, бута ва ярим буталарнинг шохча учлари.</p>
<p>Кўзда: шувоқ ва эфемер, бута ва ўт аралаш шўра ўтли яйловлар.</p>	<p>Қуриб қолган эфемер ўтлар («хас»), барча ўсимликларнинг барг ва уруғлари, бута ва ярим буталарнинг шохча учлари, шувоқ ва шўра ўтлар.</p>
<p>Қишда: шувоқ ва эфемер, бута ва шўра ўтли яйловлар.</p>	<p>Шувоқ, шўра ўтлар, бута шохчалари, қуриб қолган эфемер ўтлар («хас»).</p>

Бу схемада шувоқ ва эфемер ўтлар ҳамда бута ва ўт аралаш яйловлардан йил бўйи фойдаланилади. Қахатчилик йилларда қорақўл қўйларни қишдагина эмас, ёзда ҳам қўшимча озиқ билан боқишни кўзда тутиш керак. Қўшимча озиқ ёки хашак шу жойдаги дағал пояли ўтлардан тайёрланади.

Ўзбекистон, Туркменистон ва Тожикистоннинг тоғ этакларидаги ярим чўлларда, шунингдек Жанубий Қозоғистонда яйлов конвейерига экиб ўстирилган бир йиллик ва кўп йиллик ўт экинлари ҳам киритилиши мумкин. Қўйларни бу экинларда ва табиий яйловларда навбатма-нав-

бат ўтлатиш керак. Экиб ўстирилган ўтларга қўйлар ўз вақтида қўйилганида, уларнинг анғизи анча тез ва яхши кўкаради.

ҚОРАҚҮЛ СОВЛИҚЛАРНИНГ МАҲСУЛДОРЛИГИ ВА СЕРПУШТЛИГИГА УЛАРНИ ОЗИҚЛАНТИРИШНИНГ ТАЪСИРИ

Қоракўл қўйлар урчитилаётган жойдаги у ёки бу макро ва микрорайонларнинг табиий шароитлари таъсирида қўй зотининг ўзига хос хусусиятлари ўзгаради. Масалан, Самарқанд областининг Норпой районидаги «Қарноб» давлат наслчилик заводида яхши семирган 4—6 ёшлик қоракўл совлиқларнинг ўртача вазни 45 кг келгани ҳолда, Сирдарё областининг К. А. Тимирязев номли совхозида зоти, ёши ва семизлик даражаси «Қарноб» совхозидаги сингари бўлган совлиқларнинг вазни 55—60 кг га етади.

Қоракўл қўйларни боқиш ва асраш шароитлари улар урчитиладиган айрим географик зоналарда ўтлатиш даврининг узун-қисқалиги билан фарқ қилади.

Қоракўл қўзиларнинг тери сифати ҳам биринчи галда урғочи қўйларни қочирнишдан олдинги даврда, айниқса бўғозлик даврида озиқлантириш ва асраш шароитларига боғлиқ бўлади.

И. Я. Аверьяновнинг тадқиқот натижаларига кўра, қишловдан чала озиқланиб чиққан совлиқлар бўғозлик даври охирида яхши боқилганида кавказбоп, гулдор (фигурний) ва партион терили қўзилар кўпроқ, юпқа қаламгул терили қўзилар камроқ туғилади. Совлиқлар бўғозлик даври охирида чала озиқлантирилганида юпқа қаламгул терили қўзилар кўпаяди, кавказбоп, шунингдек гулдор ва партион терили қўзилар бирмунча камаяди.

Совлиқлар бўғозлик даврининг бошидан охиригача серҳосил кузги яйловларда ўтлатилиб, кўплаб қўзилай бошлаган даврда асосан, кўк ўт билан боқилганида қоракўл тери сифати анча яхшиланади. Совлиқлар бундай боқилганида аъло сифатли қоракўл тери берадиган қўзилар кўпайиб, қалин қаламгул терили қўзилар камаяди.

Бу қуйидаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибди.

Қочирилган пайдан то қўзилаш давригача турли шароитларда озиқлантирилган бир хил группалардан олинган қоракўл тери сортлари, процент ҳисобида

Совлиқларнинг характеристикаси	Қаламгул сортлар			Кавказбоп билан канада сортлари			
	қалин	юпқа	жами	кавказбоп қалин канада сортлари	кавказ боп юпқа	жами	
Улус совлиқлари	«Улус» совхозид	23,1	11,6	34,7	26,4	11	37,2
	«Муборак» совхозида	12,5	31,3	43,8	1,6	9,4	11
Муборак совлиқлари	«Улус» совхозид	27,8	17,7	45,5	23,4	10,3	34,2
	«Муборак» совхозида	7,6	43	50,6	4,2	8,3	12,5

Қашқадарё областининг «Нишон» совхозида совлиқлар 20—25 мартдан қўзилай бошлаган. 15—20 февралдан қўзилатиш даврининг охиригача бўғоз совлиқлар серсув кўк ўт билан тўйдириб боқилган. Бундай боқиш ҳомила (эмбрион)нинг ривожланишига яхши таъсир этгани ҳолда, қоракўл терининг сифатини пасайтирган. Қоракўл териларининг жуни ортиқча ўсган йирик жингалакли ва қалин гўштпарда (мездра) ли бўлган. Бу аҳволни эътиборга олиб, хўжаликда совлиқларни қочириш муддати 25 дан 1 октябрга кўчирилган. Натижада қоракўл терининг юпқа сортлари кўпайиб, учинчи сорт терилар 16,2 дан 9 процентгача камайган.

Совлиқлар энг қулай шароитда озиқлантирилганидагина уларнинг асосий ирсий хусусиятлари авлодларига ўтади, шу билан бирга наслчилик, танлаш, жуфтлаш ва бошқа зоотехника тадбирлари натижаларини тўғри баҳолаш мумкин бўлади.

Яйловда ўтлар камчил бўлиб қўйлар, айниқса бўғоз совлиқлар йил мобайнида яйлов ўтларига тенг келадиган озиқ билан бир меъёрда таъминланмаган йилларда майда жингалакли қўзилар кўпроқ туғилади, қоракўл терининг гўштпардаси юпқаради, шаклсиз ва қуруқ жунли терилар сони кўпаяди, биринчи сорт терилар камаяди.

Биринчи сорт қорақўл териларнинг чиқишини йилдан-йилга кўпайтириб бориш учун, қорақўлчилик хўжаликларида наслчилик ишини, шунингдек қорақўл қўйларни яйловда озиқлантириш ва асраш усулларини тобора яхшилаш зарур.

НАСЛ ҚҶЧҚОРЛАРИНИ БОҚИШ ВА АСРАШ

Наслдор ва синоқчи қўчқорлар ҳам ўтордаги бошқа қўйлар сингари йил бўйи яйловларда асралади. Бироқ, уларни ўтлатиш учун энг яхши яйловлар ажратилади.

Насл қўчқорлари совлиқлар билан жуфтлаштирилмаган даврда уларга ҳар суткада 1,2 озиқ бирлиги, 99 г ҳазм қилинадиган протеин, 10—15 г туз, 7—11 г кальций, 4—6 г фосфор ва 14—40 мг каротин берилади. Бу моддаларнинг ҳаммаси биргаликда яйловдаги қуруқ хашакнинг 2,6 кг га тенг келади; агар бу хашакнинг тўйимлилик даражаси қўчқорларнинг эҳтиёжини қондирмаса, уларга яна 0,4 кг дан ем берилади.

Қочириш даврига бир ой қолганида насл қўчқорларига яйлов ўтларидан ташқари ҳар суткада 0,8—1 кг ем, шу жумладан 0,1—0,2 кг майдаланган тариқ ва 0,1—0,2 кг чигит кунжараси берилади. Насл яхшиловчи энг қимматли қўчқорларга юқорида келтирилган озиқлардан ташқари сут ва товўқ тухуми ҳам бериб турилади.

Рационнинг умумий тўйимлилик даражаси яйлов ўтлари ва ем ҳисобига тўлдириб турилади. Агар рационда кальций ва фосфор етишмаса, бу камчилик озиқ рационига тегишли минерал модда қўшиш йўли билан барта раф қилинади.

Насл яхшиловчи қўчқорларнинг қочириш давридаги суткалик рацион сули ва қуруқ беда қўшиш йўли билан тўлатилади. Улар куннинг кўпроқ қисмида яйловда ўтлатилади.

Рационнинг тўйимлилик даражаси асосан унга қуруқ беда ва ҳайвонот маҳсулотларидан тайёрланган озиқларни қўшиш йўли билан тўғриланади.

Синоқчи қўчқорларни ҳам қочириш кампаниясига пухта ва ўз вақтида тайёрлаш зарур. Қочириш даврига 1,5 ой қолганида синоқчи қўчқорларга ҳар суткада 0,5—0,8 кг дан ем бериб туриш керак. Қочириш даврида истаганича яхши пичан ва 0,8—1 кг ҳисобидан ем берилади.

Қочириш бошланишидан олдин совлиқлар қўчқорларга биркитиб қўйилади. Планга мувофиқ, насл қўчқорлари сунъий қочириш пунктларига тақсимланади ва ўторларга биркитиб қўйилади.

Қўчқорларни бир жойдан иккинчисига жойлашда улар лат еб, жароҳатланиб қолишига йўл қўймаслик керак. Улар ҳайдаб ўтиладиган йўлларни дастлаб санитария жиҳатидан текшириб чиқиш зарур. Бу йўллардан фақат синоқчи қўчқорларгина ҳайдалиб, насл қўчқорлари автомашинада ташилади. Совлиқларни қочириш вақтида қўчқорлар алоҳида базада асралади, уларни парвариш қилиш вазифаси бош чўпонга юкланади. Қўчқорлар очиқ ҳавога чиқарилиб, ҳар суткада 3—5 соат яйратилади. Ҳамма қўчқорлар йил мобайнида завод семизлигида бўлиши керак. Қўзилатишни жадаллаштириш ва йилнинг иссиқ вақтларида чоптириш учун ажратилган қўчқорлар кун тифасидан ҳимояланиши керак, акс ҳолда улар паст сифатли сперма (шаҳват) беради.

СОВЛИҚЛАРНИ БОҚИШ ВА АСРАШ

Совлиқларни боқиш қочиришдан олдинги, қочириш, бўғозлик ва эмизиш даврларига бўлинади. Қочиришдан олдинги ва қочириш даврида совлиқларнинг вазни ҳар ойда 3—4 кг дан ошиб борса шунга яраша уларнинг серпуштлиги ҳам кўтарилади. Агар бу даврда совлиқларнинг вазни ўзгармаса ва ҳатто камайса, у ҳолда серпуштлиги ҳам ошмайди. Бинобарин, совлиқларнинг серпуштлиги ва ҳар 100 совлиқдан олинадиган қўзиларнинг сони уларнинг умумий ҳолати— семизлик даражасига ҳам боғлиқ.

Чўл ва яримчўл районларида совлиқларни қочиришга тайёрлашнинг энг арзон ва самарадор усули уларни янги яйловларда ўтлатишдир. Бунинг учун қўшор ва стационар сунъий қочириш пунктларидан мумкин қадар узоқроқдаги яйловлардан фойдаланиш зарур. Сунъий қочириш пунктлари ёнидаги яйловларда қўйларни фақат уруғлантириш (сунъий қочириш) давридагина ўтлатиш керак. Агар қўйлар ихтиёрий тартибда қочирилса, бу ҳолда ҳам улар дастлаб қўшор ва қудуқлардан анча узоқроқдаги яйловларда ўтлатилади. Анча совуқ мавсумларда ҳамда ёгин-сочинли кунларда қўшор ва сув манбалари ёнидаги яйловлардан фойдаланилади. Қўйларни озиқлантириш шароитини яхшилаш учун кўчма

сунъий қочириш пунктларидан фойдаланиш маъқул кўрилади.

Бирор сабабга кўра яхши яйловлар бўлмаса, қўйларни яйловда ўтлатишдан ташқари, дағал пояли жайдари ўсимликлар ва емдан тайёрланган қўшимча аралаш озиқ билан ҳам боқиш зарур. Бериладиган қўшимча ем-хашакнинг миқдори совлиқларнинг ҳар суткада камида 100—200 г семиришини таъминлайдиган бўлиши лозим. Бироқ бунда шуни эътиборга олиш керакки, қўзиларидан ажратилган ва гўшт учун брак қилинган совлиқлар яйловдаги қуруқ ўтлардан яхши фойдаланиб, яхши семиради. Бунга эришмоқ учун қўйларни яйловларда асраш ва ўтлатиш режимига аниқ риоя қилиш зарур. Совлиқларни қочиришга тайёрлаш ва қочириш даврларида қўшимча ем-хашак кўпинча нимжон қўйларга берилади. Ўтлатиш ва суғориш ишлари тўғри уюштирилганида бу қўйлар табиий яйловларда ҳам яхши семиради.

Куюккан совлиқларни танлаб олиш 1,5 соатдан узоққа чўзилмаслиги лозим. Бу пайтда ўтор «безовта қилинганида» совлиқлар жуда чарчаб қолади ва этдан туша бошлайди. Қочириш даврида совлиқларнинг семизлик даражаси пасайиш эмас, балки ортиши керак. Совлиқларнинг этдан тушишига йўл қўймаслик учун битта сунъий қочириш пунктига кўп деганда иккита ўторни жойлаш тавсия қилинади. Бу ўторларни сунъий қочириш пунктидан 2—3 км масофада асраш мумкин. Совлиқларни сунъий қочириш учун бундай масофадан ҳайдаб келиш уларнинг семизлик даражасига ва уруғланиш процентига деярли таъсир қилмайди.

Ҳар бир ўтор учун ажратилган участкаларнинг ҳаммасидан бирданига фойдаланиш ярамайди. Уларни загон (тахта)ларга бўлиш ва ўторни ҳар кун илгари қўйлар ўтлатилмаган янги загонда боқиш керак. Шунга яраша яйлов территориясида қўйларни ҳайдаб ўтиш йўлларини ҳам белгилаб қўйиш зарур. Совлиқларни сунъий қочириш вақтида ўтлатиш режимига алоҳида эътибор бериш лозим. Бундай қилинганида, қочириш вақтида совлиқлар этдан тушмайди, балки семиради, натижада эгизак қўзилар сони ҳийла кўпаяди. Шу билан бирга совлиқларни ортиқча ҳайдаб, чарчатиб қўймаслик ва кун сайин суғориб туриш зарур.

Бухоро областидаги «Конимех» давлат наслчилик заводининг бош чўпони Ёқуббой Собиров ҳатто қаҳатчи-

лик йилда ҳам қорақўл совлиқларни тўғри ўтлатиш йўли билан ажойиб ютуқларга эришди.

Одатда, Ўрта Осиё шароитида қўйларнинг озиқ рационини ўтлатиш ишини тўғри уюштириш йўли билан тартибга солинади. Совлиқларни қочиришдан олдинги ва қочириш даврларида қарамашақ, қўнғирбош, арпағон, каврак, сета, чоғон ва донашўр аралаш ўтлар ўсадиган яйловларда ўтлатиш энг яхши ҳисобланади. Совлиқларни бундай ўсимликли яйловларда ўтлатиш эгизак қўзилар сонини кўпайтириш ва қўйларнинг иштаҳасини оширишга анчагина ёрдам беради. Бу ўсимликлар яйловнинг ҳамма жойида бир меъёردа ўсмайди, шунинг учун қўйлар ўтлатиладиган участкаларни суткада бир неча марта алмаштириб туришга тўғри келади. Қорақўлчи чўпонларнинг кўп йиллик тажрибаларига кўра, қорақўл совлиқларни қочиришдан олдинги ва қочириш даврларида қўшимча ем-хашак бермасдан фақат яйловда боқиниш йўли билан уларнинг серпунтлигини анча ошириш мумкин.

Куюккан совлиқлар икки карра танланганида уларни яйловда озиқлантириш масаласига алоҳида эътибор бериш керак. Куюккан совлиқларни икки карра танлаш усули улар ортиқча вақт қочмай юришининг олдини олиш учун қўлланилади. Бироқ бу усул совлиқларнинг умумий ҳолати ёмонланишига ва этдан тушишига сабаб бўлади. Шунинг назарда тутиб, куюккан совлиқларни икки карра танлаш ва қочириш усулини фақат яйловлар серўт бўлганидагина қўлланиш мумкин. Бироқ бу тадбир совлиқларнинг серпунтлигини ошириш ва қочмай ортиқча юриш вақтини қисқартишга унчалик таъсир қилмайди.

Совлиқларни қочиришга тайёрлашда, уларнинг фақат битта қўзини эмизиб ўстирганлиги, бошқа серпунт совлиқлардан туғилиб тери учун сўйилган қўзиларни эмизганлиги ҳисобга олинади. Уларни мўл-кўл озиқлантириладиган группаларга ажратиш ва яхшилаб парвариш қилиш зарур. Кўп ҳолларда қўшимча озиқ билан боқиладиган группалардаги совлиқлар яхши парвариш қилинмаганлиги сабабли, қўшимча ем-хашак берилмай яйловда ўтлатилган совлиқларга нисбатан камроқ семиради. Бундай совлиқларга, уларнинг семизлиги ўтордаги ўртача даражага етгунча, ҳар суткада 0,4 кг дан қўшимча ем бериб турилади. Аммо бундай қўйларни парвариш қилиш ва асраш шароитларини дастлаб яхшиламасдан

туриб, уларни алоҳида группага ажратиш маъқул кўрилмайд.

Қочириш учун яхшилаб тайёрланган совлиқлар тез ва қийғос куюкади. Бунга эришилганида сунъий қочириш ва кейинчалик қўзилатиш энг қисқа муддатда ўтади. Бу эса қўзиларнинг бақувват бўлиб туғилиши ва яхши ривожланишини таъминлайди. Бундан ташқари, қишгача яхши семиртирилган қўйлар деярли нобуд бўлмай бешикаст қишлаб чиқади.

Юқорида айтганимиздек, Ўрта Осиё республикалари ва Жанубий Қозоғистондаги қўйлар йил бўйи яйловда асралади. Бинобарин, бўғоз ва эмизикли қорақўл совлиқларни яйловда боқишда яйловларнинг мавсумийлигини ва улардаги ўсимликларнинг ҳолатини алоҳида ҳисобга олиш керак. Бундай совлиқларни бўғозликнинг дастлабки даврида пастроқ сифатли яйловларда, бўғозликнинг иккинчи ярмида ва қўзиларни эмизиш даврида эса яхшироқ яйловларда ўтлатиш зарур. Агар бу даврда яйлов ўтлари етишмаса, у ҳолда совлиқларга қўшимча ем, яхши пичан ва силос бериб туриш керак. Бўғозликнинг иккинчи даврида вазни 50 кг келадиган совлиқларга ҳар суткада 1,2 озиқ бирлиги, 104 г ҳазм қилинадиган протеин, 7,5—10 г кальций, 3,5—5,5 г фосфор, 20—25 мг каротин, соғиш даврining биринчи ярмида эса—2 озиқ бирлиги, 178 г ҳазм қилинадиган протеин, 7—9 г кальций, 4,2—5,8 г фосфор, 15—20 мг каротин бериб туриш талаб этилади.

Бўғозликнинг биринчи даврида ҳомила (она қорнидаги қўзичоқ) секин ривожланади ва унинг ўсиши ҳамда ривожланиши учун жуда кам озиқ модда сарфланади. Бўғозликнинг иккинчи даврида ҳомиланинг ўсиши ва ривожланиши жадаллашади. Бу даврга келганда совлиқларнинг ҳар суткада сарфланадиган оқсилга бўлган эҳтиёжи тахминан 30%, умумий ем-хашакка бўлган эҳтиёжи эса 25% ортади. Бунда яна шуни назарда тутиш керакки, бўғоз совлиқларга ҳар суткада катта ҳажмли озиқ (жумладан хашак) бериш унчалик маъқул кўрилмайд. Чунки бундай озиқ совлиқнинг меъдасини кенгайтириб бачадондаги ҳомилани сиқади, бу эса ҳомиланинг ривожланишига ёмон таъсир этади. Бу даврда совлиқларни кичкина ҳажмли ва тўйимли озиқ моддалар ҳамда яйлов ўтлари билан боқиш зарур.

Қорақўл совлиқларни бўғозликнинг бу даврида эфе-

мер ўтлардан тайёрланган майин пичан ёки янтоқ пичани, ём, минерал озиқ ва витаминлардан тайёрланган аралашма билан боқиш яхши натижа беради. Бўғоз қоракўл совлиқлар учун энг яхши қўшимча озиқ яхши бедадан тайёрланган пичан ҳисобланади, бу пичан ҳар суткада 1 кг дан бериб турилади. Бундан ташқари, суткалик рационга 0,5 кг миқдорда юқори сифатли силос қўшиш ҳам жуда яхши фойда қилади. Бўғоз совлиқларни паст сифатли, айниқса могорлаган ва қўланса ҳид келиб турадиган пичан, шунингдек сифатсиз силос билан боқиш ярамайди.

Қоракўлчиликда қўйлар фақат группа (тўда)лаб боқилади. Ём-хашак бирданига бутун ўторга ёки қўйларнинг муайян группасига тарқатиб берилади. Қўйларни группалаб боқишда ҳар суткада бериладиган ём-хашакнинг ўртача нормасини белгилаш, бутун ўторга озиқ рациони тузиш учун озиқлантириш нормалари асос қилиб олинади.

Қоракўл совлиқларнинг биринчи сут бериш (лактация) даври улар кўкламги эфемер ўтлар билан озиқланган вақтга тўғри келади. Бироқ, эфемер ўтлар ва бошқа кўкат ўсимликлар баъзи йиллари бу даврда яхши ривожланмайди. Қаҳатчилик йилларда совлиқларнинг сути камаймаслиги учун, бу даврда уларга ҳар суткада 0,3 кг дан ём, шу жумладан 0,1 ёки 0,15 кг чигит кунжараси бериб туриш керак. Бундай қилинганда совлиқларнинг сути кўпаяди. Қўзилар туғилганидан кейин 1,5 ой мобайнида фақат онасининг сути ҳисобига ривожланади. Демак, совлиқларни сут бериш даврида тўйдириб озиқлантириш қўзиларнинг яхши ўсишини таъминлайди. Яна шуни эсда тутиш керакки, дурустгина семирган совлиқлар, этдан тушган совлиқларга нисбатан қўзиларни яхшироқ боқади. Бинобарин қоракўлчилар совлиқларни бўғозлик даврида боқиб, қўзилатишга тайёрлаш ва сут беришнинг биринчи даврида тўйдириб озиқлантириш масалаларига алоҳида эътибор беришлари зарур.

Қоракўл қўйлар қишки яйлов рационидан норма билан белгиланган озиқ моддаларнинг тахминан 50% идан фойдаланади. Совлиқларга бу даврда қўшимча озиқ бериб турилмаса, уларнинг семизлик даражаси 15—45% пасаяди. Тажрибаларга кўра, қоракўл совлиқларнинг кузги вазни қочириш даврига келиб 15% гача камайиши деярли зарар қилмайди, аммо бундан ошиқча камайганида

улардан олинадиган маҳсулот сифати ҳийла пасаяди. Шунини уқтириб ўтишимиз керакки, ҳатто қишки яйловлар яхши бўлганида ҳам совлиқларнинг физиологик эҳтиёжлари тўла қондирилмайди ва уларга ҳамини қўшимча ем-хашак бериб туришга тўғри келади. Шу сабабли, совлиқларнинг семизлик даражасини доимо кузатиб туриш керак, чунки улар қанча семиз бўлса, шу даража кўпроқ ва яхшироқ маҳсулот олинади.

СЖК билан эмланган серпушт совлиқларни боқиш ва асрашда алоҳида тартиб қўлланилади. СЖК билан эмланадиган совлиқлар яхши семирган ва бу семизлик бутун йил бўйи бир меъёрга сақланадиган бўлиши зарур. Бу совлиқларни қочириш олдидан серсув кўк ўтли яйловларда ўтлатиш керак. Қочиришга 45 кун қолганида ва қочириш даврида совлиқларни безовталамаслик ҳамда мунтазам суратда суғориб туриш керак. Бундай қилинганда улар яхши уруғланади.

Серпушт совлиқлар январдан бошлаб алоҳида гурпулада асралиши ва уларга яйлов ўтларидан ташқари ҳар суткада 400 г ем бериб турилиши керак. Қўйларни яйловда ўтлатиб бўлмайдиган ёгин-сочинли кунларда ҳар совлиққа 2 кг яхши сифатли майин пичан, 400 г ем ва 10 г туз берилади. Уларнинг бу даврдаги суткалик нормаси 1,2 озиқ бирлиги, 104 г ҳазм қилинадиган протеин, 8 г кальций, 5 г фосфор ва 50 мг каротиндан кам бўлмаслиги шарт.

Серпушт совлиқларга ҳар суткада 0,5—1 кг ҳисобидан маккажўхори силоси бериш ҳам жуда яхши таъсир қилади. Бу ҳолда қорақўл терининг, жумладан биринчи сорт терининг сифати деярли пасаймайди. Совлиқлар яхши силос билан боқилганида авитаминоз (босқоқ) касаллигига учрамайди.

Қорақўлчиликда қўзилатишни жадаллаштириш ва СЖК билан эмлаш усуллари жорий қилинганда совлиқларнинг ем-хашак ва бинолар билан таъминланган бўлишига алоҳида эътибор бериш лозим. Ҳар совлиққа бир йилда бериладиган ем нормасини 15 дан 40 кг гача ошириш ҳамда етарли миқдорда пичан ғамлаб қўйиш зарур.

Чўл ва ярим чўл яйловларда ўсимликларнинг таркибидаги протенн ва минерал моддалар ёзда, айниқса қиш фаслида анча камаяди, натижада шу даврларда ўсимликларнинг тўйимлилик даражаси ҳийла пасаяди. Шу

сабабли бўғоз, айниқса серпушт совлиқларни бўғозликнинг иккинчи ярмида, эрта муддатларда қўзилатилган совлиқларни эса эмизикли даврида қўшимча ем ва силос билан боқиш керак. Сермахсул қорақўл совлиқларни боқиш ишларини уюштиришда маҳаллий хусусиятларни ва йилнинг ҳар мавсумидаги об-ҳаво шароитларини эътиборга олган ҳолда, оширилган озиқ нормаларидан фойдаланиш лозим.

ҚЎЗИЛАРНИ ОНАЛАРИДАН АЖРАТГУНЧА БОҚИШ ВА АСРАШ

Янги туғилган қўзилар биринчи марта оналарининг оғиз сути билан боқилади ва айни вақтда совлиқларнинг сут миқдори текшириб кўрилади. Бу ишларни бош чўпон шахсан ўзи бажаради. Одатда ҳар бир ўторда елин оғриғи ва бошқа касалликларга учраган совлиқлар бўлади. Бундай совлиқлар ҳатто битта қўзини ҳам эмиза олмайди. Шу билан бирга эгизак қўзили ёки камсут совлиқлар ҳам учрайди. Агар бу эгизак қўзилар бонитировка вақтида сўйишга лойиқ топилса, териси учун сўйилади. Агарда эгизак қўзилар ургочи бўлса, уларни сўйиш маъқул кўрилмайди. Бу қўзилар эмизиш учун қўзилари сўйилган совлиқларга қўшилади.

Агар соқмонлар (эмизикли совлиқ ўторлари) тўғри боқилса, совлиқлар қўзилаётган давр охирига келиб етим қўзилар бўлмайди ва қўзиларнинг ҳаммаси бир меъёрда ривожланади. Етим қўзиларни қўлда сут ичириб ўстириш анча қийин бўлганидан, уларни қўзилари тери учун сўйилган совлиқларга ўргатиш зарур. Аммо бундай қўзиларни эгасизлантирилган (бетайин) совлиқларга ўргатиш ярамайди. Шу билан бирга анча улғайиб қолган етим қўзиларни бошқа совлиқларга ўргатиш жуда қийин бўлганидан, чўпонларнинг асосий вазифаларидан бири қўзиларни эмизиш устидан донмо кузатиб туриш ва қўзиларнинг етим қолишига йўл қўймасликдан иборат бўлмоғи лозим. Қўзилар фақат 20 кунлик пайтдан эътиборан яйловдаги ўт баргчаларини чимчалай бошлайди. Эмизикли совлиқларни яхши озиқлантириш керак, бундай қилинганда қўзилар тез ўсиб яхши ривожланади.

Қорақўлчилик колхоз ва совхозлари совлиқлар қўзилатилаётган даврда 1—3 кунлик қўзиларни бонитировкадан ўтказишлари керак. Улар 15—20 кунлик бўлганда яна бир марта бонитировка қилинади. Ҳар бир қўзини

бонитировка қилиш вақтида унинг терисидаги жингалакларнинг сифатига, жингалаклардаги жунларнинг тур-хили ва сийрак-зичлигига, калла, оёқ ва қорин соҳаларидаги жуннинг узун-қисқалигига, терининг қалин-юпқалигига ҳамда қўзининг конституциясига алоҳида эътибор бериледи. Бонитировкадан ўтказилиб асраш учун қолдирилган қўзилардан, уларнинг ёшига қараб, соқмонлар ташкил қилинади.

Амалий тажрибаларга ва зоотехникларнинг кўпдан-кўп кузатиш натижаларига кўра, соқмонларни тўғри ташкил қилиш қўзилатиш давридаги энг муҳим ишлардан бири ҳисобланади. Одатда, кичкина соқмонларда, катта соқмонлардагига нисбатан, қўзилар ўз оналарини қийналмасдан топиб олади. Катта соқмонларда нимжон қўзи онасини йўқотиб қўйса, тезда топиб ололмайди, топганидан кейин яна йўқотиб қўяди. Натижада совлиқнинг елинида ортиқча сут тўпланиб, қўзи сутни ҳаддан ташқари кўп эмади, бундай қўзи ичкетиш касалига учрайди ва заифланади. Қўзи онасининг сутини сийрак эмиши сабабли совлиқнинг сутни тобора камаяди, у қўзисига парвосиз қарай бошлайди ва кўпинча уни ташлаб кетади. Шунинг учун қўзилар кичкина соқмонларда яхшироқ боқилади



Самарқанд областидаги «Коммунизм» колхозининг соқмони.

ва соқмончиларга тўланган меҳнат ҳақи ортиғи билан қопланади. Лекин ҳар соқмондаги қўйлар ўзининг ёши, ривожланиши ва совлиқ даражаси жиҳатидан нисбатан бир хил бўлиши лозим.

Бироқ, яхши ривожланган, йирик жуссали, бақувват ва соғлом қўйлар кичкина соқмонларда узоқ вақт асралса, ортиқча меҳнат ва маблағ сарфланади. Бинобарин, қўзи ва совлиқларни тўғри боқиш ва тўғри асраш учун, соқмонларни ташкил қилишда юқорида келтирилган омилларни, албатта, эътиборга олиш зарур. Қўзиларнинг ёшига ва сонига қараб: 3 кунликкача қўзиларнинг 10—30 тасидан; 3 дан 10 кунликкача қўзиларнинг 30—50 тасидан; 10 кунлик ва ундан каттароқ қўзиларнинг 50—200 тасидан бир соқмон ташкил этиш тавсия қилинади.

Қўзиларни кичкина ёшлардаги соқмонлардан катта ёшлардаги соқмонларга кўчиришда ҳар бир қўзининг соғлиқ ҳолати ва ривожланиш даражасини эътиборга олиш зарур. Нимжон қўзиларни кичик ёшдаги соқмонлардан катта ёшдаги соқмонларга кўчириш тавсия қилинмайди. Совлиқлар қўзилари билан бирга кичик ёшдаги соқмонларда қанча узоқ вақт асралса, қўзилари шу даража яхшироқ ривожланади.

Шу билан бирга турли соқмонлардаги қўйлар аралашиб кетмаслигини кузатиб туриш керак. Соқмондаги қўзи ва совлиқлар «Она-бола» қилиш йўли билан текшириб кўрилади. Соқмонда ориқ ва оч қолган қўзи борлиги аниқланганида, бу қўзини доимо кузатиб, яъни у ўз онасини топиб олишини, онаси боласини эмизишини, унинг сути қўзисини тўйдириш учун етарлик бўлиши ёки етишмаслигини текшириб туриш керак. Қўзи ва совлиқлар қўзилаштиш даврининг охиригача текшириб турилади. Текшириш вақтида оналарини йўқотиб қўйган қўзилар борлиги аниқланганида, уларни бошқа совлиқларга ўргатиш зарур. Агар бунга эришиб бўлмаса, бундай қўзиларни қўй сути билан қўлда боқиб ўстириш керак. Қўзиларни қўлда сут ичириб ўстириш кўп вақт ва кўп меҳнат талаб этадиган жуда қийин иш. Шу сабабли, қўзиларни оналаридан ажратишгача эмизиб ўстиришга ҳаракат қилиш керак.

Алоҳида парвариш қилиш зарур бўлган нимжон қўзиларни айрим соқмонга ажратиб, ундаги совлиқларга яйлов ўтларидан ташқари ем ёки сифатли пичан бериб туриш зарур. Нимжон қўзиларни нобуд қилмай сақлаб қолиш ва ўстириш учун уларга ҳар суткада 0,2 кг ҳисоби-

дан ем бериб турилади. Тахминан бир ҳафтагача бу қўшимча ем қўзиларга оналари билан биргаликда егизилади. Кейинчалик қўзилар кечқурунги суғоришдан сўнг алоҳида озиқлантирилади. Эрталаб, суғоришдан олдин қўзилар янгидан оналарига қўшилади. Камкуч соқмонни бош чўпон шахсан ўзи синчиклаб кузатиб туриши лозим.

Нимжонлиги сабабли алоҳида соқмонда асралган қўзилар яхши парвариш қилингани ва тўйдириб озиқлантирилганида жуда тез тузалиб кетади. Агар бундай қўзилар ҳамма соқмонларга тарқатилган бўлса, уларни яхшилаб парвариш қилиш ва боқиш анча қийинлашади. Нимжон қўзилардан тузилган соқмонлар улардаги қўзилар яхши ўсиб, мустаҳкамланиб олгунча асралгандан кейингина умумий, бақувват соқмонларга кўчирилади.

Соқмонлардаги қўзиларни боқиш ва ўтлатиш. Аксари ҳолларда бу иш ўспиринларга топширилади. Уларга қўзи ва совлиқларни боқиш қондаларини ўргатиш зарур. Бош чўпон ўз ёрдамчилари — соқмончиларни яхши билиб олиши керак, бунинг учун соқмончиларнинг рўйхати барвақт тузиб қўйилади.

Соқмонларни ўтлатишда қуйидаги асосий қондаларга аниқ амал қилинади:

Турли соқмонлардаги қўзиларнинг аралашиб кетишига йўл қўйилмайди; қўзилар йўл ва экинзорларга яқин ҳамда ғовак тупроқли ерларда ўтлатилмайди (чунки ғовак тупроқли ерларда қўзилар ўт билан бирга тупроқни ҳам еб, кўпинча нобуд бўлади); ҳар икки соатдан кейин қўзиларни озиқлантириш учун соқмон бир жойга тўпланади.

Қўзилар жуда тез шамоллаб қолади. Шу сабабли уларни зах, айниқса ёмғирдан кейин намиқиб қолган ерда ухлашига йўл қўйиш ярамайди. Қўзилар ҳамиша чопқиллаб юраверади ва чарчаб қолганидан кейин ерга ётиб ухлайди. Чопқиллаб юриб, танаси қизишиб қолган қўзиларнинг ерга ётишига йўл қўймаслик керак.

Агар қўзилар совлиқлар билан биргаликда ўтлатилса, улар қош қорайган пайтда дам олиш жойига ҳайдаб келтирилади ва эрта тонгда янгидан яйловга ҳайдалмайди.

Қўзилари бир ойлик бўлган соқмонлар совлиқлар билан биргаликда ўтлатилади. Агар совлиқлар қўзилардан алоҳида ўтлатилса, у ҳолда бир ойликдан ошган қўзилар кечалари ҳам ўтлатилиб, уларга кундуз кунни узоқ вақт дам берилади.

Камҳосил йиллари совлиқлар ўтлатиладиган яйловларда ўт етишмайди. Бундай яйловлардаги совлиқлар жуда озиб қолади ва уларнинг сути қўзиларини эмизиш учун етишмайди. Бундай ҳолда катта ёшдаги соқмонларни яйловнинг энг яхши участкаларига кўчириш керак. Агар бу участкаларда қудуқлар бўлмаса у ҳолда сув автостансида ташиб келтирилади.

Соқмонлар ўтлатиладиган участкалар қуёш нурининг таъсири билан тез исийдиган қум тупроқли ҳамда қўйларнинг қаттиқ шамоллардан ҳимояланишига имкон берадиган ўр-қирлар бўлиши зарур. Бундай участкаларда имжон қўзилар қўшор ёнидаги «камкуч» соқмонларда қолдирилади. Бу имжон қўзилар ривожланиб мустақамланган сари янги яйловларга ҳайдалади. Амалий тажрибаларга кўра, фақат катта ёшлардаги соқмонларгина эмас, балки кичкина ёшлардаги соқмонлар ҳам қўзилатиш участкаларидан янги яйловларга эрта муддатда кўчирилганида қўзилар соғлом ва бақувват бўлиб ўсади.

ҚЎЗИЛАРНИ ОНАЛАРИДАН АЖРАТИШ ВА ЎТОРЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Қоракўл қўйларни тўғри боқиш ва тўғри асраш учун қўзиларни оналаридан ажратиш муддатларини ва ўторлар ташкил қилиш схемаларини яхшилаб билиб олиш лозим. Одатда, қўзилар қанча узоқ вақт эмизилса ва оналари билан биргаликда асралса, шунча яхшироқ ривожланади ва тез ўсади. Бироқ шуни эсда тутиш керакки, совлиқларни қўзиларидан ажратгандан сўнг ветеринария-профилактика жиҳатидан ишлаб чиқиб, яхши дам олдириш ва қочирини тайёрлаш зарур. Қўзиларни оналаридан ажратиш муддатларини белгилашда бу қоидаларни, албатта, эътиборга олиш ва қочирини кампаниясини бошлаш учун белгиланган муддатлар билан уйғунлаштириш лозим.

Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистондаги қоракўлчилик совхозларида март ойида туғилган қўзилар август ойида оналаридан ажратилади. Бу вақтга келганда қўзилар 4—5 ойлик бўлади. Совлиқлар эрта қишда қўзилатилганида эркак қўзилар урғочиларга нисбатан оналаридан эртароқ ажратилади. Эркак ҳамда урғочи қўзилар уларнинг ёши, классификацияси ва тери типи эътиборга олинган ҳолда алоҳида-алоҳида ўторларга ажратилади. Масалан,

қора терили қоракўл қўзилар териларининг типига, яъни жингалакларининг шакли ва уларнинг тери сиртида жойланиш характериға ҳамда ёшларига қараб тўрт типга бўлинади.

Ҳар бир конкрет хўжаликда қўзиларни оналаридан ажратишнинг аниқ муддатлари бу хўжаликдаги бир талай талаблар биринчи галда яйлов шароитлари эътиборга олиниб белгиланади. Масалан, 1956 йили Сирдарё областидаги Тимирязев номли совхознинг баъзи ўторларидаги қўзилар оналаридан июль ойида ажратилган. Қўзилар оналаридан ажратилгунча совлиқлар билан биргаликда, сўнгра ёлғиз ўзлари судан ўти экилган участкаларда ўтлатилган.

Қўзиларнинг вазини билиб олиш ҳамда ҳар бир чўпоннинг ишини қўзиларнинг эмиш давридаги ривожланиш даражасига қараб баҳолаш учун, уларни оналаридан ажратиш вақтида тарозида тортиш керак. Тортиб кўриш учун ўтордаги қўзилардан ривожланиш даражаси энг паст бўлган 10 та, ўртача бўлган 10 та ва энг юқори бўлган 10 та, ҳаммаси бўлиб 30 та қўзи ажратилади. Иложи ва зарурати бўлганида янада кўпроқ қўзиларни тортиб кўриш мумкин. Агар ўтордаги қўзиларнинг ривожланиш даражаси жуда хилма-хил бўлса, у ҳолда тарозида тортиб кўриш учун аралаш ўтордан 30—50 та қўзини ажратиш керак.

Шу йили туғилган қўзилардан ўторлар ташкил қилишда умумий ривожланиш жиҳатидан заиф бўлган қўзиларни алоҳида ўторга ажратиш лозим. Бундай қилинганда камкуч қўзили ўторларга энг яхши яйловлар ажратилиб, улардаги қўзиларга қўшимча ем-хашак бериб турилади, бу қўзиларни парвариш қилиш ва суғориш ишларига жиддий эътибор берилади.

Ҳамма қўзиларни оналаридан айни бир вақтда ажратиш маъқул кўрилади; бу тадбир хўжаликда қўйларни хиллаш ҳамда наслчилик, урчиттиш ва гўшт учун боқиладиган ўторларни ташкил қилиш ишларини осонлаштиради.

Бу катта ишга киришишдан олдин бутун хўжаликдаги қўзиларни оналаридан ажратиш, улардан ўторлар ташкил этиш ва гўшт учун брак қилиш плани тузилади. Хўжаликдаги қўйларни чарчатмаслик учун бу плани тез тузиш керак. Қўйларни хиллаш ва улардан ўторлар ташкил қилишда қўйларнинг одатдаги ҳаёт режими, уларни

озиклантириш ҳамда асраш тартиблари бузилади, бунинг гаъсирида қўйлар анча безовталади.

Амалий тажрибаларга кўра, 16 минг қўйдан иборат ўторда бу ишни тўрт — олти кун мобайнида уддалаш мумкин. Ўтордаги қўйлар совхознинг бош зоотехниги раҳбарлигида наслчилик зоотехниги, ферма зоотехниклари ва чўпонлар томонидан хилланади.

Қўзиларни оналаридан ажратиш ва зарур бўлганида ўторларни қайта ташкил қилишда бирорта касаллик тарқалиб кетмаслиги учун эҳтиёт бўлиш керак. Бу мақсад билан ҳамма ўторлардаги қўйлар синчиклаб профилактик кўриқдан ўтказилади. Қўзиларни оналаридан ажратиш, группаларга бўлиш, брак қилиш ва ўторларни қайта ташкил этиш вақтида бир неча ўн минг қўй бир-бирига яқинлашиб ёндошади. Бу ишларни бажариш вақтида биргина касал қўй (масалан, қичима касалига учраган қўй) ўтиб қолса, ўтордаги қўйларнинг кўпчилиги шу касалликка йўлиқиши мумкин.

Совлиқ ўторларини наслчилик ишлари қоидаларига мувофиқ ташкил этиш лозим. Масалан, Туркменистондаги «Даргонота» қорақўлчилик совхозида 1946 йилдан бошлаб совлиқ ўторларини кузда хиллаш ва ташкил этиш вақтида совлиқларнинг класслари ва жингалакларининг катта-кичиклигидан ташқари, конституцияси ва жун қоплами ҳам эътиборга олинди.

Бу совхозда совлиқларни хиллаш вақтида биринчи галда ҳамма ўторлардан 750 та нозик конституцияли, 600 та дағал конституцияли ва 700 та жунсиз (қирч) тип совлиқлар танлаб олиниб, улардан айрим ўтарлар ташкил қилинди. Бундай хиллашдан кейин қолган ҳамма пишиқ конституцияли, анча бир текис жунли совлиқлар классларига ва жингалакларнинг катта-кичиклигига қараб танланиб, уларнинг ҳар 750 тасидан битта ўтор ташкил этилди. Қорақўл қўйларни хиллашнинг бу усули ҳамма жойлардаги қорақўлчилик хўжаликларида қўлланилмоқда.

Кейинги йилларда, наслчилик ишларини олиб бориш тўғрисидаги янги қўлланмаларга мувофиқ, қўйларни хиллаш ва ўторлар ташкил этиш ишлари фермаларда бажарилади. Умумий фермалар орасидан, ҳатто товар хўжаликда ҳам, наслчилик фермаси ажратилади. Бонитировка вақтида ўстириш учун қолдирилган ҳамма наслдор қўйлар ўша фермада асралади.

Қоракўлчиликда ҳар бири 1700 совлиқдан иборат бўлган жуфт ўторлар ташкил қилиш усули ҳам қўлланилмоқда. Масалан, Қашқадарё областининг ярим чўл даштларидаги «Ғузор» совхозида бу усул кўпдан бери қўлланиб келинмоқда. Аммо ундаги қўйлар ҳар қайсиси 850 та совлиқдан тузилган айрим ўторларга бўлиниб ўтлатилмоқда.

Қўзилатиш даврида совлиқ ўторлари ҳар хил хўжалик группаларига, жумладан: қўзилари тери учун сўйилган соғим — «мори», бўғоз — «гросс» ва эмизикли — соғим ҳамда қўзиларини то ажратгунча эмизадиган совлиқларга бўлинади; эмизикли—соғим группадаги совлиқлар кечаси қўзиларидан ажратилади; эрталаб соғилади ва янгидан қўзилари билан қўшилади. «Гросс» группадаги совлиқлар кичик соқмонларга ва «мори» группасига ўтказилиши сабабли, ҳар бир группадаги совлиқларнинг сони мавсум мобайнида ўзгариб туради.

Чўл ва ярим чўл зонадаги қоракўлчилик хўжаликларида ўторларни асосан совлиқ ўторларини ташкил этишда алоҳида тартиб қўлланилади; жумладан, совлиқлар: 1) битта қўзини эмизувчи серпушт совлиқлар; 2) битта қўзи туғувчи ва уни эмизувчи совлиқлар; 3) тери учун сўйиладиган битта қўзи туғувчи совлиқлар; 4) эрта бола ташловчи ва қисир совлиқлар группаларига бўлинади.

Бундан ташқари, ўторлар қўйларнинг жун-конституция типига қараб: дағал конституцияли (оқгул), пишиқ конституцияли (ғўзамоя) ва нозик конституцияли (қириқ) типларга бўлинади.

Қоракўлчилик хўжаликларида совлиқ ўторларини ташкил қилиш бўйича юқорида келтирилган зоотехника қоидаларини бажариш: совлиқларни йилнинг ҳамма мавсумларида этдан туширмай асраш, улардан энг кўп ва сифатли маҳсулот олиш, сунъий қочирриш ва қўзилатиш кампаниясини энг қисқа муддатларда ўтказиш учун ёрдам беради.

Яйловда бўрдоқи қилиниб гўшт учун топшириладиган совлиқ ўторлари августда ташкил этилади ва уларни қочирришга тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор берилади. Гўштга топшириладиган ўторлардаги совлиқлар ихтиёрий тартибда қочиррилади ва улардан туғилган ҳамма қўзилар тери учун сўйилади. Шу тариқа, кексалиги сабабли брак қилинган совлиқлар янаги йилнинг кўкламида қўзиларни эмизмайди ва апрель ойида серсув, кўк

эфемер ўтли яйловларга ҳайдалиб, июнгача бўрдоқи қилинади ва гўшт учун топширилади.

Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистонда ўторларнинг катталиги ўзгариб туради. Ҳар бир ўторга тўрт-беш кишидан иборат чўпонлар бригадаси, бригададаги битта чўпонга эса 200—250 та қўй биркитиб қўйилади.

ҚЎЗИЛАРНИ ОНАЛАРИДАН АЖРАТИЛГАНДАН КЕЙИН БОҚИШ ВА АСРАШ

Қоракўлчилик хўжаликларида 3 ойлик қўзилар кеч-қурунги сугориш вақтида оналаридан ажратилиб, кечалари айрим ўторда ўтлатилади. Бу тадбир туфайли қўзилар яйловда оналаридан бошқа ўтлашга икки-уч кунда одатланиб қолади ва кейинчалик ўзлари бемалол ўтлайверади. Оналаридан ажратилган қўзилар оналарини тез эсдан чиқариши учун, уларни дарҳол узоқ яйловларга ҳайдаш зарур.

Қоракўл қўзи эмиш давридаги тўрт ой мобайнида жуда тез ўсиб, 18 ойликка борганида унинг вазни 70% ни ташкил қилади. В. И. Стояновская маълумотларига кўра, Қозоғистон ССРдаги «Учқўрғон» совхозида қўзилар оналаридан ажратилган пайтда яхши ривожланганларининг вазни 30—36, ўртача ривожланган қўзиларники 23—30 ва суст ривожланганлариники 15—22 кг га етади.

СССР Госплани 1960 йили қоракўлчиликдаги маҳсулот эвазига сарфланадиган ем-хашак миқдорини планлаштиришда қўзиларнинг оналаридан ажратилган вақтдаги ўртача вазини 30 ва туғилган пайтдаги ўртача вазини 4кг деб қабул қилган эди. Бизнинг кузатишларимизга кўра, Ўзбекистонда қоракўл қўзиларининг оналаридан ажратиш вақтидаги вазни 27—30 кг келади. Улар оналаридан ажратилганидан кейин яхши яйловда боқилганида ҳар суткада ўрта ҳисобда 200—300 г дан семиради. Бу ҳолда биринчи январга келганда уларнинг вазни 40 кг га етади. Бинобарин, эрта туғилиб, ахталанган эркак қўзилар декабрь ойигача яйловда яхши семириб, шу йилнинг ўзидаёқ гўшт учун топширилиши мумкин. Бу даврда уларнинг вазини бир кг ўстириш учун, бир ёшдан ошган қўзиларга нисбатан камроқ озиқ сарфланади. Бундай ахта қўзилар тўйдириб озиқлантирилганида уларнинг вазни максимал даражагача ортади, энг арзон ва сифатли гўшт олинади.

Қўзиларни оналаридан ажратилгандан сўнг яйловда боқишда ўсишдан орқада қолаётган ва суст ривожланган ўторларга алоҳида эътибор бериш зарур. Бундай ўторлар учун чучук сувли ва майин ўтли яйловларни ажратиш керак. Бу яйловларда читир, қорамашақ, арпағон, сета, қуёнжун ва бошқалардан иборат майин пояли ўтлар бўлади.

Яйловдаги ўт қоплами унчалик яхши бўлмаганида ҳамма қўзиларга айниқса қўзилари ўсишдан орқада қолаётган ўторларга, яйлов ўтларининг сифатига қараб, зарур миқдорда қўшимча ем бериб туриш лозим.

Яйловларни белгилашда жойнинг рельефини ва тупроқ типини эътиборга олиш керак. Қўзилар учун қумтепаликлари бўлган бута — ўтсимон ўсимликли ўр-қирлар яхши. Бундай жойларда майин ўтлар етарли ва сув чучук бўлади. Яйловларда қўзилар озиқ билан яхши таъминланибгина қолмай, балки бемалол яйраб ўтлайверади. Шу билан бирга, бундай яйловда қиш фасли анча илиқ бўлади, чунки қўзилар совуқ шамоллар таъсиридан тепаликлар ва бута ўсимликлар орасига жойланиб ўзларини совуқдан ҳимоялайди.

Масалан, «Конимех» давлат наслчилик заводида оналаридан ажратилган қўзилар майда ва майин ўтли ҳамда ўр-қирли ва чучук сувли Қизилқум яйловларида асралади. Бу яйловларда қўзилар яхши ривожланади ва бақувват бўлиб ўсади.

Оналаридан ажратилган қўзиларни тўрт ойлигидан 10—12 ойлигигача яхшилаб боқиш ва яйратиш уларнинг ривожланиши ва нормал ўсиши учун айниқса зарурдир. Бу тадбирлар туфайли қўзилар бақувват бўлади, чўл ва ярим чўл яйловларда йил бўйи боқилганида ҳам қаттиқ об-ҳаво шароитларига бардош бера оладиган бўлиб ўсади. Бу ёшдаги қўзилар яхшилаб боқилмаса, чала ривожланади ва ўсиб етилганидан сўнг нобоп об-ҳаво шароитларига унчалик бардош бера олмайди.

Ўсиб келаётган қўзилар оқсилга айниқса муҳтож бўлади. Улар ўзларининг нормал ривожланиши учун зарур бўлган ҳамма озиқ моддаларни яйловдаги кўк ўтлардан олади. Шу сабабли оналаридан ажратилган қўзиларни қандай яйловлар зарур озиқ моддалар билан таъминлай олишини яхши билиш лозим. Чўл шароитида бундай яйловлар қаторига майин ва кўк ўтлар кўплаб ўсадиган майдонлар, шунингдек қизилча ва бошқа хашаки ўтлар

экиб устирилган ерлар киради; ярим чўлларда судан ўти экилган майдонлар яхши кўкат озиқ бўлади. Бу ўтининг анғизидан оналаридан ажратилган қўзиларни ўтлатиш керак. Сирдарё областидаги Тимирязев номи совхозда 1956 йили нимжон қўзилар июль ойида оналаридан ажратилиб, суви салгина шўрланган қудуқ ёнидаги судан ўти анғизидан ўтлатилган. Бу қўзилар судан ўтини жуда ёқтириб еб, уларнинг ривожланиш даражаси ҳамда вазни узоқ вақт оналари билан асралган қўзиларникига барабарлашган.

Яхши кўк ўтли яйловлар бўлмаганида қўзиларга қўшимча ем-хашак бериб туриш зарур. Қўзиларга силос, сули ва чигит кунжараси энг яхши қўшимча озиқ ҳисобланади. Ҳар қўзига бир суткада ўрта ҳисобда 0,5 кг силос, 200—300 г сули ва 100 г кунжара берилади. Кунжара қўзиларни уларнинг организми учун зарур протейн билан таъминлайди. Қўзиларга минерал озиқларни, улар эрталаб суғорилиб қудуқ ёнида дам олганидан кейин, ем билан аралаштириб бериш керак. Агар ем ва минерал озиқлар кечқурун берилса, қўзилар кечқурун ва тунда яхши ўтламайди.

Қўзиларни тўйдириб озиқлантиришдан ташқари, яхшилаб парвариш қилиш, яъни ўз вақтида ўтлатиш, суғориш ва дам бериш лозим. Қўзилар асраш режимига жуда тез кўникиб қолади ва бу режимнинг бузилиши уларга ёмон таъсир этади. Улар узоқ жойларга ва тез ҳайдаб борилса жуда чарчаб қолади, бевақт ва ортиқча минералланган сув билан суғориш ярамайди. Агар қўзилар онасидан ажратилиши билан судан ўти анғизидан ўтлатилса, у ҳолда кунига икки марта — эрталаб ва кечқурун суғорилади. Агарда қўзилар қудуқли яйловларда ўтлатилса, уларни онасидан ажратилгандан кейинги биринчи икки ойда яйловда ҳам суғориш лозим, бу ҳолда сув бочка ёки автоцистерналарда ташиб келтирилади. Қўзиларни онасидан ажратилгандан кейинги биринчи икки ойда чанқатиб қўймаслик керак. Шунинг эса тутиш зарурки, совуқ кунларда қўзиларни оч қоринга суғориш ярамайди. Чунки ичкетиш касалликларига йўлиқиб ва шамоллаб қолиши мумкин. Узоқ юриб терлаб келган қўзиларни суғориш ҳам ярамайди, уларга суғоришдан олдин дам бериш керак.

Қўйларни уларнинг эҳтиёжига қараб суғориш керак. Бу эҳтиёж маҳаллий иқлим ва озиқ шароитларига боғ-

лиқ бўлади. Қоракўл қўйлар йил бўйи яйловда асралганида уларнинг сувга бўлган эҳтиёжи йилнинг мавсумларига қараб ўзгаради, географик зона ҳам уларнинг сувга бўлган эҳтиёжига катта таъсир қилади. Қўйлар серсув ўтлар билан боқилганида, уларнинг сувга бўлган эҳтиёжи кескин камаяди, қуруқ ўтлар билан боқилганида эса — ортади.

Қоракўл қўйларга бериладиган сувнинг сифати ва шўрланиш даражасига ҳам бефарқ қараш ярамайди. Қоракўл қўйларга кўпроқ шўрланган сувни куз-қиш фаслида, камроқ шўрланган сувни эса кўклам-ёз фаслида ичириш маъқул кўрилади. Бунинг сабаби ҳозирча етарлик даражада аниқланган эмас. Лекин бунда яйлов ўсимликларининг таркибидаги минерал моддалар анчагина роль ўйнаганлиги кўзда тутилади. Қиш фаслида яйлов ўсимликларининг ишқори ювилиши сабабли, уларнинг таркибидаги турли тузларнинг миқдори камаяди. Кўклам фаслида яйлов ўсимликларида ҳамма озик моддалар етарли миқдорда бўлади.

Кўкламги 2—2,5 ой мобайнида яйлов ўсимликлари — таркибида 90% гача нам бўлган ғалласимон эфемер ва бошқа ўтлардан иборат бўлади. Ёзга келиб яйлов ўсимликлари анча қувраб, қуриб қолади, уларнинг таркибидаги нам жуда камаяди. Бу даврда қўйлар сувни учтўрт барабар кўпроқ ичади.

Қўйлар қишда ўтлари қувраб, қуриб қолган яйловларда ўтлатилганида, уларнинг оғиз бўшлиғидаги шиллиқ пардаси қичишиб қолади ва бу ҳодисани бартараф қилиш учун шиллиқ пардани вақт-вақти билан намлаб туриш талаб этилади. Шу сабабли қўйлар қишки яйловларда оз-озлаб, бир соатда 70—100 мартагача қор ейди. Бир марта ейилган қорнинг вазни тахминан 3—4 г келади. Бу миқдорни соатга айлантириб ҳисоблаганимизда, қўйлар бир соатда 210—300 г, олти соатда эса тахминан икки литр сувга тенг келадиган қорни ейди. Қўйлар яна тахминан шунча миқдор қорни яйлов ўсимликлари билан биргаликда ейди. Бу ейилган қорни тана температурасигача келтириш учун қўй организмидаги иссиқлик аста-секин камаяди. Қўйнинг организмига 2—3 л совуқ сув ўтганида, бу сувни иситиш учун қўй 70 килокалория иссиқлик сарфлайди. Танадаги иссиқлик бундай тез камайиши сабабли организм бирмунча вақтгача мувозанатини йўқотади, натижада организмдаги

физиологик жараёнлар тартибсизланади ва қўй шамоллаб касалланади.

Қўйларни, айниқса қаттиқ совуқ кунлари (қуруқ пичан бериладиган даврда) мунтазам суратда суғориб туриш зарур.

Энг яхшиси қўйларни кун сайин суғориш керак. Тажрибаларга кўра, ҳаво температураси минус 10 даража ва янада пастроқ бўлиб, қўйларга ҳар суткада 0,8 кг гача қўшимча пичан берилиб турилганида ва улар кун оралатиб суғорилганида ҳар бир қўй 2—2,5 л сув ичади. Қаттиқ совуқ даврда қўйларга қўшимча пичан бериб турилганида ва улар суғорилмай асралганида организм ҳаддан ташқари совийди ва сувсизланиб қолади, оқибатда қўй жуда ориқлайди, бола ташлайди, ҳатто улар нобуд бўла бошлайди. Демак, қўйлар қор тушган яйловларда ўтлатилганида ҳам уларни суғориб туриш зарур.

Одатда, қоракўлчилик хўжаликларидида қўйларни суғориш учун шахта қудуқлардан фойдаланилади. Бу қудуқларнинг суви санитария жиҳатидан энг яхши ҳисобланади. Қўкламда эса қўйлар кўпинча кўлмаклардан суғорилади, бироқ, кўлмаклардан суғориш зарарлидир, бу, қўйларда гижжа касалликлари тарқалишини қулайлаштиради.

Қудуқ қазиш учун жой танлашда ундаги ўсимликларнинг тур-хилларига эътибор бериш керак. Масалан, янтоқзорларда қўйларни суғориш учун ярайдиган сизот сувлар борлигини мўлжаллаш мумкин. Бундан ташқари, сувнинг зоогигиеник таркиби қандай бўлиши кераклигини ва қўйларнинг сувни сарфлаш нормаларини ҳам билиш лозим. Сизот сувларнинг таркиби Туркманистонда текшириб кўрилди ва ҳозир Ўрта Осиё республикаларидаги қоракўлчилик хўжаликлари шу текшириш маълумотларидан фойдаланмоқдалар.

Қудуқ ёнида ҳовузчалар, сувдонлар бўлганида ва қудуқ суви механизмлар билан чиқарилганидагина, суғориш ишини тўғри ташкил қилиш мумкин. Қўйлар суғориладиган майдонча ботқоқланиб қолмаслиги учун, қудуқ атрофидаги ерга тош тўшалган бўлиши зарур. Сувдонлар ер бетидан 20—30 см баландликда бўлиши керак. Қудуқ ёнига бирданига бутун ўторни қўйиб юбориш яраммайди. Ўторни 60—70 қўйдан иборат айрим группаларга бўлиб, навбатма-навбат суғориш лозим.

В. Д. Соколов маълумотларига кўра, 60—70 қўйдан иборат бир группани суғориш учун кузда 5 минут, ёзда эса 8—10 минут вақт сарфланади. Суғориш майдончаси яхши ускуналаниганда, 700 қўйдан иборат ўторни бир соат мобайнида бемалол суғориш мумкин.



Сурхондарё областидаги Гагарин номли совхозда қорақўл қўйларни суғориш жараёни

Эмизикли совлиқлар вақтида суғориб турилмаганида, айниқса қийналиб қолади. Уларни суғориш учун сувни ўторга ташиб келтириш яхши натижа беради. Масалан, «Конимех» давлат наслчиликлари заводида эмизикли совлиқлар қўзилаганидан кейинги биринчи ўн кунликда бевосита шу жойнинг ўзида суғорилади. Бунинг учун сув автомашиналарда ташиб келтирилади. Бундай суғоришда қўзилар яхши ўсади ва бақувват бўлиб ривожланади. Бинобарин, колхоз ва совхозларда бу усулни кенг жорий қилиш зарур. Автомашинада қатнаш қийин бўлган жойларда сув туяга ортиб ёки бричкада ташилади. Битта туяда 40 л, жуфт туя қўшилган бричкада эса 700 л сув келтириш мумкин.

Совлиқларни кўкламги салқин кунларда бир марта — пешинда, кўклам охирида иссиқ кунлар бошланиб,

яйлов ўтлари қуврай бошлаганида эса кунига икки марта суғориш маъқул кўрилади.

Йилнинг ҳамма совуқ мавсумларида қўйлар қўшимча ем бериб боқилганида, уларни кун сайин суғориб туриш зарур. Йилнинг иссиқ даврида қўйларни чучук ёки салгина шўрланган сув, совуқ даврида эса шўр ва қаттиқ шўрланган сув билан суғориш маъқул кўрилади. Йилнинг ҳамма фаслларида ҳам қисир, яйловда ўтлатиб семиртириладиган ва мори совлиқларни сийрақроқ суғориш мумкин, шунинг эса тутиш керакки, қўйларни печа марта суғориш кераклиги зонага, йилнинг мавсумига, қўйларнинг хўжалик группаларига, қўйларни қишда озиклантириш ҳамда асраш типига ва бошқа бир талай омилларга қараб белгиланади. Қўйлар ёзги тоғли яйловларда ўтлатилганида, булоқ ва тоғ дарёчаларидан суғорилади, бу ҳолда уларнинг булоқ ва дарёчаларга қатнаши учун қулай йўللар қуриш лозим.

Қозоғистон, Туркменистон ва Ўзбекистон республикаларининг бир талай районларида қўйларни суғориш учун сув чиқариш анча қийинлиги сабабли яйловлардан тўла фойдаланилмайди. Аксари ҳолларда кўпдан-кўп қўйларни мавжуд қудуқлар атрофига тўплашга тўғри келади, натижада қудуқлар атрофидаги яйловлар поймол қилиниб, қўйларни ўтлатиш учун ярамайдиган ҳолга келтирилади.

Ҳозирги қишлоқ хўжалик техникаси сувни механизмлар ёрдамида ернинг жуда чуқур қатламларидан чиқариш имконини беради. Шунга қарамай, Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг кўпгина қўйчилик хўжаликларида шахта қудуқларининг суви ҳали ҳам туя ёрдамида чиқарилмоқда, бунинг учун кўп меҳнат ва маблағ сарфланмоқда. Қудуқларнинг сувини чиқариш учун ТВ-8 ва ТВ-5 маркали шамол двигателлари ишлатилса, қўйларни асраш харажатлари анча камаяр эди.

Ҳозирги вақтда Қозоғистон ССРнинг баъзи районларида шамол билан ҳаракатга келадиган ДДК-4 маркали агрегат ишлатилмоқда. Бу агрегат Қаскелин районидаги «Қизил ту» колхозида жуда яхши натижа бермоқда. Ўзбекистон ССРнинг «Улус» совхозида шахта қудуқлардан сув чиқариш учун шамол двигателлари катта муваффақият билан ишлатилмоқда. Кейинги йиллари Ўзбекистонда лентали сув чиқаргичлар ҳам ишлатила бошланди.

ҚҰЙЛАРНИ МИНЕРАЛ МОДДАЛАР БИЛАН ОЗИҚЛАНТИРИШ

Ўрта Осиё ҳамда Жанубий Қозоғистоннинг чўл ва ярим чўл яйловларида қоракўл қўйларни минерал моддалар билан озиқлантириш бошқа зоналардаги қўйларни озиқлантиришдан анчагина фарқ қилади. Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистонда қўйлар минерал тузларни яйлов ўсимликларидангина эмас, сувдан ҳам олади.

Қўйларнинг организми учун зарур минерал озиқлар орасида кальций асосий элемент ҳисобланади. Қоракўл қўйларнинг организмга бу модда бутун йил бўйи, аиниқса куз фаслида керагидан ортиқ миқдорда яйлов ўтлари билан ўтади. Қоракўл қўйлар учун фойдали минерал озиқлардан бири бўлган фосфор эса фақат қишда ва кўкламнинг биринчи ярмидан организмда нормага яқин миқдорда тўпланади. Кўкламнинг иккинчи ярмида ва ёзда, совлиқларнинг сут бериш даврида қўй организмга озиқ ва сув билан ўтадиган фосфор миқдори нормадан кам бўлади. Совлиқлар сутдан чиққанидан кейин уларнинг фосфорга бўлган эҳтиёжи камаяди, ўсимликлардаги фосфор миқдори эса ортади. Куз ва қишда организмда фосфор тўпланаверади. Қоракўл қўйларнинг рационда кальций билан фосфорнинг умумий норма юзасидан қабул қилинган нисбати 0,55—0,8 бўлиши керак. Амалда эса бу нисбат йил мобайнида 0,17 дан ошмайди ва баъзи ойлар 0,12 гача пасаяди. Бу аҳвол кальций керагидан ортиқча, фосфор эса кам бўлганлигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларига кўра, яйлов ўсимликларида ва сувда натрий хлорид етарли миқдорда бўлади. Қоракўл қўйлар организмда натрий хлорид фақат қиш охири ва кўклам бошида етишмай қолади, ана шу даврларда қўйларга қўшимча ош тузи бериб туриш зарур.

Қўзилар нормал шароитда озиқлантирилганида ҳам уларнинг организмда фосфор етишмай қолади. Бинобарин, қўзиларнинг ўсиши ва ривожланишини яхшилаш учун уларга қўшимча фосфорли озиқ бериб туриш керак.

Ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиш даврларига қараб уларнинг таркибидаги фосфор ва кальций миқдори ўзгариб туради. Кўк эфемерларда, қуруқ эфемер-

лардагига нисбатан фосфор, баъзи эфемерларда эса ўсув даври охирида кальций кўпроқ бўлади.

Қорақўл қўйларга қўшимча минерал озиқлар яйловларнинг типи ва улардаги ўсимликларнинг тур-хиллари эътиборга олиниб берилади. Қўйларнинг организмидаги кальций ва фосфорни зарур нисбатда сақлаш учун фақат ёзда қўзиларгагина эмас, балки йилнинг ҳамма мавсумларида совлиқларга ҳам қўшимча фосфор бериб туриш керак. Пайҳон қилинмаган серўт яйловлар мавжудлигида қўйларга қўшимча минерал озиқ бермаса ҳам бўлади.

Яйловларда шўра ўтлар ва шўр сув бўлганида қорақўл қўйларнинг асосий минерал озиқларга талаби деярли тамоман қондирилади. Бундай ўсимликлар бўлмаган ва қўйлар чучук сув билан сугориладиган яйловларда қўйларни, айниқса совлиқларни эмаётган қўзиларни қўшимча минерал озиқлар билан таъминлаб туриш зарур.

Қўшимча минерал озиқлар, айниқса ош тузи барча чорва молларни боқишда ишлатилади. Туз майда қилиб тортилиб ҳар қўйга бир суткада 8—15 г ёки истаганча берилади. Ўсимлиги ва сувида натрий ҳамда хлор тузлари кам бўлган яйловларда боқилаётган қўйларга туз энг кўп миқдорда берилади. Масалан, балаид тоғ ўтлоқлари ва яйловларидаги ўсимликларда минерал тузлар кам, шўртобсимон ва шўрхок яйловлардаги ўсимликларда эса кўп бўлади.

Қўйларнинг тузга бўлган эҳтиёжи қудуқлардаги шўр сув ҳисобига қондирилади. Одатда, қудуқ сувларининг ҳар литрида 1 г янада кўпроқ туз бўлади. Куз ва қиш фаслларида қўйларнинг тузга бўлган эҳтиёжи яйловдаги шўра ўтлар билан таъминланади. Ёзда, қўйлар шўра ўтларни емаган пайтда эса қўйларни ҳар литридаги туз 1 г дан кам бўлган сув билан сугоришда уларга қўшимча туз берилади; бунинг учун қудуқдан 40—50 м нарига кесак тузлар ташлаб қўйилади.

Баъзан шўра ўтлар битмайдиган, айниқса ер бетини узоқ вақт қалин қор қоплаб ётиши сабабли қўйларни сугориш учун қудуқларга ҳайдаш мумкин бўлмаган қишки яйловларда ҳам қўйларга қўшимча туз бериб туришга тўғри келади.

Қишки яйловнинг шўра ўт ва буталар, айниқса саксауул ва қизилча ўсмайдиган жойларида қўйларга

қўшимча озиқ тариқасида бериб туриш учун туз ҳамда витаминли кўк пичан ғамлаб қўйиш керак.

Суяк талқони қўйлар учун қўшимча кальций ва фосфор манбаи бўлиши мумкин. Қўйларга суяк талқони, уларнинг эҳтиёжига қараб, ҳар суткада 8—20 г дан берилади. Бироқ, қоракўлчиликда қўшимча озиқнинг бу тури ҳозирча етарли даражада ишлатилмайди. Қўшимча фосфорли озиқ тарзида суперфосфатнинг сув аралаш экстрактидан фойдаланса ҳам бўлади. Фосфорли қўшимча озиқлардан фойдаланишда уларнинг таркибида заҳарли аралашмалар, биринчи галда фтор бўлмаслигига эътибор бериш лозим. Рациондаги фтор миқдори қўйга бир суткада бериладиган қуруқ модданинг 0,003% идан ошиқ бўлмаслиги шарт. Аммо, йирик қоракўлчилик хўжаликларида фосфорли қўшимча озиқлардан фойдаланиш анча мураккаб масаладир. Бу мақсад билан майда қилиб тортилган суяк талқонидан фойдаланилганда қўйларнинг фтор билан заҳарланиш хавфи камроқ бўлади.

Кўпгина авторлар қўйларни хилма-хил қўшимча минерал озиқлар билан боқишни маъқул кўришади. Бироқ, бу фикрларнинг кўпчилиги қўйларнинг дашт ва шимолӣ зоналардаги зотларига қарата айтилган. Қоракўл қўйларни минерал моддалар ва зарур қўшимча озиқлар билан таъминлаш нормаларини анча аниқлаш талаб қилинади. Амалда бу нормалар илғор қоракўлчиларнинг тажрибаси ва кузатиш натижалари асосида тўғриланади.

ҚЎЙЛАРНИ ҚЎШИМЧА ОЗИҚЛАР БИЛАН БОҚИШ

Махсус тадқиқот натижаларига кўра, қоракўл қўйлар йилнинг ҳамма мавсумларида тўйдириб боқилган ва этдан туширилмай асралганидагина, мўл-кўл маҳсулот беради. Қоракўлчилик хўжаликларининг амалий тажрибаси эса қўйларнинг вазни қиш фаслида жуда камайганлигини кўрсатади. Ҳатто, қиш фасли қулай келган йилларда ҳам қўйларнинг вазни 10—14% камаяди. Шу сабабли камкуч қўйларга қўшимча ем бериб турилади, қўйларни ўтлатиш мумкин бўлмаган ёғин-сочинли кунларда эса ҳамма қўйлар қўшимча озиқ билан боқилади.

Шу тариқа, қўшимча озиқ биринчи галда камкуч қўйларга берилади, бундай қўйлар алоҳида группаларга ажратилиб асралади. Камкуч ва ориқлаб қолган қўйларни қишлоғга тайёрлаш мақсадида ёзги ўтлатишдан ташқари қўйларга майдаланган аралаш қўшимча озиқлар бериб туриш тавсия қилинади; бу озиқлар эрталаб қўйлар яйловдан қайтиб келганидан кейин ҳамда кечқурун қўйларни яйловга ҳайдашдан олдин ҳар гал 300 г дан берилади. Бироқ, ҳар гал бериладиган қўшимча озиқнинг миқдори йилнинг мавсумига, бир талай хўжалик шароитларига, қўйларнинг ҳолатига, яйлов ўсимликларининг сифатига ва йилнинг об-ҳаво шароитларига қараб турлича бўлиши мумкин.

Қўйларни ёзги иссиқ даврда озиқлантириш учун у ёки бу қўшимча озиқ аралашмасидан фойдаланишда бу аралашма 12—14 соат намлаб тутилиши ва унга ҳар бир қўй учун 10 г ҳисобидан туз қўшилиши керак. Битта қўйга ҳар гал бериладиган қўшимча озиқ миқдори 600 г дан ошиқ бўлмаслиги шарт, бу — 0,3 кг озиқ бирлиги ва 47 г ҳазм қилинадиган оқсилга тенг келади.

Қўйларга ҳар суткада неча марта қўшимча озиқ бериш кераклиги уларнинг семизлик даражасига, бўрдоқи қилиш муддатининг давомлилигига, яйлов ўсимликларининг ҳолати ва сифатига қараб белгиланади. Кексалик сабабли брак қилинган қўйларни ёзда бўрдоқи қилишда қўшимча озиқни ҳар суткада икки марта — эрталабки ва кечқурунги суғоришдан кейин бериш энг фойдали ҳисобланади. Қўйлар бундай озиқлантирилиб, кечалари яйловларда ўтлатилганида, уларнинг семизлиги 60 кун мобайнида энг юқори даражага етади.

Қўйларни қишда боқиш учун энг арзон серсув озиқлардан силос синаб кўрилди. Чўл ва ярим чўл районларда ёз фаслида ҳам қўйларга қўшимча озиқ тариқасида силос бериб турилди.

Қоракўлчиликда қанча силос кераклиги ҳар қўйга бир суткада бериладиган нормага қараб белгиланади. Бир суткада бериладиган норма қўйларни озиқлантириш вақтида аниқлаштирилади. Бу нормани аниқлаштиришда қўйларга силос қандай мақсад билан егизилаётганлиги, йилнинг фасли, шу мавсумда қўйнинг рационига киритилган бошқа хил озиқлар, қўйларнинг семизлик даражаси ва физиологик ҳолати, қўйларни силос билан

боқиш даврининг давомлилиги ва бошқалар эътиборга олинади.

Қоракўл қўйларни қиш фаслида маккажўхори силоси билан боқишга доир биринчи тажрибалар 1955 йили К. А. Тимирязев номли совхозда ўтказилган эди. Қишки кунлар совуқ ва қорли, ҳаво температураси минус 18° бўлишига қарамай, қўйларни силос билан боқиш яхши натижа берди. 1956—1957 йиллари янгидан маккажўхори силоси тайёрланиб, хўжаликдаги ҳамма қўйлар силос билан боқилди. 1956 йили қишда қаттиқ совуқ бўлиб, 26 декабрда 50—60 сантиметр қалинликда қор ёғди, бу қор фақат 1957 йилнинг март ойига бориб тамоман эриди. Қоракўл қўйларга маккажўхори силоси 1956 йил 26 декабрдан 1957 йил 20—23 февралгача, яъни 56—60 кунгача егизилади. Ўша давр мобайнида қўйларга силосдан ташқари беда-эфемер ўт пичани ва арпа ҳам берилди. Яйловни қор қоплаб кетганлиги сабабли, қўйлар яйлов ўсимликларидан жуда кам фойдаланди. Улар бу қишда асосан қўшимча озиқлар билан боқилди. Қўшимча озиқлар мўл миқдорда берилганлиги туфайли, улар қўйлар учун талаб этилган озиқлантириш нормасига деярли тенг бўлди.

1957—1958 йилларнинг декабрь ва январь ойларида қўйлар маккажўхори силоси билан боқилди. Бунда ҳар қўйга яйлов ўтларидан ташқари 0,6—1,1 кг ҳисобидан силос бериб турилди. Қўйларга бошқа хил озиқлар берилмади. Қор 20 ноябрда ёғди ва 23 ноябрда эриб кетди. Ер бетига қор қоплами 6—8 см дан ошмади. Ўша даврнинг ўзида қаттиқ ва совуқ шамоллар юз бериб турди. Январь ойида яйлов ўсимликлари 2—3 см қалинликдаги қор билан қопланди ва бу тезда эриб кетди. Қиш мобайнида ҳаво температураси плюс 20° дан ошмади. Январь охирида яйловларнинг баъзи жойларидаги ўтлар кўкариб, 20 см гача ўсди. Қиш бундай илиқ келиши сабабли, хўжаликда 600 т маккажўхори силоси ортиб қолди.

Шундай қилиб, 1957—1958 йилларнинг қишида К. А. Тимирязев номли совхознинг қўйлари яйлов ўсимликлари билан тўла таъминланганлиги туфайли, уларни қўшимча озиқлар билан боқишнинг зарурати бўлмади. Бу мисол яйловларда қишки ўсимликлар ҳаминша бир хилда бўлмаслигини ҳамда ўт ҳосили кам ва қор қалин бўлган ҳолларда қўйларга егизиш учун эҳтиёт ем-хашак

гамлаб қўйиш зарурлигини кўрсатади. Йилнинг ҳамма мавсумларида ҳамда айрим йилларда қўйларга қўшимча озиқ табиий яйловлардаги ўт запаслари эътиборга олиниб берилади.

Қўйларни тажриба учун маккажўхори силоси билан боқиш даври мобайнида қорин-ичак касалликларига учраган ва бола ташлаган совлиқлар бўлмади. Шу тариқа, қоракўлчилар орасидаги, совуқ кунларда қўйларни илтиқ бинодан ташқарида силос билан боқиш ярамайди, деган фикрнинг асоссизлиги К. А. Тимирязев номли совхоздаги тажриба натижалари билан исботланди.

Қоракўл қўйлар қишда силос билан боқилганида, уни ҳар гал бирданга кўп миқдорда бермай, балки қўйлар пушхўрт қолдирмай ея оладиган миқдорда бериш зарур. Бунда ҳар гал битта қўйга 0,4—0,5 кг дан силос бериш тавсия қилинади.

Ҳар жойнинг ўзида ўсадиган ёввойи ўсимликлардан силос тайёрлаш қоракўлчилик хўжаликларида ем-хашак ва яйловлардан самарали фойдаланиш, мустаҳкам озиқ базаси яратиш, қўйларни нобуд қилмай сақлаб қолиш, қоракўл қўйларнинг маҳсулдорлиги ва хўжаликнинг рентабеллигини ошириш имконини беради.

Қўйларга қўшимча озиқларни чўпонлар тарқатиб беради. Қўйларга озиқни охурга солиб бериш керак. Ем-хашак ерга солиб берилганда унинг 70 процентчаси нобуд бўлади.

Хашаклар майдаланмай егизилганида, охурларнинг четларига панжара ўрнатилиши керак, майдаланиб ва талқон қилиб егизилганида эса охур четларига панжара қўймаса ҳам бўлади.

Охурлар қўйхона ҳамда қўтонларнинг ичкарасидаги узун девор бўйига ёки яйловлардаги қўйхоналар, қудуқлар ёнига ва қўйлар озиқлантириладиган бошқа жойларга кўчириб юргизилмайдиган қилиб ўрнатилади. Охурлар кўчириб юритиладиган бўлиши ҳам мумкин. Бундай охурлар бир ҳамда икки қаторли қилиб ясалади. Ниҳоят, айни вақтда қўйларга хашак, серсув озиқ ва ем бериш мумкин бўлган қурама охурлар ҳам ишлатилади. Бундай охурларда хашак охурнинг юқори қисмига (панжарадан ясалган ясллага), ем ва серсув озиқлар эса охурнинг пастки, яъни тоғорасимон қисмига солинади. Охур панжаралари салгина нишаб бўлиши, яхшиси тик қилиб жойланиши керак. Панжаралар бундай қилиб ўрнатил-

ганида қўйларнинг жунига хашак тиканлари илашмайди, кўзларига чўп тушмайди ва хашак нобудгарчилиги анча камаяди.

Қўзиларга қўшимча озиқ бериш учун панжарасимон тоғора ишлатилади. Бундай охурлардан етук қўйларни қўшимча минерал озиқлар билан боқишда фойдаланса ҳам бўлади. Зарур бўлганида, охурларга хашаки туз сеппиб қўйилади. Охур ёки яслалар турли формаларда бўлиб, хилма-хил материаллардан тайёрланади. Ҳамма ҳолларда ҳам охурлар силлиқ, мусхақкам, тозалаш ва дезинфекция қилиш учун қулай бўлиши шарт. Охурни улардан озиқ еяётган қўйлар лат емайдиган қилиб ясаш ва ўргатиш керак.

Аксари ҳолларда охурлар ёғочдан тайёрланади. Лекин бундай охурларни тозалаш ва дезинфекция қилиш анча қийин бўлишидан ташқари улар тез эскириб қолади.

Цементланган охурлар қулай ва мустақкам бўлади. Лекин уларни кислота таъсир қилмайдиган цементдан ясаш керак. Сифатсиз цемент озиқлар (силос, илдизмава ва бошқалар)нинг таркибидаги кислоталар таъсирдан тез парчаланиб қолади.

Охур (ясла)ларни тайёрлашда уларнинг ички ва ташқи бурчаклари ҳамда четлари ўткир бўлмаслигига эътибор бериш керак. Агар охур ўткир бурчакли бўлса уни тозалаш қийин бўлади. Охурлар сув билан тозаланадиган бўлганида, уларнинг тубига сув оқиб кетиши учун бекитиладиган тешик қилинади. Охур (ясла)лар қандай шаклда (панжарали ёки панжарасиз) бўлишидан қатъи назар, уларнинг тузилишида баъзи бир умумий қоидаларга амал қилинади.

Жумладан, тогоранинг юқориги чети ёки панжаранинг туби 30—40 см баландликда, тогоранинг кенглиги 40—50 см ва чуқурлиги 20—25 см бўлиши керак. Охурнинг узунлиги ҳар қўйга 20 см ҳисобидан белгиланади. Қўйхона ва қўтонларда охурларнинг узунлиги бинонинг узунлигига тенг бўлиши, очиқ жойларда эса 10 м дан ортиқ бўлмаслиги зарур.

Панжаралар қўйлар учун қурама охур-яслалар тайёрлашда ишлатилади. Улар йўғонлиги 4—5 см келадиган ёғочдан ёки 6—8 мм йўғонликдаги металл симдан тайёрланади. Қурама охурларда панжаранинг кенглигини 50—55 см қилиш маъқул кўрилади. Охурларнинг панжара

лар билан биргаликдаги умумий баландлиги 80—95 см га тенг бўлиши лозим, бундай баландликда бўлганида қўйлар охур орқали сакраб ўта олмайди.

Чўл ва ярим чўл районларда ёғоч материаллар етишмаслигини эътиборга олиб, охурларни лойдан, бута шохлари сингари маҳаллий материаллардан қуришни тавсия этиш мумкин, хом гишт ва лой бетондан қурса ҳам бўлади.

Лой бетон охурлар беш йил ва янада узоқроқ вақт ишлатилади. Лой бетон охурларни қуриб бўлгандан сўнг пишпириш зарур. Бу ҳолда охурлар анча мустаҳкамланади ва озода сақланади. Ҳар қандай яйловларда ҳам охурларни чимдан қуриб, ички ва ташқи томонларини лой билан суваш мумкин. Бундай охурларни қуришда ортиқча меҳнат ва маблағ сарфланмайди, улар анча арзонга тушади.

Ўзбекистон шароитида охурларни бута шохларидан қуриш усули деярли қўлланилмайди. Аммо шох-шабба мавжуд бўлган жойларда бундай материаллардан фойдаланилса бўлади. Бундай охурларнинг ички ҳамда ташқи томонлари, албатта, лой билан сувалади ва улар анча арзонга тушади.

Қўйларни қўшимча озиқлантириш ишларини уюштиришда ҳаммадан аввал харажатларни ҳисоблаб чиқиб, бу тадбирнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаб олиш зарур.

ҚЎЙЧИЛИҚ БИНОЛАРИ

Қоракўл қўйлар асраладиган чўл районлардаги қишқи ҳамда кўкламги яйловларда чорвачилик бинолари қуриш талаб этилади. Бу бинолар қиш фаслида қўйларни совуқдан, ёмғир ва қордан ҳимоялаш, кўкламда янги туғилган кўзичоқли совлиқларни асраш учун хизмат қилади. Бундай бинолардан қиш мобайнида атиги 10—15, кўкламда эса 10—20 кун фойдаланилади. Улардан фойдаланиш муддати ҳар бир мавсумдаги об-ҳаво шароитларига боғлиқ бўлади. Масалан, баъзи йилларнинг қиш фаслида қоракўл қўйлар қўшор (қўйхона)га қамалмасдан, усти очиқ қўтонларда тутилади. Қўтонлар тўгарак ёки тўғри тўртбурчак шаклида дағал пояли ўсимликлар билан тулроқдан қурилади. Қўтон деворларининг баландлиги 1,5 м гача, диаметри эса 15 м қили-

нади. Қўтоннинг умумий майдони ҳар бир етук қўйга ўрта ҳисобда 0,5 м² жой тўғри келадиган қилиб мўлжалланади. Қўтонга кириш жойи тахминан 2—2,5 м кенликда қилинади. Қўтонга кўпинча махсус дарвоза қилинмай, кириш жойи ходалар ҳамда дағал пояли ўсимлик (асосан шувоқ) боғлари билан тўсиб қўйилади. Қўтонларда қўйларнинг тагига тўшаш учун қий ишлатилади. Қийни ёмғир ёки қор тушиб ҳўлланиб қолишдан сақлаш учун у уюмга босиб қўйилади. Совуқ шамолли кечалари қўйларни қўтонга келтиришдан олдин уюмдаги қий чошиб ташланади.

Бироқ, қўтонларда қўйлар ёғин-сочиндан яхши ҳимоялана олмайди. Қўйларни нобоп об-ҳаво шароитлари таъсиридан ҳимоялаш учун бостирмаси, ем сақланади-




Сурхондарё областидаги Гагарин номи совхознинг қўйхонаси

ган омбори ва чўпонлар турадиган уйчаси бўлган қўшорлар энг қулай ҳисобланади. Урта Осиёда усти ёпилган тўгарак қўтонлар ҳам кўп ишлатилади. Бундай қўтонлардан куз ва қиш фаслларидаги ёғин-сочинли куйлардагина фойдаланилади.

Кейинги йилларда марказий қисми очиқ қолдирилиб, девор ёнлари ичкари томондан ёпилган тўгарак қўтонлар анча кўп қуриладиган бўлди. Бундай қўтонлар қўйларни ёзда кун тиғасидан ҳимоялаш учун жуда яхши ҳисобланади. Бироқ, уларнинг камчилиги шундаки, томинг очиқ қолдирилган қисмидан куз ва қишда ёмғир ҳамда қор ёғиб, бутун майдонни то кўкламги илиқ кунларгача қуримай ётадиган қалин ботқоқликка айлантиради.

Қўшорларни намунавий лойиҳаларга мувофиқ қуриш тавсия қилинади. Қамиш ўсадиган жойларда қўшорларни қамишдан қуриш ёки уларнинг тепасини қамиш билан ёпиш мумкин. Қўшорлар қўтонлардан 2—3 км нарида бўлиши керак, бундай қилинганда қўтонларни қор босиб кетганда қўйлар қўшор ёнидаги майдонда ўтлатилади.



Сурхондарё областидаги Гагарин номли совхознинг тўгарак қўтони

Аскари ҳолларда чўл яйловлардаги қўйларни ёз фаслида паналамасдан кун тиғасида тутадилар. Бунда илғор чўпон бригадалари қўйларни кун тиғасидан ҳимоялаш учун бута ва дағал пояли ўсимликлардан энг оддий бостирмалар қурадилар. Бундай бостирмалар биринчи

навбатда нимжон ҳамда кеч туғилган қўзиларни паналаш учун қурилади.

Бундай пана жойларни чўлдаги қудуқлар атрофига дарахт-бута кўчатлари ўтқазиш йўли билан ҳам барпо қилиш мумкин. Бу кўчатлар қудуқ сувлари билан суғорилиб турилганида тез ўсиб кетади ва қўйлар учун яхши жой бўлади.

Қоракўлчилик хўжаликларининг кузги яйловларида совлиқларни сунъий қочириш пунктлари ҳам қурилади ва бу пунктлар йил сайин ремонт қилиб турилади.

Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий текшириш институти томонидан айрим қисмларга тарқатиладиган кўчма сунъий қочириш пунктлари конструкция қилинди. Бундай қочириш пункти чўлда, айниқса қумли чўлларда совлиқларни яйловларнинг серўт жойларида қочириш имконини беради. Натижада қочириш кампанияси муваффақиятли ўтказилиб, совлиқларнинг деярли ҳаммаси уруғланади ва эгизак қўзиларнинг сони анча кўпаяди.

Жанубий Қозоғистонда совлиқларни кеч кузда ва совуқ кунларда қочиришда ҳаво температурасини зарур даражада тутишга имкон берадиган стационар (доимий) пунктлар қуриш маъқул кўрилади.

ҚҲЙЛАРНИ ЭРТА КЎКЛАМ ҲТЛАТИБ БЎРДОҚИ ҚИЛИШ

Қоракўлчиликда кексалиги ва асрашга ярамаслиги сабабли брак қилинган қўйлар гўшт учун топширилади. Бундай қўйларнинг кўпчилигини кексалиги сабабли брак қилинган қўйлар ташкил этади. Саккиз-тўққиз ойликдаги ахта қўчқорчалар, одатда гўшт учун топширилмай, балки 1,5 ёшигача ўстирилади, натижада ишлаб чиқариш харажатлари ортади, ўтордаги совлиқларнинг салмоғи пасаяди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг турли хўжаликларида қўйларни эрта кўклам ва ёз-куз фаслларида табиий яйловларда ўтлатиб бўрдоқи қилиш усули қўлланилади. Баъзи ҳоллардагина бу усул қишда қўлланилиб, бунда қўйлар яйлов ўтидан ташқари қўшимча ем-хашак билан боқилади. Қўйларни кўкламда ўтлатиб бўрдоқи қилиш учун танлаш ва ўторлар ташкил қилиш иши кўпинча кўкламги қўзилатиш даврида ўтказилади.

Кексайиб қолган совлиқлардан кўкламда бўрдоқи қилинадиган ўторлар ташкил этиш ярамайди. Чунки бу даврда ташкил этилган ўторлар яйлов ўтлари қувраб қуриётган вақтда ўтлай бошлайди. Бундай қўйлар ёз мавсумига келганда кондиция даражасигача семириб улгура олмайди. Қоракўл қўйлар ёзги яйловларда одатда семирмайди, кексалиги сабабли брак қилинган совлиқлар эса аксинча этдан тушиб қолади.

Қўйларни кузда ўтлатиб бўрдоқи қилиш ёздагига нисбатан яхшироқ, эрта кўкламдагига нисбатан ёмонроқ натижа беради. Шу сабабли, кўкламги қўзилатиш даврида урчитишга ярамайдиган қўйларнигина танлаб олиш керак. Бундай қўйлар жумласига турли юқумли касалликлар билан узоқ вақтдан бери оғриётган, масалан, елини шикастланган ёки бошқа оғриқларга учраган совлиқлар киради.

Бу муддатда танлаб олинган қўйлар ёзда ўтлатилиб ва қўлда боқилиб бўрдоқи қилинади. Ёзги бўрдоқи қилиш даврида энг юқори кондиция даражасигача семирмаган қўйлар яна анча вақтгача боқилиб куз фаслида семиртирилганидан сўнг гўшт учун топширилади.

Қоракўлчиликда олти ёшга кирган ва янада кексароқ қўйлар брак қилинади. Бироқ, кейинги йилларда кўпгина хўжаликлар беш-олти ёшлигида брак қилиб, совлиқларни одатдагидан кўра беш-ўн кун эртароқ қочира бошладилар. Қўзилатиш вақтида бу ўторларда туғилган қўзилар ўстириш учун қолдирилмайди. Наслчиликни қондира олмайдиган яхши терили эркак қўзилар тери учун сўйилиб, тери сифати жиҳатидан брак ҳисобланган эркак қўзилар эса боқувчи (эмизувчи) совлиқлар ёнида гўшт учун ўстирилади.

Гўшт учун боқилаётган ўторлардаги совлиқлар қўзиларидан ажратилиши биланоқ кўкламги серсув ўтли яйловларда ўтлатилади ва жуда тез семиради. Бўрдоқи қилиниб гўштга топшириладиган ўторлар учун боқувчи совлиқлар ҳосил қилиш мақсадида битта ёки иккита маҳсус совлуқлар ўтори ажратилиб кузда қочирилади. Бу совлиқлар кексалик сабабли брак қилинган совлиқлардан туғилиб гўштга топшириладиган ҳамда ўстиришга қолдириладиган қўзиларни эмизиш учун ишлатилади. Бундай совлиқларни яйловда ўтлатиб ва қўлда боқиб бўрдоқи қилиш учун танлаш иши ҳам қўзиларни онала-

ридан ажратиш, фермалардаги ҳамма ўторларни хиллаш пайтида ўтказилади.

Демак, гўшт учун топшириладиган ўторларни асосан қўзилар оналаридан ажратилган вақтда, яъни бутун хўжаликдаги қўйлардан ўторлар тузиш пайтида ташкил қилиш керак.

Қоракўл қўйларнинг хизмат муддатларини узайтириш учун кексайган бўлса ҳам, анча соғлом, бақувват ва тишлари нисбатан яхши сақланган совлиқлар танлаб олинади. Бундай совлиқлар қишлатиб чиқарилгандан сўнг, эрта кўклам серсув ўтли яйловларда ўтлатилиб бўрдоқи қилинади. Улар қишда яхши яйлов ва қўшимча озиқ билан таъминланади. Бу совлиқларга ҳар кун 3 кг дан силос бериб туриш маъқул кўрилади. Совлиқларнинг бу группасидан қўшимча қоракўл тери олиш учун улар қочирилган бўлиши зарур. Яйловда ўтлатиб семиртирилаётган совлиқлар 5—10 апрелда қўзилаб бўлиши учун, улар эрта муддатда ва ихтиёрий тартибда қочирилади.

Кексалиги сабабли гўшт учун яйловда ўтлатиб бўрдоқи қилинган совлиқларнинг 500—600 тасидан битта ўтор ташкил қилиш лозим. Агар бундай ўторлар 2000—3000 та совлиқдан ташкил этилганида ҳам уларни кичкина ўторларга бўлиб ўтлатиш керак, чунки ўторлар ҳаддан ташқари катта бўлганида қўйлар яхши семирмайди.

Гўштга топшириш учун мўлжалланган қўйлар чўл ва ярим чўл шароитида ўтлатиб бўрдоқи қилиш техникасини яхши биладиган тажрибакор чўпонларга бирки-тиб қўйилади. Бу ўторлар учун бўрдоқи қилиш даврининг охиригача серўт ва қудуқли яйловлар ажратилади. Бундай ўторлар учун куз ва қиш мавсумларида соғупроқли жанубий чўлларда шuvoқ-эфемер ва шўра ўтлар, қумли чўлларда эса бута-ўтсимон ўсимликлар битадиган яйловлар энг яхши ҳисобланади. Кўкламда бу қўйлар кўк эфемер ўтли яйловларда боқилади.

Яйловда ўтлатиб бўрдоқи қилинадиган ўторларга биркирилган қудуқлар ўз вақтида кўздан кечирилиб, зарур бўлганида ремонт қилиб қўйилади. Яйловлардаги ҳовуз ва сувдонлар ҳам тартибга солинади. Қудуқлардаги сувнинг дебити ва сифати текшириб кўрилади.

Эрта кўклам яйловларда кўк ўтлар етарли ва ҳаво сернам бўлганида қўйлар кун оралатиб, илиқ кунлар бошланиши билан эса кун сайин ва кунга икки марта

суғорилади. Яйловга ҳайдашдан олдин қўйлар сувни жуда ёқтириб ичади ва кечалари яхши ўтлайди.

Кексалик сабабли брак қилинган совлиқ ўторлари куз ва қиш фаслларида тўғри асралиб яхшилаб боқилганида улар анча семиради. Қўзилатиш даврида бу совлиқлардан туғилган ҳамма қўзилар тери учун сўйилади ёки ўстириш учун бошқа совлиқларга қўшилади. Қўзиларидан ажратилган совлиқлар эрта кўкламда кўк ўтли яйловларда боқилиб бўрдоқи қилинади. Ишлар бундай уюштирилганида қўйлар 60—70 кун мобайнида энг юқори даражагача семиради. Бу қўйларни иссиқ кунлар бошлангунча, май охири—июнь бошида гўшт учун топшириш тавсия қилинади.

Яйловда ўтлатилиб бўрдоқи қилинган қўйларни топшириш пунктигача ҳайдаб бориш масаласига алоҳида эътибор бериш зарур. Бу иш яхши уюштирилмаса ҳар қўйнинг вазни 7—10 кг гача камаяди, ҳайдаб бориш иши пухта уюштирилганида эса қўйлар семиради. Шу сабабли, қўйлар ҳайдаб бориладиган йўллар ва улардаги қудуқлар барвақт текшириб ҳамда аниқ белгилаб қўйилиши лозим. Қўйларни бир қудуқдан иккинчисигача кечаси ва эрта тонгда ҳайдаш керак. Қўйларга сув уларни қудуқ ёнига келтирилган пайтда ва ундан ҳайдаб кетишдан олдин ичирилиб, кундуз кунни дам берилади. Қўйларни ҳар суткада ҳайдаб бориш масофаси 12—15 км дан ортиқ бўлмаслиги маъқул, қўйлар бундан узоқ масофага ҳайдалганида уларнинг вазни анча камаяди.

Қўйларни махсус бўрдоқчилик базаларида боқиб ишларини тўғри уюштириш масаласига ҳам эътибор бериш зарур. Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг қоракўлчилик совхозларида ем-хашакни қайта ишлаш пунктлари ташкил этилиб, улар зарур машиналар билан ус-қуналанди. Бу пунктларнинг ҳар бирида шу жойнинг ўзидagi дағал пояли хашаклардан ва озгина миқдорда келтирилган емлардан камида 4—6 минг т аралаш озиқ тайёрлаб қўйилади.

Чўл ва ярим чўл зоналаридаги қоракўлчилик хўжаликларида гўшт етиштиришнинг янги технологияси гўшт учун боқилаётган қўйларни табиий яйловларда ўтлатиш билан бирга механизациялаштирилган стационар ем-хашак тайёрлаш пунктларида бўрдоқи қилишга асосланган. Кейинчалик бу пунктлар қайта ташкил қилиниб,

ихтисослаштирилган гўшт етиштириш фермаларига айлантирилиши керак. Бундай ихтисослаштирилган гўшт етиштириш фермалари учун қўйлар ҳар йилнинг август ойида — ўторни тузиш ва хиллаш даврида танлаб олинади. Бу ферма ўз штатига эга бўлиши ва тўла хўжалик ҳисоби асосида ишлаши лозим.

ҚЎЙЛАРНИ ЯЙЛОВДА ВА ҚЎЛДА БЎРДОҚИ ҚИЛИШ

Ўзбекистонда қўйларни қўлда бўрдоқи қилиш усули «Заготскот» базаларидагина қўлланилади. Қорақўлчилик совхоз ва колхозларида эса бундай усул камданкам ва оз сонли қўйларни бўрдоқи қилишдагина жорий қилинади.

Қўлда бўрдоқи қилиш иши ёпиқ биноларда олиб борилади, бу бинонинг учта девори ер бетидан шипгача яхлит, тўртинчи девори эса очиқ бўлади. Ҳаво алмашииб туриши учун деворларнинг икки метр баландликдаги қисмига дарчалар қилинади. Қўйлар бўрдоқи қилинадиган бинони ускуналашда унинг мол безовталамайдиган бўлишига ҳамда бинонинг ички ярим қоронғи ҳолатда қилишга эътибор берилади. Охурлар, бинодаги ҳамма қўйлар айна бир вақтда келиб, ем-хашакни бемалол ея оладиган қилиб ўрнатилади. Қўлда бўрдоқи қилинаётган қўйларга сув истаганича ичирилади. Сутка мобайнида тоғораларга уч-тўрт марта тоза сув қуйиб турилади. Бинодаги қўйлар группалаб, бошбоқсиз асралади. Фақат бошқа қўйларни безовталайдиган ва урушқоқ қўйларгина бойлаб қўйилади. Қўйлар айрим группаларга ёши, зотлари ва семизлик даражасига қараб танланади. Ҳар бир группада 100—300 та қўй бўлиши керак. Тўғри танланган группалардаги қўйлар ем-хашакни бир меъёрда ейди ва ҳаммаси айна бир вақтда юқори даражагача семиради.

Ҳар қўйнинг суткалик рационига 10 г ҳисобидан туз қўшилади. Қўйларга майда қилиб тортилган туз бериш маъқул кўрилади, чунки кесак туз берилганида уларнинг оғиз бўшлиғидаги шиллиқ парда жароҳатланади. Тузни аввало сувда эритиб, сўнгра ем-хашакни шу эритма билан ҳўллаб берилса ҳам бўлади.

Ўзбекистон шаронтида бўрдоқи қилинаётган қўйларнинг рационига чигит кунжараси ва шулхасини, шунинг-

дек ҳар хил кепак, майдаланган дон ва супуринди ундан иборат тегирмончилик чиқиндиларини ҳамда майдаланиб ем аралаштирилган дағал пояли хашакларни қўшиш зарур.

Думбали ахта қўчқорларни бўрдоқи қилишда вазни 50 кг келадиган қўйларга умумий тўйимлилиги 1,8 озиқ бирлигига, вазни 60 кг келадиган қўйларга эса 2 озиқ бирлигига тенг бўлган миқдорда ем-хашак бериш тавсия этилади.

Бундай рацион умумий тўйимлилик жиҳатидан анча юқори ва ундаги ҳазм қилинадиган оқсил миқдори тавсия этилаётган нормалардагига нисбатан уч барабар ошиқ бўлади. Қўйлар бундай рацион билан боқилганида тез семиради, авитаминоз касалликларига учрамайди ва госсипол билан заҳарланмайди. Аммо, бўрдоқи қилинаётган қўйлар фақат пахтачилик чиқиндилари билангина боқилганида бир ярим-икки ойдан кейин уларда витамин ва минерал моддалар етишмаслик сабабли юз берадиган касалликлар бошланади. Бўрдоқи қилинаётган қўйларни асраш режими ҳам анча катта роль ўйнайди. Бизнинг тажрибамизда қўйидаги режим қўлланилди.

Қўйларни яйловда ўтлатиш ва дам олдириш учун сарфланган соатлар биргаликда кўрсатилди. Қўйлар

20- жиднал

1965 йили бўрдоқи қилинган қўйларни асраш режими

Режим	Вақт, соат ҳисобида	Вақт сарфи	
		соат ҳисобида	% ҳисо- биди
Эрталабки озиқлантиришдан олдин су- ғориш	8—9	1	4,2
Озиқлантириш	9—11	2	8,4
Қудуқ ёнида дам бериш	11—16	5	20,8
Озиқлантиришдан олдин суғориш	16—17	1	4,2
Озиқлантириш	17—19	2	8,4
Қудуқ ёнида дам бериш	19—20	1	4,2
Яйловда ўтлатиш ва дам бериш	20—7	11	45,8
Суғоришдан олдин қудуқ ёнида дам бериш	7—8	1	4,2
Жами	—	24	100

кундуз кунни узоқ вақт қудуқ ёнида дам олдирилгандан ва охурларга солинган қўшимча озиқ билан боқилганидан сўнг кечаси яйловда ўтлатилди. Кечалари ўтлатиш вақтида қўйларга кўп марта дам берилди, лекин ҳар галги дам олиш вақти ярим соатгача, баъзан эса янада камроқ давом эттирилди.

Қўйларнинг рациона 0,8 кг каррак талқони, 0,39 кг чигит шроти ва 7 г туздан иборат бўлди. Бу озиқлар ҳар суткада икки марта яйлов ўтларидан ташқари берилди. Дастлаб майдаланган хашак цементланган озиқ яшиқларига солиниб, ем билан аралаштирилди, сув билан ҳўлланди, сўнгра туз сепилиб, бу аралашма 12—24 соат тутилди. Шу вақт мобайнида яшиқлардаги озиқ яхши намиқиб, хушмаза аралашмага айланди. Бундай рационнинг тўйимлилиқ даражаси қўйидагича бўлди.

21-жадвал

Самарқанд областининг „Улус“ совхозидаги қўйларни қўлда боқиб ва яйловда ўтлатиб бўрдоқи қилишда ишлатилган рационнинг тўйимлилиқ даражаси

Озиқ номлари	кг ҳисобида	Рационнинг тўйимлилиги					Озиқ бирлигининг жамига нисбатан, % ҳисобида
		озиқ бирлиги, кг	ҳазм бўладиган протеин, г	кальций, г	фосфор, г	каротин, мг	
Каррак талқони	0,8	0,4	27	4	3	10	47
Чигит шроти	0,39	0,45	130	1,8	7	—	53
Жами	1,19	0,85	157	5,8	10	10	100
Вазни 50 кг келадиغان қўйга норма юзасидан берилиши керак	1,75	1,75	130	5,3	3	10	100
Плюс (+), минус (—)	—	—0,90	+27	—0,5	+7	+	
Рационнинг яйлов ўтлари билан қопланган қисми	5	0,90	80	14,5	3,5	150	51,4

Қўйларнинг озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжи 51,4% миқдорда яйлов ўсимликлари билан, 48,6% миқдорда қўшимча озиқ ҳисобига қондирилди. Рационни анализ қилиш натижалари унинг тўйимлилиги қониқарли даражада ва ундаги ҳазм қилинадиган протеин анча ортиқ миқдорда бўлганлигини кўрсатди.

Қўйлар гўшт учун топширишга тайёр бўлган сари танлаб олиниб, уларни бўрдоқи қилиш тўхтатилди. Биринчи иккита группадаги 968 қўйни қўшимча озиқ-лантириш учун сарфланган ем-хашак ва маблағ миқдори қўйдаги 22-жадвалда келтирилди. «Улус» совхозидан бу сарфларни ҳисоблашда бир ц каррак пичаннинг таннарихи 1 сўм 27 тийин, талқон қилинган каррак пичанники эса 1 сўм 55 тийинга тушганлиги аниқланди. Бир ц чигит шротнинг қиймати 2 сўм 94 тийинни ташкил қилди. Шу тариқа, карракнинг бир озиқ бирлиги 3 сўм 12 тийин, шротники эса 2 сўм 46 тийинга тенг бўлди.

Бўрдоқи қилиш даврида совлиқларнинг семириши қўйдагича бўлди.

Совлиқларнинг 978 бошдан иборат биринчи группаси икки қисмга бўлиниб, 20 ва 29 сентябрда Самарқанд гўшт комбинатига топширилди. Топширилган ҳамма совлиқларнинг семизлиги ўртачадан юқори ва 20 та совлиқники энг юқори даражада, ялпи вазни эса 43134 кг келди. Битта совлиқнинг ҳисобга олинган ўртача вазни 44.5 кг ни ташкил қилди.

Ўтган йили совхоз гўшт учун топширилган ҳар қўйдан ўрта ҳисобда 5 сўм 80 тийиндан 7 сўм 30 тийингача зарар кўрган эди, 1956 йилда эса ўрта ҳисобда 98 тийиндан фойда қилди.

22-жадвал

Қўйларни бўрдоқи қилишда сарфланган қўшимча ем-хашакнинг миқдори ва қиймати

Ем-хашак турлари	Ҳар қўйга бир кунда егизилган озиқ				Ҳар қўйга 84 кунда егизилган озиқ		
	миқдори		қиймати		миқдори	қиймати	
	кг ҳисобда	озиқ бирлиги ҳисобда	сўм	тийин	кг	сўм	тийин
Каррак талқони	0,8	0,4	1	25	67,2	1	4
Шрот	0,39	0,45	1	15	32,7	—	95,5
Туз	0,007	—	—	—	0,59	—	—
Жами	—	0,85	2	40	—	1	99

Совлиқларнинг бўрдоқи қилиш давридаги вазни

Кўрсаткичлар	Бўрдоқи қилишга қўйилган вақт					
	3/VII	13/VII	23/VII	7/VIII	27/VIII	15/IX
Битта совлиқнинг ўртача вазни, кг	39,6	42,6	43,7	45	47,1	48
Максимал вазни, кг	50,8	53,8	54	54,7	56,6	56,9
Минимал вазни, кг	32	34,8	35,1	36,6	38,4	39
Ҳисобга олинган даврнинг давомлилиги, кун ҳисобида	—	10	10	15	20	19
Ҳисобга олинган даврда ҳар совлиқнинг семириши, кг ҳисобида	—	3	1,1	1,3	2,1	0,9
Битта совлиқнинг ҳар суткада ўртача семириши, г ҳисобида	—	300	110	87	105	47

Бинобарин, бўрдоқи қилиш даврида ҳар совлиқнинг вазнини 45—48 кг га етказиш керак. Бунга эришилганида совлиқларни қўшимча озиқлантириш учун қилинган харажатлар ортиғи билан қопланади. Юқорида келтирилган тажрибада ҳар қўйнинг вазнини 1 кг ошириш учун 8,5 озиқ бирлиги сарфланди. 1 кг озиқ бирлигининг қиймати 2 сўм 82 тийинга, қўйларнинг вазнини 1 килограмм ошириш эса 21,1 тийинга тушди.

24- жадвал

Ахта қўчқорларни бўрдоқи қилишда қўшимча озиқлантиришга сарфланган озиқ ва маблағ

Озиқ турлари	Ҳар қайси ахта қўчқорни бир кунда боқиш учун сарфланган озиқ				Ҳар қайси ахта қўчқорга 51 кунда сарфланган озиқ			
	миқдори		қиймати		миқдори		қиймати	
	кг ҳисобда	озиқ бирлиги ҳисобда	сўм	тийин	кг ҳисобда	сўм	тийин	
Каррак талқони	0,64	0,32	1	—	39	—	60,7	
Шрот	0,39	0,45	1	15	23,8	—	70,1	
Туз	0,006	—	—	—	0,36	—	—	
Жами	—	0,77	2	15	—	1	30,8	

Кексалиги сабабли брак қилинган совлиқлардан ташқари, ўтган йили туғилган 770 та ахта қўчқорча 29 июлда бўрдоқи қилишга қўйилди. Бу қўчқорчалар ҳам совлиқлар сингари асралди, аммо уларнинг ҳар қайсисига бир суткада 640 г дан каррак талқони берилди. Бу тажрибада қуйидаги натижаларга эришилди (24-жадвал).

Қўйларга бу озиқлар яйлов ўтидан ташқари берилди. Қўшимча озиқларни бундай сарфлашда ахта қўчқорларнинг вазни қуйидагича ошди (25-жадвал).

Бўрдоқи қилинган қўйлар 29 сентябрда гўшт комбинатига топширилди. Ҳар қўйнинг бўрдоқи қилишга қўйилган вақтдаги ўртача вазни 34,1 кг келди, 51 кундан кейин 40,6 кг га етди. Ўттизта қўйдан иборат гурӯҳда дастлабки ўн кунда қўйларнинг вазни суткасига 270 г дан, 19 кундан сўнг эса суткасига 116 г дан ўсди. Ахта қўчқорлар кейинчалик тортиб кўрилганда уларнинг ҳар суткадаги ўртача ўсиши камай борди. Бу контроль тортиш натижалари қўйларнинг қониқарсиз боқилганлигини кўрсатади. Ўсиб келаётган ахта қўчқорларга озиқни кўпроқ бериш керак эди, амалда эса қўшимча озиқ ҳам, яйлов ўтлари ҳам керагидан кам бўлди.

25-жадвал

Ахта қўчқорларнинг бўрдоқи қилиш давридаги вазни

	Бўрдоқи қилишга қўйилган вақт				
	29/VII	8/VIII	27/VIII	6/IX	18/IX
Ҳар қайси қўйнинг ўртача вазни, кг	34,1	36,8	39	39,8	40,6
Максимал вазни, кг	46	47	47,2	47,4	48,8
Минимал вазни, кг	26,4	27,4	29,5	30,3	31,1
Ҳисобга олинган даврнинг давомлиги, кун ҳисобида	—	10	19	10	12
Ҳисобга олинган даврда ҳар қўйнинг семириши, кг ҳисобида . .	—	2,7	2,2	0,8	0,8
Битта қўйнинг ҳар суткада ўртача семириши, г ҳисобида	—	270	116	80	67

Бўрдоқи қилинган 770 та ахта қўчқордан гўшт комбинатига топшириш учун 20 сентябрда атиги 251 таси танлаб олинди. Ҳамма гурӯҳдаги ахта қўчқорларнинг ҳар бирини ҳисобга олинган ўртача вазни 39,2 кг дан

ошмади. Бўрдоқи қилишга қўйилган вақтдаги ўртача вазни эса, юқорида айтганимиздек, 34,1 кг эди. Яйловдан яйловга ҳайдаш вақтида ахта қўчқорларнинг вазни кекса совлиқларникига нисбатан озроқ камайди.

Қўйларни яйловда ўтлатиб ва қўлда боқиб тезроқ семиртириш учун уларга ҳар суткада бериладиган қўшимча озиқ нормасини ошириш керак.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосан шундай хулоса чиқаришимиз мумкинки: гўштга топшириладиган қоракўл қўйларни бўрдоқи қилиш иши зарар бермаслиги учун, кексалиги сабабли брак қилинган совлиқларни ҳамда турли ёшлардаги ахта қўчқорларни яйловда ўтлатиб ва қўлда боқиб бўрдоқи қилишда майдаланиб ем аралаштирилган хашак билан таъминлаб туриш зарур. Бу аралаш озиқни яйлов ўтига қўшимча қилиб бериш керак. Қўйларни бўрдоқи қилиш муддати 60 кунда тугаллаш лозим. Бўрдоқи қилиш муддати бундан узоққа чўзиш иқтисодий жиҳатдан мўлжалланган натижани бермайди.

ҚУЙЛАРНИ ЛАЛМИКОРЛИҚДАГИ СУДАН УТИ ВА МАХСАР ЭКИНЛАРИДА УТЛАТИБ БҮРДОҚИ ҚИЛИШ

Қўйларни лалмикорликдаги ҳар хил экинларда, биринчи галда судан ўти ва махсар экинларида ўтлатиб бўрдоқи қилиш қоракўлчилик хўжаликларида давлатга топшириш учун қўшимча гўшт етиштириш имконини берадиган жуда рентабел тадбирдир. Буни мисоллар билан тушунтириб ўтамыз. Сирдарё областидаги К. А. Тимирязев номли совхозда техника билан яхши қуроллантирилган деҳқончилик хўжалиги бор. Бу совхоз йил сайин анча миқдорда дон ва хашак етиштирмоқда. 1955 йилдан бошлаб совхозда чорва молларни ўтлатиш учун дон ва хашаки экинлар ўстирилмоқда. Деҳқончилик юксак йўлга қўйилганлиги туфайли совхознинг ҳамма қўйлари ва бошқа маҳсулдор моллари хилма-хил озиқлар билан таъминланмоқда. Бироқ, совхознинг ишлаб чиқариш фаолиятини анализ қилиш натижаларида у қўйларни гўшт учун топширишдан ҳар йили зарар кўраётгани маълум бўлди. Бу хўжаликда ем-хашак запаслари ва техника етарлик бўлишига қарамай, давлатга асосан семизлик даражаси ўртача ва янада пастроқ

қўйлар топширилмоқда. Бу аҳволни бартараф қилиш мақсадида қоракўл қўйларни судан ўти экилган участкаларда семиртириш тавсия этилди. Совхозга биркитиб қўйилган табиий яйловлар кам ҳосил бўлгани ҳолда, лалми ерларга экилган судан ўти анча мўл ҳосил бериши мумкинлиги эътиборга олинди.

Буни синаб кўриш мақсадида 1956 йили совхоздаги судан ўти экилган лалми ерлардан, гўшт учун топшириладиган қўйларни, оналаридан эрта ажратилган қўзиларни ҳамда эмизикли совлиқларни ўтлатиш учун фойдаланилди. 1956 йилнинг апрелидан декабригача бу ерларда ёғингарчилик бўлмади. Шу тариқа ёз фасли қуруқ, иссиқ ва ёғинсиз бўлди. Июнь ойида соя жойдаги иссиқлик 45° гача кўтарилиб, фақат тунги соат 11 дагина 37° га пасайди. Шундай қилиб, йилнинг об-ҳаво шароитлари табиий ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун нобоп келди. Шунга қарамай, 1—5 майда экилган судан ўти яхши ўсди ва яхши ривожланди. 23 июнга келиб бу экиннинг ҳар гектаридаги кўкат ҳосили 52,2 ва пичан ҳосили 10,1 ц га етди. Эфемер ва дағал пояли ўт аралашмалари ўсадиган табиий яйловларнинг ҳар гектаридаги ўртача кўкат ҳосили эса атиги 6,7 ц бўлди.

Ёзги табиий шароитлар жуда нобоп келиб, ҳатто куз фасли қуруқ ва ёғинсиз бўлганида ҳам судан ўти яхши кўкариб, қўйларни ўтлатиш учун ярайдиган анғиз беради. Бундай участкалар совлиқларни қочирришга тайёрлаш учун серсув ўтлар зарур бўлган даврларда айниқса муҳим роль ўйнайди. Витамин, углевод ва оқсилларга бой бўлган кўк, серсув яйлов ўтлари совлиқларнинг табиий серпуштлигини оширади. К. А. Тимирязев номи совхознинг табиий яйловларида куз фаслида серсув ўтлар бўлмаса ҳам, бундай кўкат озиқ судан ўти экиши йўли билан яратилади.

Кексалиги сабабли брак қилинган ва эмизикли совлиқларни ҳамда шу йили туғилиб оналаридан эрта муддатда ажратилган қўзиларни судан ўти экилган участкаларда ўтлатиш жуда яхши натижа берди. Бу совхозда 19 июнда судан ўтининг бўйи 95 см га етиб, уни кўм-кўк бўлиб турган даврида қўйлар анча ёқтириб ейди. Қўйлар биринчи кунлари ўтлатилганидан кейин судан пояларининг баландлиги 30—50 см га тенг бўлди. Июлда қўйлар асосан судан ўтининг пастки ҳамда ўрта

қисмларидаги серсув ёш барглариғина еганлиги сабабли, ўсимлик поялари бутунлиғича қолди. Бу ўтлар сийрак жойлашган ва уларнинг баландлиги 150 см гача ўсганлиги туфайли, судан ўти экилган майдонда ўтлаётган қўйлар худди қамишзорда юргандек кўмилиб юради, пояларни синдирмайди ва экинни пайхон қилмайди. Шу билан бирга қўйлар бу ўтни жуда ёқтириб ейди ва семиради. Судан ўтини кексайиб қолган тишсиз совлиқларғина эмас, балки шу йили туғилган қўзилар ҳам жуда ёқтиради. Қўйлар судан ўтининг неча процентини еганлиги икки марта — 30 июнь ва 20 июлда текшириб кўрилди. Бу текширишлар натижасида қўйлар ўсиб турган судан ўтининг июнда 80,7 ва июлда 73,5% ни еганлиги аниқланди.

Қўйлар судан ўтида 19 июндан 8 июлгача эрталаб соат 7 дан 9 гача ёки кечқурунги соат 18 дан тунги 20 гача ўтлатилди. Қўйлар бу ўтни, айниқса унинг яшил қисмларини жуда хуш кўриб ейди ва тез тўйинади.

Кексайиб тишлари ейилганлиги сабабли брак қилинган совлиқларнинг вазни ўша даврдаги ҳар суткада ўрта ҳисоб билан 141 г ортди. Аммо, 8 июлдан 5 августгача бўлган даврда қўйларнинг ҳар суткадаги ўртача семириши 14 г дан ошмади.

Шу тариқа, қоракўл қўйларни ярим чўл зонасидаги суданпояда ўтлатиш борасидаги биринчи тажриба бу экин қўйлар учун жуда фойдали эканлигини кўрсатди. Бироқ, бунда шуни уқтириб ўтишимиз керакки, қўйларни суданпояда ўтлатишга июнь бошида, яъни бу ўсимлик тупланаётган ва поя чиқара бошлаб уларнинг бўйи 40—50 см га етган даврда киришиш зарур. Суданпояда қўйлар эрта ўтлатилганида бу ўт янгидан кўкаради, шу сабабли ёзги иссиқ кунларда ҳамда кузги қочиршидан олдинги даврда совлиқлар серсув яшил ўтни еб тез семириши мумкин. Оналаридан ажратилгандан кейин суданпояда ўтлатилган қўзилар ҳам яхши ривожланади ва тез ўсади.

Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий тадқиқот институти томонидан Самарқанд областидаги «Қарноб» давлат наслчилик заводида кексайганлиги сабабли брак қилинган совлиқларни махсар экинида ўтлатиш қандай натижа берганлигини аниқлаш мақсадида биринчи тажрибалар ўтказилган эди. Бу тажрибалар яшил махсарни қўйлар ёқтириб еганлигини ва яхши ҳазм қилганини

кўрсатди. Бунда махсар таркибидаги қуруқ модда 66,4, хом протеин 75,3, хом жир 45,1, хом клетчатка 51,1 ва азотсиз экстрактив модда 75,6% ҳазм бўлганлиги аниқланди. Қўйларни махсар билан боқишда азот, кальций ва фосфор баланслари ҳам қониқарли бўлди.

Қўйлар ўсиб турган махсарни сутка мобайнида 11,2—12,3 кг миқдорда ейди, озиқ моддага айлантириб ҳисоблаганимизда бу 2,51—2,75 озиқ бирлиги ва 70—80 г ҳазм қилинадиган протеинга тенг бўлади. Махсардан иборат бундай суткалик рацион қўйларга жуда яхши таъсир қилди, уларнинг семизлик даражаси ва ҳар суткада семирishi жуда салмоқли бўлди.

Кексалиги сабабли брак қилинган совлиқларни махсар экинларида ўтлатиш уларга жуда яхши таъсир қилса ҳам, лекин бу экинни силос тайёрлаш учун ишлатиш янада фойдалироқ. Чунки махсарнинг ўсув даври жуда қисқа бўлгани учун ундан қўйларни узоқ вақт ўтлатишда фойдаланиб бўлмайди. Махсар силосини экин далалари ёнида тайёрлаб, шу жойнинг ўзига қўзили совлиқларга ҳамда гўшт учун топшириладиган қўйларга егизиш керак. Махсар яхши силосланади ва ундан эртаги силос тайёрлаш учун фойдаланиш мумкин. Махсар силосини қўйларга яйлов ўтлари қувраб қуриган даврда егизиш яхши натижа беради. Тери сифати жиҳатидан брак қилиниб, шу йили гўштга топшириладиган эркак қўзиларни махсар силоси билан боқиш маъқул кўрилади.

ТЕРИ СИФАТИ ЖИҲАТИДАН БРАК ҚИЛИНГАН ЭРКАК ҚОРАҚҮЛ ҚЎЗИЛАРНИ ГҶШТ УЧУН ЯЙЛОВ ВА ҚҮЛДА БОҚИБ СЕМИРТИРИШ

Ўрта Осиё ҳамда Жанубий Қозоғистон қоракўлчилигида қўй гўшти етиштириш ва унинг таннархини арзонлаштиришга имкон берадиган катта резервлардан бири — эрта туғилиб, тери сифати жиҳатидан брак қилинган тоза зот эркак қўзиларни яйлов ва қўлда боқиб семиртиришдир.

Чет эл қоракўлчиларининг фикрича, сифатсиз терили қоракўл қўзиларни тери учун сўймасдан, шарт-шароит имкон берадиган жойларда ўстириш ва семиртириб вазнини 30—32 кг га етказгандан сўнг сотиш яхши натижа беради. Бу тадбирлар чет мамлакат бозорларига

чиқариладиган сифатсиз қорақўл тери сонини камайтирибгина қолмай, фермалар учун ҳам анча фойдалидир, чунки ахта қўчқорларнинг гўшти, уларнинг сифатсиз териларига қараганда анча кўпроқ даромад беради.

Урта Осиё ва Жанубий Қозоғистон шароитидаги қорақўлчилик хўжаликларида тери сифати жиҳатидан брак қилинган эркак қўзиларни интенсив ўстириш йўли билан қўшимча гўшт етиштириш мумкин.

Қорақўл совлиқларни эрта ва қиш фаслида қўзила-тиш ҳам анча миқдорда сифатли қўзи гўшти етиштириш имконини беради. Оналаридан ажратилган қўзилар амалдаги нормалар юзасидан озиқлантириб бўрдоқи қилинганида вазни 40 кг келадиган эркак қўзиларни гўшт учун топшириш мумкин. Қўзилар шу даражага етказилиб топширилганида, ҳар қўзидан 4—5 сўм даромад олинади. Қўзиларни бўрдоқи қилишда қуйидаги норма-лар қўлланилади (26-жадвал).

26-жадвал

Қўзиларни бўрдоқи қилиш нормалари¹

Қўзиларнинг ёши, ой ҳисобида	Вазни, кг ҳисобида	Озиқ бирлиги	Ҳазм бўладиган протеин, г ҳисобида	Ош тузи, г ҳисобида	Кальций, г ҳисобида	Фосфор, г ҳисобида	Каротин, мг ҳисобида
Жадаллаштириб боқишда							
3	25	750	100	3—5	3	3	0,5
4	32	1000	150	3—5	4	2,5	0,7
5	39	1200	140	—	5	3	0,8
6	46	1400	130	5—8	5,2	3,2	0,9
Нормал боқишда							
7—10 ойлик	20	700—900	75—100	5—8	2,5—3,5	1,9—2,2	0,4—0,6
	30	1000—1150	95—120	5—8	3,5—4,5	2,1—2	0,5—0,7
	40	1300—1500	100—125	5—8	4,8—5,6	2,4—2	0,6—0,8
	50	1450—1700	115—130	5—8	5—6	2,7—8	0,7—0,9

Қўзилар 6—8 ойлик бўлганида уларнинг вазнини 40—45 килограммга етказиш учун улар жадаллаштирилган усулда бўрдоқи қилинади. Қишда туғилган қўзилар нормал бўрдоқи қилинганида оналаридан ажратилгандан кейин яйловда қолдирилиб, уларга яйлов ўтидан

¹ А. В. Моляновнинг 1959 йилги маълумотларидан олинди.

ташқари жайдари хашак билан емдан тийёрланган қўшимча озиқ бериб турилади ва яйлов даври охирига бериб, 6—8 ойлик бўлганда, уларнинг вазинни 40—45 кг га етказиш кўзда тутилади. Кузги яйловлар етишмаганида қўзилар қўлда боқилиб бўрдоқи қилинади.

Юқорида келтирилган маълумотлар тери сифати жиҳатидан брак қилинган эркак қўзиларни 7—9 ойлигида гўштга топшириш учун бўрдоқи қилиш фойдалилигини кўрсатади. Бу қўзиларни гўшт учун топшириш муддатлари совлиқларни қўзилатиш вақтига ва озиқ шароитига боғлиқдир. Бироқ шуни назарда тутиш керакки, қўзиларнинг вазни фақат бир ёшга тўлгунча жадал ўсади. Экинзорларнинг ҳар 100 гектари ҳисобига топширилдиган қўй гўштини тобора кўпайтириш ва унинг таннархини арзонлаштириш учун қўзиларнинг ўсишидаги бу хусусиятни, албатта, эътиборга олиш керак.

ЯЙЛОВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

ҚўИЛАРНИ ЎТЛАТИШ СИСТЕМАСИ

Ҳар қандай табиий зонадаги турли яйловларда қўйларни тўғри ўтлатишнинг энг самарали системаси — яйловлари загон (тахта)ларга бўлиб, бу загонлардан навбатма-навбат фойдаланишдир.

Загон системаси яйловлардан ёппасига фойдаланиш ўрнига қўлланилади. Яйловлардан ёппасига фойдаланилганида, қўйлар яйлов ўтларининг ривожланиш даражасини ҳисобга олмай ўтлатилади, натижада яйловларнинг ҳосилдорлиги анча пасаяди. Бу яйлов ўтлари тезда пайхон қилинади ва яйлов ишдан чиқади.

Қўйчилик хўжаликлари учун қўйларни загон системасида ўтлатиш баъзи бир касалликлар, айниқса гижжа касалликларининг олдини олиш жиҳатидан ҳам муҳим роль ўйнайди.

Академик К. И. Скрябин маълумотларига кўра, ҳайвонларнинг ахлати билан паразит қуртчаларнинг тухум ёки личинкалари чиқарилади, ташқи муҳит шароитлари қулай келганида бу личинкалар бир неча кунда ўсиб етилади. Бу паразит тухумлар ҳамда ўсиб етилмаган личинкалар билан ҳайвонлар зарарланмайди. Тухум ва личинкаларнинг ривожланиши учун температура (иссиқлик) плюс 8 дан плюс 40° гача ва ҳаво бирмунча нам бўлиши зарур. Личинкаларнинг ривожланиши учун

плюс 20—25° температура энг мувофиқ бўлиб, бундай температурада улар беш-олти кун мобайнида ўсиб етилади. Бу личинкалар юқшининг олдини олиш учун мунтазам суратда, ҳар беш-олти кунда бир марта яйловларни алмаштириб ва молларни янги участкаларга ҳайдаб туриш зарур. Агар личинкаларнинг ривожланиши учун қулай шароит бўлмаса, улар бир йил мобайнида қирилиб кетади. Бинобарин, юқумли (инвазион) личинкалар билан зарарланган яйловлар бир йилдан кейин ўз-ўзидан юқумсизланиб қолади ва улардан узоқ вақт фойдаланилмаса, бу, диктиокаулез ва гемонхоз сингари юқумли касалликларнинг олдини олишда яхши натижа беради. Ҳеч иложи бўлмаган ҳоллардагина, илгари моллар ўтлатилган яйловларга икки ой ўтгандан кейин янгидан мол қўйиш мумкин.

Бироқ, Ўрта Осиё ва Қозоғистон шароитида, РСФСРнинг марказий қисмидагига нисбатан, қўйларни загон системасида ўтлатиб, яйловларни мунтазам суратда алмаштириб туриш анча қийин масала. Бу районларда тез-тез алмаштириб туриш учун яйлов майдонлари ва қудуқлар етишмайди, яйловлардан ёппасига фойдаланиш натижасида гижжа касалликлари етказадиган зарарларга ва бунинг олдини олиш масалаларига эътиборсиз қаралади.

Я. Д. Никольский гелминт (гижжа)ларнинг биологияси ва эпизоотологиясини ўрганиш асосида, Ўзбекистон ветеринария институтидagi илмий ходимлар коллективи (В. С. Ершов, М. П. Шибает, Е. Ф. Монина, М. И. Сопельченко, Ф. С. Саримсоқовлар) билан биргалашиб, Ўзбекистоннинг чўл ва ярим чўл зоналари учун қўйларни гижжа касалликларидан ҳимоялашнинг бирмунча бошқачароқ усулини ишлаб чиқди.

Геогелминт личинкалари ташқи муҳитда инвазион стадиягача ривожлана олмасдан нобуд бўлади. Чўл шароитида ёзги иссиқлик, қуёш нурлари, қуруқ ҳаво ва шамоллар инвазион личинкаларни нобуд қилади. Қўйлар бу личинкалар билан куз-қиш ва эрта кўклам фаслларида зарарланади. Бу даврдаги ҳавонинг иссиқлик ва намлик даражаси личинкаларнинг тўла ривожланиб етилишини анча қулайлаштиради.

Кўклам-ёз фаслларида яхши боқилиб етарли даражада семирган қўйларнинг организмидаги личинкалар июль-август ойига келиб ўз-ўзидан тозаланади, натижа-


да бундай қўйлар диктиокаулез ва строгилят касалликларидан тамоман соғайиб қолади. Етарли даражада семиртирилмаган озгин қўйларнинг организми эса геогелминтозларнинг ўсиши ва ривожланиши учун қулай муҳит бўлганидан, бундай қўйлар ўша паразитлар билан зарарланганича қолаверади. Шу йили туғилган қўзилар сентябрь-октябрь ойигача геогельминтозлар билан зарарланмайди. Қўйларнинг шу хусусиятига асосан, бирталай авторлар нимжонлашиб қолган, паразит тарқатувчи бўлган қўйларни соғайтириш йўли билан етук қўй ҳамда қўзилардан соғлом ва сермахсул ўторлар яратишга мўлжалланган қўйидаги усулни таклиф қилмоқдалар.

Бу усул қўлланилганида қўйлар геогельминтлар билан заҳарланиш жиҳатидан хавфли бўлган даврларда — йилнинг куз, қиш ва эрта кўкламги фаслларида учта группага ажратиб асралади. Шу билан бирга кўжаланишнинг кузги яйловлари августдан бошлаб алоҳида сув манбалари бўлган учта қисмга бўлинади. Августда қўзилар оналаридан ажратилгандан сўнг: 1) шу йил туғилган қўзилар, 2) семирлиги ўртачадан паст, одатда паразит тарқатувчи бўлган қўйлар, 3) етарлик даражада семирган соғлом қўйлардан иборат учта группага бўлинади. Учинчи группадаги қўйлар асосий ўтор ҳисобланади. Қўйларнинг бу группасига биркичи қўйилган яйлов участкалари загонларга бўлиниб, загонларда қўйлар навбатма-навбат ўтлатилади.

Қўйларни яйлов территориясидан ҳайдаб ўтишда қўйидаги тартибни қўлланиш тавсия қилинади: дастлаб қўзилар, сўнгра асосий ўтор ва улардан кейин нимжон, озгин қўйлар ҳайдалади, қишки ва кўкламги яйловларда ҳам қўйлар ўша тартибда ўтлатилади. Қўйлар юқумсизлантирилган яйловларда бундай алоҳида группаларга ажратиб ўтлатилганида қўзилар кўкламгача соғайиб қолади, яхши ривожланиб сермахсул қўйларга айланади. Нимжон, озгин қўйлар яхши шароитда боқилиб, вақт-вақти билан дегельминтозациа қилиш асосида соғайтирилади.

Қўйларни соғайтириш ва гелминтоз касалликларига қарши курашнинг бу усули Қашқадарё областидаги «Нишон» совхозида синаб кўрилди. Натижада эрта кўкламга келиб тажриба фермасидаги қўзилар, етук қўйларга нисбатан, 2—15 барабар камроқ зарарланганлиги

аниқланди. Контроль (одатдагича асралган) фермадаги қўзиларда диктиокаулез касаллиги етук қўилардаги билан бир даражада, стронгилидоз касаллиги эса анча кучлироқ бўлди. Шу тариқа, юқоридагича ишлаб чиқилган соғайтириш тадбирларини кенг қўламда жорий қилиш лозим.



«Равнина» совхозида бош чўпон Қанотбой Сисенов томонидан яйлов территориясида қўиларни ўтлатиш схемаси

А — сув манбаи; Б, В, Г, Д — Сисенов ўторига бирикитилган яйлов территорияси;
1 — 26 яйлов территориясида қўилар навбатма-навбат ўтлатиладиган тахминий участкалар

Қорақўл қўиларни яйловда асраш борасида катта тажриба қозонган илғор чўпонлар ўзларининг кундалик практикасида қўиларни загонларга бўлинган яйловларда навбат билан ўтлатиш усулини қўлланмоқдалар. Масалан, Туркманистондаги «Равнина» совхозининг бош

чўпони Қанотбой Сисенов ўз ўторига биркитиб қўйилган яйловни айрим участкаларга бўлиб, улардан навбатма-навбат фойдаланди. Қўйларни дастлаб қудуқ ёнидаги яйловда ўтлатиб сўнгра қудуқдан аста-секин узоқлашиш йўли билан уларни янгидан-янги яйловларга ҳайдайверади. Шу сабабли Қанотбойнинг қўйлари йил бўйи бир меъёрда тўйинади. Ёзги иссиқ кунлари қўйларни кун сайин суғориб туриш зарур бўлгани учун у ёз фаслида қўйларни қудуққа яқин яйловларда ўтлатади. Суғорилган қўйларни суғоришдан олдин ўтлатилган яйловларга қўяди, бундай қилинганида қўйлар ўсимликларнинг илгариги ўтлаш вақтида ейилмай қолган қисмини хуш кўриб ейди. Қўйлар етарли даражада тўйинганидан кейин, Қанотбой уларни яйловларнинг шу вақтгача фойдаланилмаган участкасига кўчиради. Бу участкаларда қўйлар янги ўтларни зўр иштаҳа билан ейди. Кўкламда ва кузда Қанотбой қўйларни сийракроқ, суғоради, шу сабабли бу даврда у ўз ўторини қудуқдан узоқроқдаги яйловларга ҳайдайди. Совлиқларни қочириш даврида эса у қудуқ ёнидаги серўт яйловлардан фойдаланади ва қўйларни кун сайин суғориб туради.

Ўтлатиш техникасига доир асосий усуллар. Теналик, паст-текислик участкада қўйлар «яйратиб», текис ёки салгина нишаб участкаларда эса камбар қаторлаб ўтлатилади. Қўйларни яйловдан ҳайдаб ўтишда улар йўл-йўлаккай ўтлаб кетаверади. Ўз ишини обдон билиб олган илгор чўпонлар қўйларни бундай ҳайдаб ўтишда деярли чарчатмайди.

Яйловлардан энг самарали фойдаланиш ва ҳамма қўйларни бир меъёрда тўйдириш учун ўторни чап ёки ўнг «қаноти» билан қайирадилар. Қайрилиш вақтида ўторнинг олдидаги қўйлар кетига ўтса, бундай қайирилишни тўла қайирилиш дейилади. Ўторни тўла қайиришда заиф ёки кўрқоқ қўйлар ўторнинг олдида бориб, янги ўтларни ейиши ва яхши тўйиниши мумкин. Ўторни ҳар гал яйловга чиқаришда, қўйлар қанча вақт ўтлатилиши, яйловларнинг типи ва йилнинг мавсумига боғлиқ бўлиб, ўтор бир ёки икки марта тўла қайирилади. Қўйларни ўтлатиш вақтида ўторни зарур томонга йўналтириш керак бўлганида уни чала қайиришга ҳам тўғри келади. Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистон шароитида баъзи чўпонлар йилнинг илиқ фаслида қўйларга дам бериш жойларини алмаштириб турадилар. Бу тадбир

яйлов ўтларини пайҳон қилинишидан сақлаб қолиш ва ҳар суткада қўйларни яхшироқ тўйдириб ўтлатиш имконини беради.

ЯЙЛОВ ОБОРОТИ

Қорақўл қўйларни ўтлатиш учун яйловлардан сурункасига фойдаланавериш улардаги ўсимликларнинг ботаник состави пасайишига ва ҳосилдорлиги камайишига сабаб бўлади. Қум чўлларидаги яйловларда қўйлар ҳаддан ташқари узоқ вақт ўтлатилганида, яйловлар ўсимликсиз кўчма қум тепаларга айланади. Чўлдаги яйловлар нотўғри фойдаланилганида ҳаммадан аввал қудуқлар атрофидаги 3 км гача доирада молга яхши озиқ бўладиган ўсимликлар йўқолиб, улар ўрнига исриқ пайдо бўлади. Бу ҳодисанинг олдини олиш учун яйловларни алмаштириб туриш, яъни яйлов оборотини жорий қилиш зарур.

Яйлов обороти деганда — табиий яйловлардан тўғри фойдаланиб, улардаги ўсимликларни сақлаб қолиш ва ҳосилдорликни ошириш йўли билан молларни сермаҳсул қилиш тушунилади.

Яйловлардан самарали фойдаланиш деганда мавсум мобайнидагина эмас, балки бир неча йиллар мобайнида яйловларни тўғри ишлатиш тушунилади. Яйлов оборотини кўкат конвейр билан тенглаштириш ярамайди. Яйлов оборотининг айрим йилларга мўлжалланган ҳамда яйловлардан фойдаланиш ва уларни парвариш қилиш системаси кўрсатилган ротацияси бўлиши лозим. Яйлов оборотининг схемалари ҳар жойнинг хўжалик ва табиий шароитлари эътиборга олиниб ишлаб чиқилади.

Яйлов обороти қўлланилганида яйловлар ҳар жойнинг ўсимлик тупроқ ва рельеф типига, сув сифатига, сув манбалари мавжудлигига, сизот сувларнинг жойлашиш чуқурлиги ҳамда янги сув манбалари яратиш имкониятига қараб алмаштириб турилади.

Яйлов оборотини жорий қилиш учун йилнинг ҳамма мавсумларида фойдаланишга ярайдиган ва чучук ёки салгина шўрланган сув билан таъминланган яйловлар энг қулай ҳисобланади. Яйловлар қўйлар йил бўйи шўр сув билан суғориладиган участкалардан иборат бўлганида, улардан фақат куз ва қиш фаслларидагина фойдаланиш мумкин.

Чўл ва ярим чўл зоналаридаги бир талай қоракўлчилик хўжаликларида қўйлар узоқ яйловларга ҳайдаб асралади. Бу система қўйлар ҳайдаб ўтиладиган яйлов районларига жиддий эътибор беришни талаб қилади. Қўйлар ҳайдаб ўтиладиган яйловларнинг ҳосилдорлигини пасайтирмай сақлаш учун, ҳайдаб ўтиш йўллари иккита ёндош участкага бўлиб, бу участкалардан айрим вақтлардагина фойдаланиш тавсия этилади.

Қўйларни загон усулида ўтлатиш учун ҳар қайси мавсумда ишлатиладиган ва яйлов ўтларидан энг самарали фойдаланиш имконини берадиган загонларнинг сонини, ўторга бириктирилган участкадаги загонларнинг умумий майдонини белгилаш лозим. Яйловлардан фойдаланиш ва ер тузишга доир ҳамма масалалар мавжуд ҳамда қурилиши мўлжалланган сув манбалари, шунингдек улардаги сувнинг сифатини ҳисобга олиб ҳал этилиши керак.

Яйлов территорияларини тўғри ташкил қилиш фақат зоотехникнинггина эмас, балки барча мутахассислар ва хўжалик раҳбарларининг ҳам вазифасидир. Бу вазифани ҳал қилиш учун ер тузишга доир материаллар, ҳамда аниқ топографик асосда тузилган ботаника Гидротехника ва тупроқ карталари бўлиши керак.

Яйловлардан фойдаланишга доир кўпгина масалаларни ҳал қилиш учун ер тузиш планлари энг зарур ҳужжат бўлганидан, совхознинг ҳамма мутахассислари бу планлар билан таъминланиши керак. Бу планлар ёрдамида, барча мавжуд факторларни эътиборга олиш йўли билан, ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёнини жуда осон уюштириш мумкин. Бироқ, ҳатто ҳозирги вақтда ҳам, совхоз мутахассисларининг баъзилари бу планларнинг аҳамиятига тушунмайдилар ва улардан фойдаланмайдилар.

Қоракўлчилик совхозларининг ташкилий-хўжалик планлари ҳамда ер тузиш лойиҳалари совхоз директори-нинг раҳбарлигида совхоз, ферма мутахассислари, чўпонлар ва бошқа чорвачилик ходимларининг иштирокида ишлаб чиқилиши лозим. Қоракўлчилик совхозини ёки колхозини ер тузиш планининг асосий звеноси эски участкалардан иборатдир. Бу участкалар барвақт белгиланиб ва ўторларга бириктиб қўйилади.

Битта қудуқнинг суви билан тўртта ўторни суғориш мумкин. Қудуқлардаги сув миқдори етарли бўлиб, қудуқ ёнидаги участкалар кўпроқ ўторни боқиш имконини

берганида ҳам, битта қудуқдан тўрттадан ортиқ ўторни суғориш мумкин эмас. Бир неча йилда ёки кетма-кет келадиган икки мавсумда фойдаланиш мақсадида, бир территориядаги қудуқлар ёнидан битта ёхуд бир неча ўтор учун участкалар ажратилиши мумкин.

ЯЙЛОВЛАРНИ ЯХШИЛАШ

Яйловлар юзаки ҳамда тубдан яхшиланади. Биринчи ҳолда яйловдаги табиий ўсимликлар йўқотилмай, қўшимча ўт экиш, ўғит солиб ҳосилдорликни ошириш, қор тўсиш ҳамда тупроқда нам тўплаш йўли билан ўсимликларнинг состави яхшиланади. Иккинчи ҳолда яйлов территориясини ҳайдаш йўли билан ундаги табиий ўсимликлар йўқотилиб, улар ўрнига кўп йиллик ҳамда бир йиллик ўтлар экилади.

Бироқ, табиий яйловларни ҳайдамасдан яхшилаш анча арзонга тушади. Ана шуни назарда тутиб, КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми табиий пичанзорларни анча яхшилаш, яқин йилларда уларнинг ҳосилдорлигини бир ярим-икки баравар ошириш зарурлигини уқтириб ўтди, шу билан бирга жануби-шарқий ҳамда шарқий районлардаги табиий яйловларни яхшилаш ва уларнинг ҳосилдорлигини кўпайтиришни таклиф қилди.

Яйловда нам тўплаш. Чўл ва ярим чўл зоналарда нам тўплаш жуда муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Бироқ, бу зоналарда қор бўлмаганлиги нам тўплаш ишини жуда мураккаблаштиради.

Тупроқда нам тўплашга жайдари дарахт-буталардан иҳота дарахтзорлар барпо қилиш ва бир йиллик қор-тўсар экинлар экиш йўли билан эришилади.

Чўл ва ярим чўл зоналарда яйловларга қудуқлар, ҳовуз, сув омборлари, артезиан қудуқлар қуриш ҳамда сув манбалари атрофида воҳалар яратиш зарур.

Тупроқнинг ҳаво режимини яхшилаш. Чўл ва ярим чўл зоналаридаги яйловларни бороналаш, уларга минерал ўғитлар солиб ўтсимон ва бошқа ўсимликлар экиш — яйловларнинг ҳосилдорлигини ошириш билан бирга, тупроқнинг ҳаво режимини ҳам яхшилайтиди.

Бегона ўт ва зарарли ўсимликларга қарши кураш. Ўзбекистоннинг тоғ этакларига жойлашган ярим чўл зонасидаги яйловлар энг зарарли бегона ўтлар қилтиқлардан иборат. Бу бир йиллик ғалласимон эфемер ўт-

ларни қўйлар фақат бошоқлагунча ейди. Бу ўтлар ўсадиган яйловлар қўйларни ўтлатиш учун ярамайди. Қилтиқларга қарши асосий кураш чораси — уларни бошоқлагунча ўришдир. Қилтиқлар ўз вақтида ўрилганида, яйловлар бу бегона ўтлардан тамоман тозаланиб қолади. Яйловларга қилтиқлар ўришга жайдари эфемер ўтларни экса бўлади.

Ярим чўл зонасида тароқбош, чалов сингари қўйларнинг жунига илашадиган бегона ўтлар ҳам учрайди. Бу ўтларни эрта кўкламда ёки гуллаётган, мева тугабошлаган даврда ўриб ташлаш ёхуд гербицидлар билан дорилаш йўли билан йўқотиш тавсия қилинади. Бегона ўтларга химиявий усулда (гербицидлар ёрдамида) кураш иши шу йили қўйлар ўтлатилмайдиган яйловда ўтказилади.

Чўл зонасида энг кўп зарар етказадиган бегона ўт — исриқдир, у, одатда, қудуқ ва қўшорлар атрофида ўсади. Бу ўтни фақат кетмон билан чопиб йўқотиш мумкин. Кетмон чопиғи жуда сермеҳнат бўлганидан, бу ишни механизациялаш зарур. Исриқ тупларидан бўшаган ерларга бошқа ўтлар экиш керак. Исриқни чопиб ташлаб унинг ўрнига ўстириладиган ўтларни январда экиш лозим. Бундай яхшиланган яйловларда шу йилнинг кўкламида қўйлар ўтлатилмайди.

Соз тупроқли текис чўллардаги шuvoқ-эфемер ўтлар ўсадиган яйловлардан фақат қўйларни ўтлатиш учун фойдаланилади, бу яйловларда қуриб қолган шuvoқ туплари ва пойлари жуда кўп бўлади. Шuvoқ ўриб олиганида яйловлар яшаради. Уни машинада ўриб пичан қилинади. Бу тадбир шuvoқзорларнинг кексайиб қолишига қарши кураш соҳасидаги энг фойдали усуллардан бири ҳисобланади. Ҳосили ўрилганидан кейинги иккинчи йилда шuvoқ туплари пичан тайёрлаш учун ярайдиган баландликкача ўсмайди, лекин сербарг, серпоя ва кўп ён новдачалар ҳосил қилиб ўсади. Бундай шuvoқзор қўйларни ўтлатиш учун ишлатилади. Шuvoқ-эфемер ўтли яйловлар ана шу йўл билан яшартирилади ва кенгайтирилади.

Ўғитлаш. Чўл ва ярим чўл зоналарнинг тупроғи ҳамда ҳавоси анча қуруқ бўлишига қарамай, улардаги яйловлар ўғитланганида ўсимликлар запаси ва уларнинг тўйимлилики даражаси ҳийла ошади. Тажрибаларга кўра, ўсимликларнинг асосий қисми ғалласимон ўтлардан

иборат бўлган яйловларни азотли ўғитлар билан ўғитлаш энг яхши натижа беради. Фосфор ва калийли ўғитлар эса дуккакли ўтларнинг ўсишини кучайтиради. Табиий яйловлардаги ўтларнинг ҳосилдорлиги ва тўйимлилигини оширишда азот, фосфор ва калийдан иборат ўғитларнинг ҳаммасини ишлатиш энг яхши натижа беради. Турли ўғитларни солиш нормаларни ва муддатлари районнинг тупроқ-иқлим шароитларига ва яйлов типларига қараб белгиланади. Ҳар бир айрим ҳолда бу масала ўғитлар ишлатиладиган жойнинг ўзида ҳал қилинади. Яйловларнинг ҳар гектарига ўрта ҳисобда 2 ц аммоний сульфат, 1,5—2 ц суперфосфат, 0,5—0,7 ц калий хлорид солиш тавсия қилинади.

Чўл ва ярим чўл зоналарда минерал ўғитлар бошқа тадбирлар билан боғлаб ишлатилганида яхши натижа беради. Энг оддий ва арзон усул—ёввойи ҳолда ўсадиган жайдари ўт уруғларини яйловларнинг ўсимликлари сийраклашиб қолган жойларига экиб, бу ерларга минерал ўғитлар солиш ва икки йўла борона босишдан иборатдир. Бороналаш туфайли уруғ ва ўғитлар тупроққа кўмилади.

Чўл ва ярим чўл зоналардаги яйловларни яхшилашнинг энг самарали усули Тошкент химия институти томонидан яратилган мураккаб суюқ ўғитлар билан самолётдан ўғитлашдир. Бу усул анча унумли ва арзон бўлишидан ташқари, чўл ва ярим чўл зоналардаги кенг яйлов майдонларини қисқа вақт ичида ўғитлаб чиқиш имконини беради.

Ўтсимон ва бута ўсимлик уруғларини хатосига ҳамда ёппасига экиш. Бу тадбир яйловлардаги ўт ҳосилдорлигини энг тез фурсатда ошириш имконини беради. Қумли чўллардаги яйловларни парвариш қилиш борасидаги асосий чора — кўчма қумларни мустаҳкамлашдир. Қумзорлар бута ва ярим бута шаклидаги ўсимликларни ёппасига ҳамда хатосига экиш, қумзорлардан вақтинча фойдаланмай қўйиб, улардаги ўсимликларни табиий йўл билан тиклаш асосида мустаҳкамланади. Шу муносабат билан, қумзорлардаги буталардан плансиз фойдаланишга асло йўл қўйилмайди.

Қумларни мустаҳкамлашга доир тадбирларни белгилашдан олдин қум тепаларнинг пайдо бўлиш сабабларини ҳамда сочма ва тарқоқ қумзорлар қачон вужудга келганлигини аниқлаш зарур. Шу билан бирга, бу

қумзорларда бута-дарахт ва ўтсимон ўсимликларининг ўсиш шароитларини билиб олиш лозим. Тарқоқ қумзорларда оқ ва қора саксовул, қандим, черкез, қизилча яхши тутиб кетади. Бундай қумзорларда бу ўсимликлардан ташқари чағон ва шувоқ ҳам яхши ривожланади. Бу қумзорларга бир йиллик ўтсимон ўсимликлардан читир, қум ўсмаи ва бошқа бутсимонгулли эфемерлар экиш керак. Кейинчалик, қумзордаги бир йиллик ўтлар табиий йўл билан уруғланиб, уруғларини ерга тўкиш асосида ривожланади ва об-ҳаво шароити қулай желган йилларда мўл ҳосил беради.

Қумзорларнинг ҳар гектарига шувоқ ва чағон уруғларини 8—10, черкез, қандим, қизилча ва саксовул уруғларини 6—8 кг ҳисобидан экиш яхши натижа беради. Бу уруғларни январда ёки февралнинг биринчи ярмида экиш тавсия қилинади. Унчалик катта бўлмаган майдонларга уруғларни қўлда экиш, туя ва автомобилда юриб сепиш мумкин. Катта участкаларга экишда эса самолётдан фойдаланса бўлади. Уруғларни тупроққа кўмиш учун қўй ўтори уруғ экилган участкадан ҳайдаб ўтилади.

Шуни эсда тутиш керакки, ҳатто бута ва ўтсимон ўсимликлар экилиб мустаҳкамланган қумлар ҳам, улардаги ўсимликлардан нотўғри фойдаланиш натижасида жуда тез янгидан сочилиб, тарқалиб кетиши мумкин. Шу сабабли қумли чўл яйловларидан тўғри фойдаланиш — қўйчиликнинг озиқ базасини мустаҳкамлаш борасидаги асосий тадбирлардан бири бўлиши лозим.

Ўсимликлар экилиб мустаҳкамланмаган қумли яйловларга ўтсимон ўсимлик ҳамда бута ва ярим бута уруғларини аралаштириб экиш маъқул кўрилади. Бундай йўл билан яхшиланган яйловларда қўйларни йилига икки марта — кўклам ва кузда ўтлатиш мумкин.

Қумзорлар орасида кўп учрайдиган шўрхоқларни қора саксовул ва юлғун экиш йўли билан яйловга айлантириш мумкин. Қум тепа ҳамда қумликларда учрайдиган тақирларга айлант, гледичия, турангил ва бошқалардан иборат япроқли дарахт кўчатларини ўтқазиш яхши натижа беради.

Соз тупроқли чўлларда чағон, янтоқ, шўра, каврак, чўл шувоғи, терескен, изен ва қора саксовул яхши ўсади. Бунда қандимнинг ҳар хил турлари ҳам яхши ривожла-

ниб, ёз мавсумида қоракўл қўйларга сервитамин ва тўйимли озиқ бўлиши мумкин.

Юқорида келтирилган ўсимликлар, экилганидан кейинги учинчи йилда мўл кўкат ҳосили беради. Одатда, уларнинг тозаланмаган уруғлари экилади. Ҳар гектарга терескен ва каврак уруғи 20—25, чағон ва ялпоқ шўра уруғи 8—10, қора саксовул уруғи 6—7 кг ҳисобидан сепади. Лекин шунинг эса тутиш керакки, бу ўсимликларни экиш учун ҳозирча аниқ нормалар белгиланган эмас. Шу сабабли, ҳар бир айрим ҳолда бу нормаларни аниқлаштириш ва конкрет хўжалик шароитга уйғунлаштириб белгилаш лозим.

Экишнинг биринчи йилида қор ушлаб қолишига зўр берилади. Иккинчи йилнинг эрта кўкламада яйловга икки йўла зиг-заг борона босилади. Бу бороналаш натижасида тупроқ бетидеги қатқалоқ майдаланиб, тупроқдаги намнинг буғланиши камаяди. Уруғ экилган йили яйловни бороналаш маъқул кўрилмайдими, чунки бу ҳолда янги кўкарган майсалар қаттиқ шикастланади.

Чўл шароитида бундай ўтларни биринчи навбатда қўйлар кўп ўтлатилиб пайҳон қилинган яйловларга экиш зарур. Шувоқ, чағон ва ялпоқ шўра уруғларини йўл-йўл қилиб экиш тавсия этилади. Бу йўлларнинг ҳамда улар ўртасидаги оралиқларнинг кенглиги 30—60—100 м қилинади. Яйловларнинг ўт экилган йўллари ўртасидаги участкаларда қўйларни ўтлатиш мумкин бўлиши учун, уларнинг кенглигини 100 м гача қилиш керак.

Йирик бута шаклидаги ўсимликларни 10—20—50 м кенликдаги йўлларга экиб, бу йўллар ўртасида 400 м дан оралиқ қолдириш маъқул кўрилади. Ўсимлик экилган йўлларнинг узунлиги яхшиланаётган участканинг узунлигига тенг бўлиши керак. Бундай яйлов участкаларини зағонларга бўлиб, қоракўл қўйларни куз ва қиш фаслларида ўтлатиш жуда осонлашади.

Тоғ этақларига жойлашган ярим чўллардаги лёсс тупроқли адирларда йирик эфемер ўтли яйловлар кўп учрайди. Бу яйловларда қоракўл қўйларни кўклам ва ёз фаслларида ўтлатиш жуда яхши натижа беради. Одатда, адирларда шувоқ ва бошқа ярим бута шаклидаги ўсимликлар битадиган қишки яйловлар бўлмайдими. Шу сабабли бу ерларга шувоқ, ялпоқ шўра, чағон, каврак ва бошқа хашаки ўсимликлар экиш йўли билан куз-қишки яйловлар яратиш керак.

Бу хашак ўсимликлари дастлаб ҳайдалган, кенглиги 30—60 м га ва узунлиги ийлов участкасининг узунлигига тенг келадиган йўлларга экиш лозим. Улардан кейинги йўл биринчи бўлдан 30—60—100 м оралатиб жойланиши зарур ва ҳоказо. Бу участкаларда ҳам соз тупроқли чўллар учун белгиланган экиш нормалари ва агротехника қондалари қўлланилади. Соз тупроқли чўл ва ярим чўл зоналаридаги бундай участкаларда ўт экилгандан кейинги иккинчи йилдан бошлаб қўйларни ўтлатиш мумкин. Қора саксовул экилган участкаларда қўйларни иккинчи йилнинг кузи охирида ёки қишида ўтлата бошлаш керак. Саксовул экинларини тўнкадан кўкарган бачки нодалар шаклида тутиб, улардан қўйларни кеч кузда ва қиш фаслида ўтлатиш учун фойдаланиш лозим. Шу билан бирга кўп йиллик бута ва ярим бута ўсаётган участкаларни уруғлик етиштириш учун ажратиб қўйиш зарур.

Юқорида кўрсатилган экинларнинг ҳар гектари 6—13 сўмга тушади, шу сўммага бу экинларнинг уруғларини йиғиштириб олиш ва тайёрлаш харажатлари ҳам киради. Бу чиқимларнинг миқдори ер ҳайдаш ва уруғ экиш ишларини механизациялаштириш даражасига боғлиқ бўлади. Бу ишлар энг юқори даражада механизациялаштирилганида меҳнат унумдорлиги ошиб, шунга яраша харажатлар камаяди. Ҳар қайси хўжалик ўзини уруғ билан таъминлаш учун, уруғлик участкалар ташкил этиб, бу участкаларни пайҳон қилинишдан ҳимояланиш лозим.

ҚОРАҚУЛ ҚУЙЛАРНИНГ МАҲСУЛДОРЛИГИ

Қоракўлчиликда маҳсулотни тобора кўпроқ етиштириш ва унинг таннархини арзонлаштириш борасида ҳар 100 та совлиқдан олинадиган қўзиларнинг сони етиштирилган қоракўл тери, жун ва сут миқдори, гўшт учун юқори кондициягача семиртирилган қўйлар топширилиши ҳамда етук қўйлар омон-эсон сақлаб қолиниши жуда катта роль ўйнайди.

Ўзларининг кундалик ишида қўйларни ўтлатиш ва асраш жараёнларини тўғри уюштирган илғор чўпон бригадалари ажойиб натижаларга эришмоқдалар. Бу жиҳатдан Самарқанд областидаги К. А. Тимирязев номи совхознинг бош чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳра-

мони Хўжааҳмад Турғунбоевнинг ишлари ёрқин мисол бўла олади. Бу донгдор қоракўлчи кейинги ўн бир йил мобайнида ҳар 100 та совлиқдан йил сайин 132 та қўзи олиб, уларни то оналаридан ажратгунча нобуд қилмай ўстирмоқда, давлатга топширилаётган қоракўл териларнинг 83% ни биринчи сорт қилиб топширмоқда ва ҳар бир етук қўйдан ўрта ҳисобда 3,48 кг жун қирқиб олмақда.

Бухоро областидаги «Конимех» давлат наслчилик заводи энг кекса қоракўлчилик хўжаликларидан биридир. 1929 йилдан ташкил этилган бу хўжалик йил сайин давлатга 80% биринчи сорт тери топширмоқда, барча давлат топшириқларини шараф билан бажармоқда ва қўйларни деярли нобуд қилмай омон-эсон сақлаб келмоқда.

Энг юқори ютуқларга эришганлик учун бу хўжаликдаги илғор чўпонлар давлат мукофотлари билан тақдирланди ва тўртта чўпон Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олишга сазовор бўлди. Хўжаликнинг энг илғор чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қали Айдаров, кейинги йиллардаги яйлов шароити нобоп келишига қарамай, ҳамма қўйларни нобуд қилмай сақлаб қолиб, давлат томонидан берилган планли топшириқларни шараф билан бажаришга муваффақ бўлди.

Қали Айдаровнинг қўйларни асраш ва боқиш борасидаги усуллари зоотехника фанининг кейинги ютуқларидан ва чўпонларнинг кўп асрлик тажрибаларидан кенг фойдаланишга асосланган. Ўртоқ Айдаровнинг бу ютуқлари қўйларни ўтлатиш ва озиклантириш ишларини тўғри уюштириш, қўйларни ўз вақтида сугориш, қўзи ва етук қўйларни авайлаб парвариш қилиш, асосий ишлаб чиқариш жараёнларини пухта ва оқилона тайёрлаш ҳамда тўғри ўтказиш, ҳар қўйнинг ҳолатига қараб муомала қилиш йўли билан қўлга киритилмоқда. Шу билан бирга Қали Айдаров яйловлардан улардаги ўсимликларнинг тури, ҳолати, тупроқ типи ва участканинг паст-баландлигини эътиборга олиб фойдаланмоқда. «Қоракўл қўйларнинг асосий озик базаси яйловлардан иборат бўлиб, улар тўғри ишлатилганидагина, қўйларни яхши ва тўйдириб боқиш мумкин» дейди Қали Айдаров.

Қоракўл совлиқларнинг серпуштлигини, жун миқдорини ва яйловда ўтлаб семириш даражасини мўлжалланган даражагача етказиб бўлмайди, деган фикрлар

асоссиз эканлиги илгор чўпон бригадалари ва бутун совхозларнинг қорақўлчилик маҳсулотини ошириш соҳасида эришган ютуқлари билан исботланмоқда. Эндиликда илгор қорақўлчилик совхозларидаги ҳар 100 совлиқдан олинаётган қўзиларнинг сони аксари чет мамлакатлардагидан кўра анча ошмоқда. Масалан, қочирилган ҳар 100 та совлиқдан Америка Қўшма Штатларида атиги 83,1—89,9, Янги Зеландияда 83,3—89,8, Австрияда 57,5—62,8% қўзи олинмоқда.

ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ФЕРМАЛАРИНИ ИХТИСОСЛАШТИРИШ

Харажатларни максимал даражада камайтириб, чорвачилик маҳсулотларини тобора кўпроқ етиштириш соҳасидаги энг муҳим шарт — колхоз ва совхозларни чорвачилик тармоқларига қараб ихтисослаштиришдир. Самарқанд областининг «Ленинчи чорвадор» колхозида райондаги ҳамма қорақўл қўйларни шу колхозга тўплаш йўли билан қорақўлчиликни ихтисослаштириш тажриба қилиб кўрилган эди. Бу тадбир қорақўлчиликдаги бир талай ишлаб чиқариш жараёнларининг, жумладан: жун қирқиш, қўзиларни тери учун сўйиш, қўйларни бўрдоқни қилиш сингари сермеҳнат ишларнинг бажарилишини анча осонлаштирди ва маҳсулот таннархини ҳийла арзонлаштириш имконини берди.

Қорақўлчилик совхозларидаги фермалар доимий қўйларга эга бўлган мустақил ишлаб чиқариш бирлиги ҳисобланади. Фермага муайян яйлов майдони, қудуқлар, иморатлар ҳамда доимий ишчи ва мутахассислар биркитиб қўйилади.

Қорақўлчилик фермалари ҳамма зарур ишлаб чиқариш жараёнлари бажариладиган тўла оборотли ўторга эга бўлиши мумкин. Фермаларни бундай ташкил қилиш усули колхоз ва совхозларда кенг қўлланилмоқда. Аралаш фермалардаги брак қилинган совлиқлар ўша фермаларда ўстирилган урғочи қўзилар билан алмаштирилиб турилади.

Элита ҳамда биринчи класс совлиқ ва қўчқорларни энг яхши шароитда озиқлантириш ва парвариш қилиш йўли билан нобуд қилмай асраш учун ихтисослаштирилган наслчилик фермалари ташкил қилинади. Шу билан бирга ихтисослаштирилган совлиқ ва қўзи фермалари

ҳам тузилади. Совлиқ фермаларида фақат қочириладиган ёшдаги совлиқлар ва оналарини эмаётган қўзилар асралади. Қўзи фермасида оналаридан ажратилган қўзилар бир ярим ёшлигача боқилади. Қўйларни бундай ихтисослаштирилган фермаларга ажратиш ўторларни бруцеллёз касаллигидан соғайтириш учун айниқса муҳим роль ўйнайди.

Тўрт-олти ойлик қўзилар етук қўйларга нисбатан бруцеллёзга қарши анча чидамли бўлади. Кўп ҳолларда оналаридан ажратилган қўзилар бруцеллёз юқумлари сақланиб қолган ўторларда асралганида касалланади.

Аксари колхозларда соғлом урғочи қўзилар кўпинча кекса совлиқлар билан асралади ва ўша совлиқлардан ҳар хил юқумли касалликлар юқтиради. Ўторларни ремонтлаш (тўлатиш) учун ўстириладиган урғочи қўзилар алоҳида фермада асралганида, бир хил ёшдаги совлиқлардан ўторлар тузилади. Эндиликда бу усул Қашқадарё областидаги «Нишон» совхозида жорий қилинмоқда. Бу усул туфайли йил мобайнида ўторларни тузиш ва наслчилик учун ярамайдиган қўйларни брак қилиш ишлари анча осонлашади.

Озиқлантириш, асраш ва парвариш қилиш ишларини тўғри уюштириш учун, қўйларни ихтисослаштирилган фермаларга жойлаш маъқул кўрилади. Бундай фермаларда озиқлантириш ишлари анча осонлашади, оқибат натижада бақувват, соғлом ва сермахсул қўйлар яратиш учун тўла имконият туғилади. Аралаш фермаларда эса қўйларни яйловда ўтлатиш ва озиқлантириш ҳамда сугориш ишларини кўпинча тўғри уюштириб бўлмайди.

Эндиликда ҳар бир қорақўлчилик совхозида қўйларни бўрдоқи қилиш учун механизациялаштирилган махсус пунктлар ва улар ёнида гўшт етиштириш фермалари яратиш зарур. Ҳозирги кунда бундай пункт ва фермаларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилди. Шу билан бирга «Қарноб» давлат наслчилик заводида гўшт етиштириш фермаси ташкил этилиб, қўйларни бўрдоқи қилиш учун илм-фанга асосланган ишлаб чиқариш жараёнлари бошлаб юборилди, гўшт етиштиришни интенсивлаш имконини берадиган озиқ базаси яратилди.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
• Қоракўл қўйларнинг озиқ базаси	5
Табий яйловлар	5
Эфемер ўтли яйловлар	7
Ириқ эфемер ўтли яйловлар	16
Утсимон-бута ўсимликли яйловлар	16
Шувоқ-эфемер ўтли яйловлар	27
Шўра ўтли яйловлар	28
Табий ўтлоқ пичани	34
Хашак тайёрлаш	34
Хашакни қўйларга бериш олдидан тайёрлаш	38
• Хашакни сақлаш	42
Ғарамдаги хашакнинг вазнини аниқлаш	48
Ем-хашак экинлар	50
Хашакни силослаш	54
Экин чиқиндилари	55
Эҳтиёт ем-хашак фонди	56
• Яйлов ўсимликларининг тўйимлилик даражасини баҳолаш	57
Озиқлантириш нормалари	65
Қоракўл қўйлар томонидан бир суткада ейиладиган яйлов ўтларининг миқдори	68
• Яйловларнинг ҳосилдорлиги ва озиқ запаси	72
Яйлов конвейери	79
Қоракўл совлиқларнинг маҳсулдорлиги ва серпүштлигига уларни озиқлантиришнинг таъсири	82
Насл қўчқорларини боқиш ва асраш	84
Совлиқларни боқиш ва асраш	85
Қўзиларни оналаридан ажратгунча боқиш ва асраш	91
Қўзиларни оналаридан ажратиш ва уторлар ташкил қилиш	95
Қўзиларни оналаридан ажратилгандан кейин боқиш ва асраш	99
Қўйларни минерал моддалар билан озиқлантириш	106
Қўйларни қўшимча озиқлар билан боқиш	108
Қўйчилик биналари	113
Қўйларни эрта кўклам ўтлатиб бўрдоқи қилиш	116
Қўйларни яйловда ва қўлда бўрдоқи қилиш	120

Қўйларни лалмикорликдаги судан ўти ва махсар экпиларида ўтлатиб бурдоқи қилиш	126
Тери сифати жиҳатидан брак қилинган эркак қоракўл қўзи- ларни гушт учун яйлов ва қўлда боқиб семиртириш	129
Яйловдан фойдаланиш	131
Қўйларни ўтлатиш системаси	131
Яйлов обороти	136
Яйловларни яхшилаш	138
Қоракўл қўйларнинг маҳсулдорлиги	143
Қоракўлчилик фермаларини ихтисослаштириш	145

На узбекском языке

Серафима Ивановна Кедрова

ПАСТБИШНОЕ СОДЕРЖАНИЕ КАРАКУЛЬСКИХ ОВЕЦ

Издательство «Узбекистан»

Ташкент — 1967

Отпечатано в типографии №3 Ташкент, Навои, 30.

Таржимон *А. Ҳасанов*

Редактор *Р. Қодирова*

Техредактор *А. Бахтиёр*

Корректорлар *М. Каримова, Х. Мансурова*

Теришга берилди 25/1-1967 й. Босишга рухсат этилди 5/IX 1967 й. Формати 84x108^{1/32}. Бос. л. 4,625. Шартли бос. л. 7,77. Нашр. л. 7,8 Тиражи 3000.
Р 10395. «Узбекистон» нашриёти. Тошкент, Навоий, кўчаси, 30. Шартнома № 294—66. № 2 қоғозга басилди.

ЎзССР Министрлар Совети Матбуот Давлат комитетининг 3-босмаҳонасида
босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Заказ № 246. Баҳоси 23 т.